

УШ АРҚ ЮЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САНАТ ЖУРНАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

1

ЯНВАРЬ



ТОШКЕНТ

1948

Обложка, титул рассом Искандарники

ҒАФУР ҒУЛОМ

ЯНГИ ЙИЛ ШЕ'РИ

Янги йил баҳона, — қудратимизнинг
Бир йиллик маҳсулин қилсак сарҳисоб.
Ғолиблар илкияга муборак бўлғай
Байроқ ҳам, қилич ҳам, қадаҳ ҳам рубоб.

Меҳнат, муҳаббатнинг, шараф, номуснинг
Халқимиз қалбида тантанасийчун,
Фараҳли кунлардир ёқут маржондай,
Қўллардан ичқитманг бу ипнинг учин.

Синоқлар олдида элаврамасдан,
Ҳамиша зўр келган советлар халқи,
Жаҳондай пойдор бўлиб абадий,
Яшамак манба'и — қуёшдай болқи!

Дўстлик пиёласи тўлсин лиммо-лим,
Соат ун иккидир, базмимиз чаман.
Ун икки ойдаги меҳнатларимиз
Яратган муҳайё, мағрур анжуман.

Базмимиз ёритган шу шаб — чароғнинг
Симини тортганмиз кеча Фарҳоддан.
Ушбу нур ўзбекининг кўзин қароғи
Фарҳод ГЭС аталган шараф ободдан.

Бу шароб, жомларга оқиб тўлгунча,
Не етук қизларнинг юзини кўрган,
Бу коса, лабларга ета олгунча,
Не тўлун ойларнинг умрини сурган.

Боғу-бўстонларнинг мазмуни бунда
Хуррамлик ёшидай тоза, беғубор.
Бу шароб орқали кучин кўрсатар
Ўзбек деб номланган кекса соҳибкор.

Шабнам оёғига илиниб қолган
Гулларнинг ҳиди бу, занжирлари бу,
Қиров парчаларга боғланиб олган
Қуёш рангларининг шамширлари бу.

Тамбурда бир зарбнинг уни тинмасдан,
Йиллардан-йилларга кўчар умримиз.
Ватан ош'ендир, биз эса чаман —
Чаман ош'енда шоир қумримиз.

Қани, ҳей сибқоринг, азизлар, ёрлар,
Қадаҳни узатар букун дўстга-дўст.
Янги йил муборак!.. Бўса ва оғуш.
Қўшалоқ мағиздай икки тан — бир пўст.

Халқимнинг юрагин зарби покликда,
Кремль соати каби муҳаққақ.
Сталин байроғи пешво бўлиб
Бешйиллик тўрт йилда ўринлар мутлақ.

Мардликнинг юзини нурда йўғуриб,
Дўстларнинг кўзига тик қараган хўп.
Ўтган йил пахтадан уятли бўлди,
Бегона эмасмиз, қадрдон, маҳбуб.

Бугун тонг отарда шараф-шон блан
Пахтакор халқимга бошланур кўклам.
Бултурнинг хижолат боқимондаси
Бу йилнинг бепоён маҳсулига зам.

Ма'рифат халқимиз ҳунари бўлди.
Китоб рўзғорда ўту-сув каби,
Доно авлодларга ҳар варақ қоғоз —
Уйнинг тўридаги бир кўзгу каби.

Ўқилган, ёд бўлган ошво китобдай,
Қадрдон ота юрт, она еримиз.
Биз айтган ҳосилни бера олади,
Бор бўлсин билак куч, мангдай теримиз.

Бир йилда умрлар яшамоқ учун
Ҳар соат, ўлкамиз бўлолди обод,
Бирнинг тўққиз юзу қирқ еттинчи йил
Ғалаба асридай қилинажак ёд.

Ўтган кун карточка бекор қилинди.
Бутун халқ тик туриб, ҳайқирдик: урро!
Киссада олтин пул, ўлка фаровон,
Нови бут кишининг сўзи ҳам бурро.

Кечаги даҳшатлар, уруш, вайронлик
Капитал аждарин қилмади ёввош.
Не ёмон ниятлар блан сақланган
Атом деб аталган сир ҳам бўлди фош.

Кимда-ким бўлса ҳам, таваккал блан
Халқимни енгмакни қилса бад фикр —
Қадамни дадилроқ қўйишдан ожиз.
Муз узра тайғаниб боргучи сигир.

Истаган бўҳтонни айтиши мумкин,
Деворда рахнадай паришон оғиз.
Дун'ёни комига ютаолмагай
Уол-стритли беш-ўн ялмоғиз.

Ёлгон ваҳималар қўрқита олмас,
Шамолдан денгизнинг монглайи ажин.
Кун-кеча халқимиз намоёиш қилди
Нечоғлиқ қудратин, нечоғлиқ кучин.

Ўз ерда ўз эккан азиз нонимиз
Улуғ халқимизга қилади насиб.
Бировнинг ҳаққига зомин яшамак
Инглиз лордига эрур муносиб.

Озодлик чанқоғи бўлган инсонлар:
Майли ҳинд, хабашми, хитой халқими,
Золимлар панжасин зўр блан қирқар,
Бўғилмас бундан сўнг шарқнинг халқуми!

* * *

Янги йил баҳона — қудратимизнинг
Бир йиллик кучини қилсак сарҳисоб.
Ғолиблар қўлига муборак бўлғай
Байроқ ҳам, қилич ҳам, қадаҳ ҳам рубоб.

Меҳнат, муҳаббатнинг, шараф, номуснинг
Халқимиз қалбида тантанасийчун,
Сибқоринг, азизлар, дўстлар, ёронлар,
Кўрсатинг Сталин асрининг кучин!

31 декабрь, 1947 йил

ШАЙХЗОДА

УКРАИНАГА

Шерик эдик аламингга оғир мотам чоғида —
Тўлғанаркан Днепринг азоблар ётоғида.
Днестринг „эвоҳи“га Сирдар'ё ҳам йиғлади,
Тошкентли ҳам Одессада ёвни ўққа михлади.
Сенку, ўртоқ Украина, товариш Украина,
Синоқларда ҳамдард бўлмак қардошликка ойина.
Шерик эдик аламингга... Қайтмасин ул кунлар,
Қайғу блан сарғаймасин чеҳралари гулгунлар.
Боғларингга ҳеч ёғмасин заҳар блан заққумлар,
Сувларингдан ичалмасин ла'натийлар, маш'умлар.
Бу кув сенинг шонли тўйинг қутлуғ бўлсин, муборак,
Жомлар-тўлиқ, масарратлар улуғ бўлсин, муборак!
Биз ҳам келдик меҳмон бўлиб, тортимиз — севгимиз,
Барча совет элларимиз — ўроқ, болға — белгимиз.
Биз ҳам келдик меҳмон бўлиб... мажлисда дўст улуслар,
Қозоқ, гуржи, лотиш, арман, тўрда — оғайни руслар.
Кундузларни олқишлайлик, қуёшимиз Сталин,
Жарангласин тинмай қўбуз: тўйбошимиз Сталин.
Бу мажлисда жам'улжамлар саралардан — саралар,
Қутлагани келган дўстлар дерки: — битсин яралар.
Дерки: ўттиз полвон йилнинг изин боссин асрлар,
Дерки бу кун кўп мухташам замонларни ҳозирлар.
Соғ бўл, ўртоқ Украина, товариш Украина,
Тўйда баҳам хуррам бўлмоқ қардошликка ойина.
Украина — Ўзбекистон: бир толи' авлодимиз,
Қомусларда бир ҳарфдан бошланади отимиз.
Кундузларни олқишлайлик: қуёшимиз Сталин,
Куйлашайлик барча тилда: тўйбошимиз Сталин.

АСҚАД МУХТОР

ҚОЗОН УНИВЕРСИТЕТИ

Қобон-кўл бўйида баланд, баҳайбат,
Олтмиш тўрт устунли ҳаворанг бино.
Узоқлардан тиниқ осмон блан —
Туташиб кетгандай кўринар гўё.
Кекса донишманднинг манглайи каби
Ўйчан ярқирайди ясси пештоқи.
У гўё ер узра азалдан барқарор,
Гўё бунда мангу ва боқи.
Бунда Ленин тунлар китоб устида
Ҳали насллар-ла суҳбатлашарди.
Доҳиёна ўйда янги бир жаҳон
Ҳали куртак бўлиб бунда яшарди.
Шундай буюкликни кўтарганида
Бу мрамор устунлар толмаганмикин?
Бўсаға тошига тикилиб қарайман
Муборак излари қолмаганмикин?
Ҳаёлни судрайди нонвой боланинг
Мрамарга ўйилган шуҳратли номи.
...Алёша Пешков...
Ана у, зинанинг қўйи бурчида
Қамиш саватида бировнинг нони.
Швейцар кўзини шамғалат қилиб
Харидорин кутар интизор...
Шу буюк даргоҳда буюк умрларнинг
Бебаҳо йиллари бўлган экан хор...
Тарих бу бинонинг бўсағасига
Азиз қадамларни кўрибдир раво.
Шунда ўтказгандир ўйчан шогирдлигин —
Нафосатнинг деви — Толстой бобо.

Ҳурматли мударрис Илья Ульянов
Уғли Володяга қилган угитин
Бу ердаги минглаб шогирдга ҳам
Ҳарқуни уқдирган бўлиши мумкин.

* * *

Эрта куз, Волганинг кулранг тўлқинида
Дастлабки сариғ барг чайқалганида
Жигули тоғлари олтиндай сарғайиб,
Кўк арчаларгина тик қолганида
Оппоқ булут каби қалқиб уфуқдан
„Тўқай“ пароходи сузади салмоқ.
Палубада тўла қизлар, йигитлар
Гармонга жўр бўлиб куйлашар қувноқ.
Сталин ҳақида ҳамоҳанг нақорат
Чувашча, марийча, бошқирдча қўшиқ
Тўлиб оққан она — Волга каби
Севимли, тўлқинли, жонажон ва шўх.
Пароход товшидан титраб янтраганда
Қозон кремлида қадимги минор,
Бехосдан жонланиб кетар палуба
Студент — ёшларнинг қўшиғи тинар.
Ҳалиги баҳайбат, ҳаворанг бино
Қуёшдай кўринар улар кўзига.
Оққушдай толпинар бесабр юраклар
Шодлик нури югурар юзига.
Кекса донишманднинг манглайи каби
Ўйчан ярқирайди бино пештоқи.
У гўё ер узра азалдан бор-у
Гўё шунда мангу ва боқи.

Қозон шаҳри,
Октябрь, 1947 йил

ОРИФ ЮНУС

ЛЕНИННИНГ КЕЛИШИ

Кўпдан бери муштоқ эди Ленинга
Русиянинг миллион-миллион халқлари,
Кутар эди уни ҳар дам, ҳар соат
Кутар эди,
Отлар эди илгари.
Петроград ишчи, солдат тўдаси,
Кронштадт матрослари кутарди.
Инқилобнинг рулевои партия
Бош қўмондон — Ленинга кўз тутарди.
Инқилобнинг оғир, мушкул йўлида
Ўз жонини тикиб юрган
Ҳар жанговар дилида
Сезиларди саркарданинг йўқлиги.
Тиллар сўзлаб,
Эллар сўзлаб
Ўз муҳтарам доҳисин
Кўп интизор бўлиб ҳар он кутарди.
Кўзғолганди бутун эл.
Русияни улуғ даврон кутарди.
Ленин эса, бу кун она юртида,
Эртасига
Ет элларда юрарди.
Қидирарди чор кўппаги кеча-кун,
Қидирарди,
Искар эди изини.
Шунинг учун у ўзини
Ёввойилар кўзидан
Яширишга мажбурди кун-кечалар.
Уларнинг шум нигоҳини
Ўзидан
Қочирарди қуриб турли режалар.

Бари-бирдир
У қаерда бўлмасин
Захматкаш эл кулфатини
Елкада
Олиб юрар,
Ҳар ерда ҳам иш кўрар,
Фикри-ёди
Пролетарнинг ёвини,—
Йўлидаги говини
Маҳв этиш,
Неча юз йил зулмларнинг остида
Келган оддий одамзодни
Шод кунга,
Озод кунга
Элтишди!
Яқиндами, узоқдами у доҳи
Нур сочарди
Ўхшаб ёруғ офтобга.
Йўл очарди на'ралар инқилобга.

* * *

Қоронғи тун.
Фақатгина унда-бунда чироқлар
Жин кўзидай милтирарди
Ёриталмай кўчани.
Петроград бу кечани тинчгина,
Роҳат ухлаб ўтказалмай безовта,
Тикан каби туйиларди тўшаги.
Исковичдай изғир эди полиция,
Чулдирарди унинг маш'ум ҳуштаги.

Қоронғи тун.
Кўчаларни ёриталмай
Чироқлар
Ма'юс-ма'юс ёнади,
Петроград тўлғонади
Ухлай олмас,
Безовта...

Тун бўлса ҳам
Тинмаганди оёқлар,
Тун бўлса ҳам
Петроград кўчалари
Серқатнов.
Гала-гала чопишарди одамлар
Қайга борар?

Улар ўзи биларди!
Қалбларида алангали ҳаяжон,
Кўпдан кутган бахтли соат
Келарди.

Мана вокзал!
Ҳар кунгидан бошқача,
Ҳар кунгидан
Букун ортиқ тирилган.
Апрель туни.
Вокзал.
Тому-тошгача
Халқ ёғилган,
Бу халқ нима мафтуни?!
Ҳар томонда маш'ал порлар кўп хандон,
Бутун атроф,
Бутун майдон чароғон.
Юзлаб қўлда қизил байроқ—доларанг.
Одамлар кўп, юраклари ҳамоҳанг.
Минг-минг кўзлар тикилганди
Гурсиллаган вокзалга,
Поезд келди на'ра тортиб,
Олиб келди Ленинни,
Инқилобнинг йўлбошчиси намоён!
У шу замон
Чиқиб келди вагондан.
Кутиб олди азмкор халқ
Шижоатли раҳбарин.
Халқнинг руҳи баланд эди,
Мағрурди
Ўз белига таққан эди
Азаматлик камарин.

Бирданига халқ қўлида
Йўлбошчини кўтариб
Юқорига ирғитарди
Товушлар „Урра! Урра!“
Бу шаҳарда бўлаётган
Мард қичқириқ,
Ғурурдан
Ларзага келди курра.
Ана, Ленин!
Броневикда сўзлайди,
Шунқор каби интиларди халқ сари.
Шу одамда
Бутун диққат,
Муҳаббат
Шу одамда турганларнинг назари.

Ҳамма гўё бир қулоқдек, бир қалбдек
Тинглар эди бу азамат инсонни.
Қарсақ ба'зан гулдиракка айланар,
Осмонларга кўтаргудек майдонни...

Ана, Ленин!
Броневикда сўзлайди,
Ҳарбир сўзи
Жангга олиб боради,
Қанотланган,
Курашларга отланган
Солдатларга
Қурол-яроқ беради.
Дона-дона алангали сўзлари
Юракларнинг тубларига етади.
Бутун халқни жанг бўрони орқали
Кўрилмаган саодатга элтади.

Ана, Ленин!
Броневикда сўзлайди...
У мазлум эл, меҳнаткаш эл отаси.
Русиянинг тоғдек оғир юкини
Ўттиз йиллаб кўтармишди елкаси.
Башар бахти ижодчиси у одам,
Улкан иш-ла тўлган умр дафтари.
Қаранг,
Қандай ғамхўр, содда, камтарин!
Лекин халқнинг буюк, доно раҳбари!

„Яшасин, — деб, — социалистик инқилоб!“
Улкан арбоб
Ўз нутқини тугатди.
Унинг хитоб,
Қат'ий қарор,
Шиори
Қишлиқ Сарой юрагини
Титратди.

Петроград кўчасига таралди
Доҳи сўзи, чақирғи, нидоси.
Инқилобнинг кўйларида юрганлар
Ғалабанинг бўлдилар жонфидоси!
Меньшевик ва эс-эр каби газанда
Пароканда бўлди ортиқ
Қўлтиқ-таёқ топалмай.
Қора тунга айланганди кундузи,
Қўлтигидан тушган эди тарбузи,
Серрайганди уз ўрнидан қўпалмай.

Русиянинг рабочиси,
Деҳқони,
Мард солдати
Учди олға бургутдай!
Доҳи Ленин ўшаларнинг йулини
Ёритарди сўнмас ўтдай.
Ўлканинг —
Тарихида очиларди янги боб.
Етиларди,
Куч оларди
Инқилоб...

СОДИҚ ҚАЛАНДАР

БИЗ УРАЛДА*

Повесть

Қурилиш бошляғи, икки қошининг ўртасига ва кўзларининг пастига ажинлар тушган, кексароқ, лекин ҳаракатларидан тетиклиги кўриниб турган Александр Аркадьевич, қизил шкафдан олган эски чертёжни столи устига ёзиб диққат блан унга қараб турар эди. Ҳар замон, ҳар замонда қўлидаги йўғон, рангли қалами блан чертёжга қандайдир белгилар қўяр эди.

Кабинетда ундан бошқа ҳечким йўқ. Кўк абожорли стол лампасининг нури, икки кундан бери тинмай ёғаетган ёмғир томчиларининг бир оҳангда айнакларга шитирлаб урилиши—уй ичида ишлаш учун тинч ва қулай шароит яратган эди.

Шу пайтда бирдан телефон жаранглади. Қурилиш бошлиғи трубкани олди:

— Ҳа, мен. Эшитаяпман. Ўзим ҳам ҳозир ўша цехнинг чертёжини олиб текшириб турган эдим. Фикрингизга тушунаяпман. Тўғри, бу тўғрида албатта, сиз менга, мен сизга ёрдам беришимиз керак. Қурилиш ишини мен бажараман-ку? Ҳа, ҳа, шундай. Тушунаман... Тўғри, тушунаман. Нима қилай, менда ҳам ортиқча одам йўқ... Албатта. Ҳаммаси икки сменада ишлайди. Ҳа. Қандай қиласиз... Майли, ёрдам берамиз... Албатта. Менда битта шу ишга лойиқ бир бригада бор... Мустафо Ризоев бригадаси... Тўғрилаймиз. Яхши. Хўп. Хайр.

У, телефон трубкасини ўрнига қўйди, лекин ундан қўлини олмай, бир пас кутиб тургач, яна қулоғига тутди.

— Бешинчи цех бошлиғининг телефонига боғланг, — бир пас жим тургач, яна давом этди, — ким бу? Евгений Михайловичми? Евгений Михайлович, сиз менга жуда керак эдингиз. Зарур иш бор эди. Тез. Ўзингиз блан Мустафо Ризоевни ҳам олакелинг. Ҳа, бригадирни. Кечикманглар. Кутиб турибман.

Телефон трубкасини яна ҳалигидай қилиб бемалоллик блан ўр-

* Боши журналнинг 1947 йил—8, 9, 10, 11, 12 сонларида.

нига қўйди, папирос чекиб, яна аввалги вазиятда диққат блан чертёжга тикилди.

Орадан ўн минутча вақт ўтгач, эшик тикиллади.

— Ҳа, марҳамат!—деди баланд овоз блан у ва чертёжни нарироққа суриб қўйди.

Эшик очилиб старший прораб Михайлович Суровцев ва Фронтровой бригаданинг бошлиғи Мустафо Ризоев кирди. У кенг елкали, ёш бир йигит бўлиб, эгнида ҳўл плашчи, оёғида эса бризент этиги бор эди.

— Ёмғир ҳалиҳам ёғаяптими?—сўради улар блан кўришиб, қурилиш бошлиғи.

— Ёққанда қандай.—Жавоб берди кулиб Мустафо Ризоев. У, плашчининг бошига ёпадиган қисмини елкасига тушириб, полга этигидан оқиб тушаётган сувга қаради ва оғир бир нафас олди. Ундан сўнг қурилиш бошлиғи тутган папиросдан олиб тутатди-да, савол назари блан унга қараб турди.

Қурилиш бошлиғи кабинетда уёқдан-буёққа бир-икки мартаба юрди.

— Масала шундай. Оғайнилар,—деди у, дераза олдида тўхтаб,— завод директори ёнган цехни тезлик блан тозалашни буюрди. Уни қайта тиклашимиз керак. Шунинг учун, энг аввал, уни яхшилаб тозалашимиз лозим. У ерда иш кўп, лекин бунга алоҳида одамимиз йўқ. Нима дейсизлар?.. Бирор илож борми?

У, индамай уларга бир пас қараб турди.

— Агар бу ишни,—яна сўзида давом этди,—монтажчиларга, ер қазучиларга ва сизнинг бригадавизга топширсак, ўртоқ Ризоев, нима дейсиз? Сизлар ҳарқайсингиз навбат блан, ҳар кун ишдан кейин бир-икки соатдан ишлаб ёнган цехни тез орада тозалаб чиқсанглар. Ахир, ҳозир ҳамма бригадалар бир кунда ўн олти соатдан ишлаш кераклигини ма'қуллашди, шундайми, ўртоқ Ризоев? Сиз икки сменада ишлайсиз-а?

— Шундай,—деди Ризоев бошлиқнинг сўзини ма'қуллаб ва қизориб кетган қўлини суртиб, кафтини ишқади.

— Мана, ўзлари гапирсин,—деди прораб, Ризоевни кўрсатиб, чунки қурилиш бошлиғи „сизнинг фикрингиз қандай?“ дегандай қилиб, унга тикилиб қараб турар эди.

— Менинг фикрим шундай,—деди сўзни бўлиб Ризоев,—майли, қанча оғир бўлса ҳам бу ишни ўз устимга оламан ва ўз одамларим учун жавобгарман. Монтажчиларнинг ҳам кераги йўқ, ер қазучиларнинг ҳам. Битта ўзимиз бажарамиз.

Унинг сўзларидан ғайратланиб кетгани кўриниб турар эди. Ба'зи сўзларни шошганидан татарча талаффуз блан гапирди.

— Яна икки соатдан кейин смена тамоm бўлади, шу бугундаёқ цехга келиб ишни бошлаймиз, ўртоқ начальник,—деди ғайратланиб ва ўрнидан турди.

— Қандай қилиб?.. Мен тушуналмаяпман,—деди таажжубда прораб,—нима, сизлар уч сменада ишлайсизларми, кечаю-кундуз?

— Ҳа, бугун уч сменада. Кечаю-кундуз. Сўнгра... Ишни қандай олиб боришни эртага гапиришамиз.

Қурилиш бошлиғи унга бироз тикилиб тургач, деди:

— Яхши, ўртоқ Ризоев, демак сизлар бугун уч сменада, эртага монтажчилар, индин ер қазучилар. Шундай айланиб бора-берида?..

— Йўқ, нега? Монтажчилар, ер қазучилар ҳам керак эмас, дедим-ку. Битта ўзимиз бажариб қўямиз. Менинг йигитларим ўзимга ма'лум.

— Бир сменада бажармоқчимисизлар?

— Бир сменада бажарамиз!— жавоб берди Ризоев.

— Эллалмайсизлар, ўртоқ Ризоев, ёмғир ёғиб турипти.

— Ҳечнарсасизлар эмас, хотиржам бўлинг, Александр Аркадьевич, менинг йигитларим қоғоз ҳам эмас, шакар ҳам эмас — ёмғирда ушиб қолса,— деди ва плащчининг бошга ёпадиган қисмини кўтариб қўйди.

— Хўп, гап шуми?— Қурилиш бошлиғи бир қўлини Мустафoning елкасига ташлаб, иккинчи қўли блан унинг қўлини сиқди,— ҳозир фронтчасига ишламасак бўлмайди. Мен икки соатдан сўнг бориб, сизлардан хабар оламан.

Қурилиш бошлиғи улар блан хайрлашиб, эшиккача узатиб қўйди.

V

Сентябрь ойининг охирида Қозоқбой батальони Сталинградга ёриб кирди. Солдатлар тун қоронғисидан фойдаланиб баржада эсон-омон Волганинг нариги қирғоғига ўтиб олгач, яқинроқ бир жойдан чиқаётган катта ёнғиннинг ёруғида, душман миномётларининг бирнеча марта сочган ўтларидан ҳам ҳайиқмасдан, белгиланган чорсига чиқиб олишди. Булар бундаги мудофаа учун тайин қилинган ярми вайрон тўрт иморатнинг бирига кирганларида тонг оқара бошлади.

Ягона таянч пункти бўлган уч қаватлик иморат бизнинг қўлимизда эди, аммо худди шунга ўхшаш кўчанинг нариги бетидаги уйларда немислар бор эди. Бунда бир батальондан иборат бизнинг аскарларимиз бирнеча кундан бери кўп сонли душманнинг ҳарқандай хуружига чидаш бериб турар эдилар. Ана шу батальонга келиб қўшилган Қозоқбой бўлинмаси кўчани кесиб ўтиб, тўғридаги немислар турган уйларни эгаллаши керак эди. Буни бажариш ҳозир сра мумкин эмас, одамларнинг ярмини йўқотиб қўйиш хавфи бор эди. Чунки қатор уч уйни эгаллаб олган немислар кўча юзини, чорсини ва бизникилар турган баланд бинони ҳам ўққа тутиб турмоқда. Ўз бўлинмасини тош ва гишт уюмлари орқасига паналаб қўйган капитан Қозоқбой, немислар турган уйлардан бирининг ҳовли томонидан ҳужум қилиш кераклигини ўйлаб қолди.

Аммо немислар, шу кунни тонг олдидан чорсидаги тўртинчи бинони ҳам эгаллаш учун унга қараб миномётдан тўхтовсиз ўт очабошлаган эдилар. Қозоқбойнинг душман орқасидан ҳужум қилиш фикрини, дар'ё бўйида унинг батальонини кутиб олган ва бу ерга бошлаб олиб келган офицер ҳам ма'қуллади. Шун-

дай бўлса ҳам Қозоқбой бир пас кутишга қарор қилди. Броқ кутиш узоққа чўзилмади.

— Ана, уларни қаранг!— деди офицер унга. Офицернинг ёнида ғишт уюмларининг панасида кўкрагини ерга қўйиб ётган Қозоқбой чорси томонга қаради: немислар ўзлари турган уйларнинг деразаларидан сакраб-сакраб тушиб чорсига томон югуришар, ўзларини бирдан ерга ташлаб эмаклашар, яна туриб олдинга югуришар эди.

Чорсида фавқулодда жимлик ҳукм сурмоқда эди.

Немислар сийрак-сийрак бўлиб югуришиб бориб бинони ўрай бошладилар. Лекин қаққайиб турган бу бино сокин турар эди. Жуда кўп сонни ташкил қилган немислар кети узилмай, бино томонга қараб ўрмалаб боришмоқда. Бир немис солдати югуриб бориб бинонинг ойнакларидан бирига худди мушукка ўхшаб тирмашиб олди, унинг орқасидан югуришган яна бошқа солдатлар катта қопга солиғлиқ қум блан бекитилган эшикка қараб қолишди. Кўринишидан булар шундай қўрққан эдики, ё бинонинг нариги бурчига қараб югуришни, ё қумни олиб ташлаб, бинога кириш йўлини очишга ҳам ботинаолмас эди. Шу вақтда бирдан бинонинг юқори қаватларидан настга гранатлар ирғитилабошлади, бир пасда майдон тутун ичида ўқ ва портлаш овозлари блан тўлиб кетди. Лекин бинодан анча узоқда ерда писиб ётишган немисларнинг қолган қисмлари бирдан кўтарилди ва автоматлардан ўт очиб, қичқиритиб ўзларини бинога томон уришди.

Ана шу вақтда Қозоқбой ўз жангчиларини турғизиб ҳужумга олиб борди. Унинг буйруғига мувофиқ солдатларнинг бир қисми тўғри ҳалиги майдонга, иккинчи қисми бинога штурм қилиши керак эди. Бу бинонинг ичида ўзимизникилар, Қозоқбойга таниш бўлмаган башқа бир рота жойлашган эди.

Эҳтимол, солдат ва командирлардан бирортаси ҳам, бинога штурм қилган, ёки майдонда немислар блан юзма-юз найзабозлик жангига киришган жангчилардан бирортаси ҳам, шу ярим соат ичида бу жанг майдонида нималар бўлганини аниқ ва бирма-бир айтиб бераолмас... Бу шундай даҳшатли тўқнашишларнинг бири эдиким, бунда сен дунёдаги бутун нарсани унутсан, кўз олдинда фақат тутунлар буриқсиганини кўрасан, қулоғингга фақат отишма овозлари эшитилади, сен томон югуриб келаётган душманни кўрасан; фақат от, ур, йиқит...

Ботир мана шу тўс-тўполон ичида бизнинг бир ротамиз жойлашган шу катта бинонинг юқори қаватига чиқадиган зинапояли даҳлизга кириб қолганини ўзи билмай қолди. У, ерда ётган бир тўда немис ўликлари устидан сакраб ўтиб, деворга суянганича қотиб қолди. Шундагина ўзига келиб, жанг тамом бўлганини пайқади, чорси майдонида ҳалихам чанг аралаш тутун босилмаган эди, ҳаммаёқда тош ва ғишт уюмлари орасида ўликлар ётар эди. Ҳар томондан ярадорларнинг инграшган овозлари эшитилар эди. Шу пайтда қизил аскарлар ҳарёқдан югуришиб зинапояли даҳлизга келиб кира бошладилар.

Ботир даҳлизга кирган вақтда жуда ҳолдан тойган эди, юзи

дая оқиб тушаётган терларини қўли блан артди. Зина устига ўтириб бир пас дамани ростлаб олишни истар эди, лекин бу фикридан тез қайтди, чунки душман деразадан ўқ узиб, уни ҳалок қилиши мумкин эди. У шу ҳолда деворга суяниб бир нафас майдонга ва даҳлизга югуриб киришаётган жангчиларга қараб тургач, бирдан йўлакка қараб югурди.

У йўлакнинг нариги томонидан югуриб чиққан лейтенант Силантьевга дуч келиб қолди. Йўлакни тўсиб қўйилган қум тўла қоплар девор тегига суриб қўйилган эди. Булар бир-бирларига қараб кулиб қўйишгач, бир тўда жангчилар блан олға томон юришди. Сал юргач, бирдан тўқтаб қолишди. Йўлакнинг бу жойи ҳам кўтариб бўлмайдиган катта-катта тошлар, ғиштлар, қум тўла қоплар блан тўсиб қўйилган эди. Бу жанговар шароитда мўлжал қилишга кўзлари ўрганиб қолган жангчилар дарров пайқашдики, бу ердан ўтиш сра мумкин эмас. Бинонинг кенг бурчакдаги ғишт зинапоя ҳам портлатилган, иккинчи қаватга чиқиш имконияти йўқ.

Шу вақтда юқори томондан оёқ шарпаси ва сўнгра гапиришишган овоз эшитилди:

— Дўстим Ваня, мана қандай хурсандлик-а? — Кимдир қувонган ҳолда гапириб келар эди. Шу овоз яна яқинроқдан эшитилди:

— Сен нима қиласан бориб? Бинтларингни қара, ешилиб кетпти. Ҳозир яна қон оқабошлайди.

— Қўябер, майли, ҳечнарсасиз эмас. Учрашишим керак.

— Ундай бўлса, ўзинг биласан. Майлинг, юр.

Шу вақтда бузилган зинапоянинг юқорисидан, иккинчи қаватда икки киши пайдо бўлди.

— Мана булар.

Буларнинг бири старшина эди. Унинг куя ва лойга буланган юзларида қайноқ жасораг ва очиқ хурсандлик ифодаланиб турар эди. У ўз орқасидан келаётган, чап қўли бинт блан боғланган шериғига қарамасдан муаллақ бўлиб қолган зинапоянинг юқорисидан ўзини пастга отди ва чаққонлик блан ҳест бериб Силантьевга доклад қилабошлади:

— Ўртоқ лейтенант, старший лейтенант Войновнинг ротаси сон жиҳатидан...

— Эй қариндошям! — қичқариб юборди лейтенант ва старшинани қучоқлаб олди.

Улар анча вақтгача бир-бирини қўйиб юборишмади. Солдатлар ҳайрон бўлиб индамай туришар эдилар. Ба'зилари қўллари блан кўзларини артиб қўйишди.

Охири старшина Силантьевни қўйиб юборди ва икки солдатнинг ёрдами блан зинадан тушайин деб турган ярадор жангчига қараб деди:

— Ваня, тушмай қўяқол, ҳозир ҳаммамиз ўшаёққа чиқамиз. У, бирдан ёнида турган ботирни қучоқлаб олди, ўпти ва бошқа жангчилар ҳам унинг блан қучоқлашиб кўришдилар. Шундан сўнг, бузилган зинадан бир бирларини тортишиб, итаришиб иккинчи қаватга чиқабошладилар.

— Эй, айтгандай младший сержант Шостов қани,— деди атрофга аланглаб старшина, — Шостов қаёқда қолди? У пастки этажда бир ўзи мудофаани сақлаб турган эди. Мана шу ерда, мана бу амбразурада автомат ушлаб турган эди-ку. У баланд овоз блан қичқирди:

— Младший сержант Шостов!!!

— Лаббай, ўртоқ старшина!— Бинога кирадиган иккинчи йўлакдан паст бўйлик ва миқти бир йигит чиқиб келди. Унинг қўлларида немис автоматлари ва бирнеча дискалар бор эди.

— Лаббай, ўртоқ старшина!— Чарчаган овоз блан такрор қилди ва ҳорғин юриб старшинага яқин келди. Старшина унинг юзига қаради. Младший сержантнинг катта-катта кўзлари, пешоналари куя эди ва чап юзидан ингичка из қолдириб қон оқар эди. Старшина унинг қўлидан ўлжа қурол ва дориларни дарров олди.

— Шостов кафти блан юзини артди-да, қўлига қаради:

— Э-е, юзимга бир нарса тегишти-да.

У Ботирга қаради, сўнгра Силантьев ва бошқа жангчиларга ҳам бир-бир қараб чиққач, лейтенантга кулиб деди:

— Ла'натиларни тутдай тўқдик. Бинога яқин келган немисларнинг бирортаси соғ қолмади.

Жангчилар, вақтдан фойдаланиб, дарров тамаки чекабошладилар. Силаңтьев ҳали жанг вақтида, бу бинога киргач, шунда бекиниб туриладими, ёки иккинчи бинога ҳужум бошлаш керакми, шуни билиб келиш учун капитан олдига юборган алоқачини кутар эди. У, бинога кирадиган йўлакда, қум тўла қоплар ёнида автомат ушлаб турган икки солдатга ва тўғридаги йўлакка тинчсиз бир ҳолда қараб-қараб қўяр эди.

Чорсининг нариги томонида ҳам жанг охирига етиб қолган эди.

Силантьев старшина блан эшик олдидаги автоматчилар ёнига борди. Немис автоматларининг қопланиб чиқаётган овозидан билиниб турар эдики, улар биноларнинг ва айрим уйларнинг подвалига тиқилиб олиб, ҳамон отишни давом этдирар эдилар.

Шу вақтда шаҳарнинг тўрт томонидан қаттиқ отишмалар кўтарилабошлади. Ҳаммаёқни автомат, пулемёт ва миномётларнинг турли хилдаги овози босиб кетди. Зенит артиллерияси яна қаттиғроқ гумбирлаб бутун осмонни тутган эди. Авиабомбалар портлаб, ҳар томондан ёнғинлар кўтарилабошлади.

— Қиёмат энди бошланди,— деди старшина Силантьевга.

Чиройли ва қувноқ чехрали старшина Матвеев, бу ротанинг командири офицер Поишев Волга бўйига, Қозоқбой батальонини кутиб олгани кетганда, ротага командир бўлиб қолган эди. Ротада узлуксиз жангларда чарчаган, ниҳоят ҳолдан тойган фақат йигирмага солдат қолган эди. Буларнинг ҳам кўпи ярадор эди.

Бундан хабардор бўлган немислар шу рота эгаллаб турган бинога икки марта ҳужум қилса-да, қаттиқ зарбага учраб орқага қайтган эди. Қозоқбой батальони чорсига етиб келган вақтда немислар буларга учинчи марта ҳужум бошлаган эди, мана бу сафар

баттар қаттиқ зарбага учраб сонсиз ва саноқсиз ўлигини қолдириб орқага чекилди.

Шу пайтда бино эшигидан амаклаб бир жангчи кирди. Бу алоқачи эди. Жангчи буларни кўриб, хотиржам жойга кирганини пайқагач, ўрнидан туриб Силантьевга доклад қилди:

— Ҳртоқ Лейтенант, буйруғингизни бажардим. Батальон командирлари уч қаватлик бинога ҳужум қилишни буюрди.

— Яша, азамат!— деди Силантьев, — утир, бир пас дамнингни ол, тамаки чек.

Лейтенант ҳамма ўт очиб нуқталарини бир-бир текшириб чиқди, пастга миномёт ўрнатди ва жангчиларни йиғиб у бинога қайси томондан бориб ҳужум қилишни тушунтириб, ҳарбирига айрим-айрим топшириқ берди.

* * *

Лейтенант Силантьев нафасини ростлаб соатга қаради. Соат эрталабки ўн эди. Ротанинг, Қозоқбой юборган ярим взвод жангчилари ёрдами билан штурм қилиб чорсидаги уч қаватлик бинони эгаллаганига ярим соат бўлган эди. Шу вақтда бинонинг қайси бир подвалидан гранат портлагани эшитилди, унинг кетидан яқинроқ бир жойдан милтиқ овозлари чиқди, коридорнинг қайсибир томонидан югуришиб олиб ўтилган станкали пулемётнинг гулдираган овози келди, бинонинг деворлари қирсиллаб ёрилар, чангиб тупроқлар тўкилар эди.

Бир пасдан сўнг бинонинг ичига яна жимлик чўкди, фақат шаҳарда қизғин бораётган жангнинг шовқин-сурони баралла эшитилиб турар эди. Силантьевнинг ёнида фақат Ботир бор эди. Булар жанг қилиб бинонинг ана шу подволга ўхшаган хонасига кириб олган эдилар. Бу хона кўринишидан бирор техникум, ё институтнинг ошхонасига ўхшар эди. Бунда катта электр плита. Икки-уч дона гўшт қийма қиладиган машина ўрнатилган катта ва кенг стол, табуретка ва стуллар бор эди. Табуреткаларнинг ба'зилари бузилган, ўчоқлар олдида ётар эди. Немислар ёриб ёққан бўлса керак. Булардан ташқари бу уйда, немислар бўлган ҳамма уйда бўлиши муқаррар бўлган бўш мина яшиклари, ўқ жойлайдиган дискалар, отилган қора гильзалар, рус, француз ва испан арақларининг бўшатилган шишалари, консерва банкалари тартибсиз ҳолда юмалаб ётар эди. Деворда узилган ва куйган электр сими шипдан ерга осилиб тушган. Уйнинг ойнаги пишган гишт билан бекитиб ташланган, аммо у ер, бу ерида пулемёт ва автомат отадиган тешиклар қолдирилган. Дераза олдида темирлари ҳали совимаган бир пулемёт ва саккизта автомат ва бирқанча ўқ-дори бор эди.

Силантьев уй ичини бир-бир кўздан кечиргач, ҳорғин кўзлари билан ботирга қаради, лекин ҳечнарсга демади. Сўнгра ерда ётган бўш яшиклардан бирини оёғи билан турғизиб, устига секин ўтирди. Қўли билан пешонасининг терини артган эди, юзидаги куялар терга қўшилиб буланиб кетди. У қулиб Ботирга деди:

— Энди биров дам олиш мумкин. Чекайлик. Бизнинг участкамизда биров хотиржамлик бўлади. Немислар нариги бинодан,— у қўли блан Чорси томонга очиладиган деразага ишора қилди,— ўқ узиш имкониятига эга эмаслар. Гўрга тиқилгандай жим ётишади.

— Нима учун?—деди Ботир ва қўли блан юзидан терини си-дириб ташлади.

— Энди улар ўзларига келадиган ёрдамни кутади. Шундан сўнг яна хуруж қилса эҳтимол. Лекин ҳечнарсга қилаолмайди-лар,—деди кулиб,—нима дейсан, старший сержант?

— Энди нима ҳам қилаолар эди,—кулиб жавоб берди Ботир.

— Бунга менинг ишончим комил. Хўш, энди хат-пат олиб турибсанми?—сўради лейтенант тўсатдан.

— Олиб турибман, ўртоқ лейтенант,—деди Ботир ва шинелини ерга қўйиб, яшикка ўтирди ва яна алланарса демоқчи эди, нимагадир индамай, шипга қараб қулоқ солиб турди. Бинонинг юқори қаватидан оёқ шарпалари эшитилди ва бирдан ҳуштак, қарсақ ва рус гармонининг овози чиқди. Кимдир ер тепиб ўйнар эди. Чорсида жимлик чўккан бўлса-да, аммо шаҳарда жанг қизғин давом этмоқда. Минглаб тўп, замбарак, пулемёт ва милтиқларнинг овози эшитилар, осмонда гувиллаб самалётлар учиб юрар эди.

Силантьев тамакисини тутатди-да у ҳам юқорига, шипга қараб қулоқ солабошлади.

— Йигитлар ўйин қилишяпти,—деди ва тамакисини қаттиқ сўриб оғзини тўлдириб тутун чиқарди.

Ботир ҳечнарсга демади. Шу ҳолда ҳар иккаласи ҳам тамаки чекиб ўз хаёлларига берилдилар.

— Ботир, ҳозир бир пасгина ёнбошлаб дам олсанг, лоақал ярим соат,—деди лейтенант,—туғилган жойларингни, кўм-кўк майсали қирларни, туғишганларингни бир ўйлаб олсанг...

— Қани, худди шу кунда Ўзбекистонда бўлсанг,—деди уҳ тортиб Ботир,—меваларнинг фарқ пишган вақти. Узумлар, олмалар, шафтолилар...

Лейтенант тамакисини чекиб бўлиб ерга ташлади ва ўрнидан ирғиб туриб уни товони блан эзди-да, овозига кескин тус бериб Ботирга деди:

— Шу дам олганимиз етар, дўстим.—У соатига қаради,—мана ўн минут дам олибмиз. Бас. Бу ўн минутда дун'ёда не-не ишлар бўлиши мумкин?.. Менга қара, сен ҳозир бориб взвод командирларидан Риябиц блан Лукашникони чақириб кел, ўзинг ҳам қайтиб кел. Эҳтиёт бўл, бекиниб юр, тушундингми?

— Тушундим, ўртоқ лейтенант,—деди Ботир ва чест бериб чиқиб кетди.

Орадан беш минут вақт ўтмай, Ботир икки офицерни бошлаб келаётганда, эшик олдида капитан Қозоқбойга дуч келиб қолди. Улар олдинма-кетин уйга киришди.

— Салом, ўртоқлар!—деди Қозоқбой чест бериб ва қўлини узатиб ҳаммаси блан кўришди.

Қозоқбой буларга шошилиш равишда алланарсалар деди ва бешаласи ҳам уйдан чиқишди-да, ўнг қўлдаги зинадан бинонинг

иккинчи қаватига кўтарчилик узун коридордан юрабошладилар.

— Сизларга ҳалал бериб турган ҳовлидаги гаражни дарров бузиб ташлаш керак, — деди юриб боратуриб Қозоқбой ва Силантьевга уқтирди, — юқори қаватдаги мана шу катта, узун кўчанинг ҳаммаёғини кўриб туриш мумкин бўлган — деразалардан бирига кузатучи қўйиш керак. Немислар худди мана шу кўчадангина келиши мумкин, чунки чорсига чиқадиغان ҳамма кўчаларни биз ўққа тутиб тураемиз. Немислар шубҳасиз, буни ҳисобга олишади. Ундан кейин бу ерда ўт очиш нуқталарини шундай кўпайтириш керакки, чорси майдонининг ҳарбир қаришини ўққа тутиш мумкин бўлсин.

Капитан Қозоқбой, Силантьев ва взвод командирлари блан бирга бинонинг ҳамма қаватларини, коридор ва хоналарини, ертўлаларини текшириб чиқди ва бўлинмаларни жой-жойларига қўйиб, қоронғи тушганда ўз орденари блан чиқиб кетди.

Немислар томонда ҳамон жимлик эди. Ёрдамчи кучлар келмади шекилли, кун бўйи бирорта ҳам ўқ отилмади. Қатор уч бинога маҳкам жойлашиб олган бизнинг жангчилар эса, кун бўйи дам олишди, чой қайнатиб ичишди, навбат блан ухлаб ҳам олишди.

Қозоқбой немислар томонининг жим бўлиб қолишидан ҳайрон бўлди. Немислар кутган ёрдамчи кучларнинг қоронғи тушганда ҳам кўринмаганидан таажжубланди, у, бу кучлар бошқа бир йўллар блан келадимикан, деган ташвишга тушди. Йўқ мумкин эмас! Кузатучилар ҳаммаёғини қараб туришти, бутун батальон кўз-қулоқ бўлиб турганда немисларга келадиган кучларни кўриш мумкин. Шундан сўнг Қозоқбой, немисларга келадиган ёрдамчи кучлар келмасдан туриб, кундузи ҳужум қилиш керак эканини ўйлаб, куннинг бекорга ўтганидан бироз диққат бўлди. Чунки кундузиёқ, немисларнинг ҳаракатга тушишини кутмасдан ҳужум бошлаб чорсидаги тўртинчи бинони ҳам олиш мумкин экан деб ўйлар эди.

Бир офицер Қозоқбойга, старшина Матьвеев командирлик қилаётган, бирнеча кунлардан бери оғир ва даҳшатли жанглар блан немислар ҳужумини қайтариб келган, чарчаган рота ўрнига состави тўла, янги бир рота келганини маълум қилди. Бу ишни усталвк блан бажариш кераклиги, яъни оғир жангларда сафдан чиқаёзган ротанинг озгина қолган одамларини орқага жўнатиш, янги одамларни жойларига қўйиш ҳаракатларини немислар пайқаб қолмаслиги тайинланган эди. Капитан Қозоқбой бу ишни бажариш учун ўзи кетди.

Орадан бир ярим соатча вақт ўтгач, Қозоқбой қайтиб келди. У жуда хурсанд эди. Энди у ўз қўмондонлиги остидаги бу кучлар блан душмanning ҳарқандай ҳужумини қайтараолади, ҳужумни қайтаришгина эмас, балки немисларга қарши бемалол ҳужум бошлаши ва сўзсиз енгиб чиқиш мумкин. У ўз-ўзига гапириб кулиб кўяр эди, чунки янги келган йигитларнинг ҳаммаси унга маълум бўлган эди. Кўпчилиги урушда бўлган, кўрқмас ва қувноқ, бу йигитлар ҳарқандай жангда ҳам ғалаба қозонишга ишонч беради. Ротада руслар, украинлар, белоруслар ва ўзбеклар бор эди. Хусусан, Қозоқбой бунда — Сталинградда жанг қи-

либ юрган ўз халқининг фарзандларини—ўзбек йигитларини кўрганда жуда фахрлиниб кетди.

Буларнинг ичидан капитанга фақат бир киши ёқмади, у ҳам бўлса, ўзини—Қодирали Шаропов деб таништирган кўзлари кичик қора йигит эди. У, капитан индамай турса-да, унинг олдига келиб, қулоғи яхши эшитмайдиган бўлиб қолганидан шикоят қилар эди. Бунинг яқинроғида тикка туришган гавдалари тўла, қоматлари келишган иккита ўзбек йигити унга кинояли равишда имо қилиб қўйишди. „Зарари йўқ, жангда кам бўлганга ўхшайди, чиниқиб кетади“ дея ўйлади Қозоқбой.

Энди етарлик куч ва қуролга эга бўлган батальон командири Қозоқбой, немисларни ортиқча кутиб ўтирмасдан ўзи ҳужум бошлашга қарор қилди. У, ҳужумга буйруқ берай деб турганда, немисларнинг буларга томон ҳужум қилиб келаётгани тўғрисида хабар келди. Эшикка чиқди. Немислар бирнеча группаларга бўлиниб, ҳар томондан келишар эди. Буни кўрган Қозоқбой душманнинг мақсадига дарров тушунди, немислар бир-икки группани аввал жангга ташлаб, қолган группалар блан кўп қурбон берилса-да бинога ҳужум қилмоқчи эди. Аммо Қозоқбой тўртинчи бинони олмаганлигига яна бир марта афсус қилди. У бино ҳам қўлга киритилган бўлганда эди, иш ҳозир тамоман бошқача бўлар эди. Афсусга ўрин йўқ! Буни уруш дейдилар!

Батальон командири дарров бошқача буйруқ бериб, қулай фурсатни ўз тажрибасида кўплаб учраган ҳал қилучи пайтнинг келишини кутиб турди. Ғишт уюмлари ва қулаган уйларнинг деворларини паналаб келаётган немисларнинг бир-иккита қорасини кўрди. Лекин уларнинг чорси майдонига кўллаб чяқиб олишига қадар ўт очмаслиқни буюрди. „Бизнинг босяб боришимиздан ҳечкимнинг хабари йўқ шекилли“ деб ўйлаган немислар бир пасда чорси майдонини тўлдирабошлади. Майдон немис солдатларининг қораси блан қоплангандагина, бизникиларнинг олдинги сафидан автоматларнинг қисқа очередлари эшитилабошлади. Буларга, чорси майдонига ҳаммадан олдин чиққан, ҳозир бинонинг тегига етиб қолган немисларнигина отиш буйрилган эди. Немислар бинога ёппасига ташланай деб кўтарилганда, уларга қарши шундай ўт очилдики, тўрт томондан ўқ ёмғирдай ёғилар эди. Бинонинг деворлари, сарғайиб кўринган ғишт уюмлари ва тўс-тўполонда қочаётган, қулаётган немислар кўриниб турди.

Бу даҳшатли ўқ бўрони қанча минут давом этганини ҳечким ҳисобламади, аммо тездан яна жим бўлди, нафас ўтмай Қозоқбойнинг жангчилари бирдан кўтарилиб, ғазаб блан немислар устига ҳужум қилиб кетди.

Қозоқбой тўртинчи бинони ҳам эгаллагандан сўнг, офицерлардан бирини чақирди ва унга: ўзига топширилган буйруқнинг бажарилганини, я'ни чорсини бутунлай ишғол қилганини—Волганинг нариги қирғоғига ўтиб дивизия командирига етказишни буюрди.

В. Н. СОСЮРА

Совет Украинасининг ажойиб шоирларидан бири бўлган Владимир Сосюра ўз ижодини Улуғ Октябр Социалистик революциясининг дастлабки йилларидан бошлади. Владимир Сосюра, ижодининг биринчи қадамиданоқ — матбуотда дастлабки шеърлари пайдо бўлгач — ўзининг мулоим, нозик, фикран чуқур лирикаси билан ўқучилар диққатини ўзига тортди. Владимир Сосюра, маъна чорак асрим, ўз ижоди билан Октябрь революциясига, социалистик ватанга, халққа ва коммунистик партиёга соф нижон билан хизмат қилиб келмоқда. Унинг барча шеърлари чуқур ватанпарварлик руҳи билан суғорилган.

Донец ишчиси, қизил аскар бўлмиш Владимир Сосюра ўз ижодининг дастлабки кунлариданоқ буржуа-миллатчиларига, „соф сав’ат“ ниқобида бурканган декадансларга қарши шафқатсиз курашди. Шу чорак аср ичида Владимир Сосюра гражданлар уруши темаларида, революцион-романтик руҳда бир қанча асарлар яратдиким, унинг бу ташаббуси Украина совет адабиётида жуда ҳам кенг ёйилди ва Украина совет адабиётининг тараққиётига катта таъсир қилди.

Улуғ Ватан уруши йиллари Владимир Сосюра Украинанинг бошқа шоир ва ёзучилари билан бирга шовли Қизил Армия қаторида бўлди. Унинг душманга ғазаб-нафрат билан тўлган оташин шеърлари жангчиларнинг руҳини кўтарди, ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлади, социалистик ватан шаънига янги-янги қаҳрамонликларга ундади.

Владимир Сосюранинг, совет адабиётини, совет халқи учун қилган хизматларини партиё ва ҳукумат олий мукофотлар билан тақдирлади. У, 1939 йилда Ҳурмат белгиси, 1943 йилда Қизил байроқ орденлари билан мукофотланди. Бундан ташқари, Владимир Сосюранинг совет адабиётига қилган самарали хизматлари учун, унинг эллик ёшга тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети шу йил Ленин ордени билан ҳам мукофотлади.

Владимир Сосюранинг эллик ёшга тўлган кунини, биргина Совет Украинаси эмас, улуғ Совет Иттифоқининг барча халқлари қутлайди ва ўз шоиридек севади.

РЕДАКЦИЯ.

ЙЎҚ, БЕҲУДА ЭМАС!.

Замбараклар ёбонда бекор гумбирлаган йўқ,
Бекор оқмади қонлар... ва ўлди мардоналар.
Ўз эркича ҳаммаси, йўқ, ҳечким зўрлаган йўқ,
Гўдакларнинг бўйнидан бутни узди оналар...

Тош йўлда оёқ товши... Машиналар сурони,
Олқишлар ёш насли шодумон йўлбошчилар...
Кўз олдимда туш каби ўтмишимнинг достони,
Ер ости, ним қоронғи, қазучилар, тошчилар...

Ҳам қизлар шу қаторда, хотинлар ҳам саф-баста,
Гўдаклар чопқиллашар, — кўзларда ёнар олов.
Тун — ғирчиллар, тун — тўнгмиш, тун қочар аста-аста,
Тонг — зулмат тепасидан кўринди мисли ёлов...

Замбараклар ёбонда бекор гумбирлаган йўқ,
Бекор оқмади қонлар... ва ўлди мардоналар...
Ўз эркича ҳаммаси, йўқ, ҳечким зўрлаган йўқ,
Гўдакларнинг бўйнидан бутни узди оналар...

1921 йил.

ИШЧИЛАР

Ишчилар келмоқда... Қулоғингни сол!
Шошқин одимларда ишонч нечоғлиқ!
Олқишлар гудоклар, саҳро ва шамол,
Олқишлар кенг осмон — яшил бўёғлиқ...

Ишчилар келмоқда... бургут кўзлари —
Ёшлик баҳорига, олдинга боқар.
Ватан бахти сари борар ўзлари,
Ирода, тилак — бир, олдинга оқар ..

Уларга куй тўқур ўйчан шоирлар,
Ишқий туйғулари мангулик ва ёш.
Тонг уфқида улкан соялар қолқар..
Келмоқда ишчилар... ёруғ кун, қуёш.

1947 йил.

Миртемир таржимаси

КОНСТАНТИН СИМОНОВ

РУС МАСАЛАСИ

Уч парда, етти кўринишли пьеса

Эминжон Аббос таржимаси

Иштирок этчилар

- Макферсон — Нью-Йоркда чиқадиган катта газеталардан бирининг хўжайини, муҳаррири ва бешқа бирқанча газеталарга ҳам шерик, ўзи 60 ёшда бўлса ҳам кўринишда анча ёш.
- Гульд — Сан-Францискода чиқадиган катта газетанинг муҳаррири ва шу газетанинг шерик, шу билан бирга Макферсон газеталаридан бирининг муҳаррири, ёши 40 га яқин. Сая оқсоқланиб юради. Кўполроқ. Ўзини халқ ичидан чиққан киши қилиб кўралишга уринади.
- Смит — Макферсон газетасининг муҳбири. Гульдининг тегишли ва мактаб ўртоғи.
- Престон — Макферсон газетасининг чет эл бўлимининг муҳаррири, 45 ёшда.
- Харди — Макферсон газетасининг муҳбири, 40 ёшдан ўтиб қолган.
- Морфи — Херст газеталаридан бирининг муҳбири, 46 ёшда. Бефарво кийнади. Ҳаммавақт ичиб юрадию, аммо ҳечқачон маст бўлмайди.
- Кесслер — Ношир, семиз чол, бўғма касалига мубтало.
- Вильямс — Сўл газетанинг муҳаррири, 50 ёшда.
- Жесси — Анчагина гўзал хотин, 33 ёшда, аммо кўринишда ёшроқ.
- Мег — Стенографистка, 30 дан 40 ёш орасидаги хотин.
- Бармен — Ресторан хизматчиси.

Шофер, секретарь хотин ва уй жиҳозларини йиғиштирадиган хизматчилар

Воқиа, Нью-Йоркда, 1943 йилнинг қиши ва ёзида юз (серади).

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Макферсоннинг редакциясидаги кабинети. Катта хона, деярлик бўш: ёзув столи, бирнеча кресло. Хонанинг бирдан-бир безаги — бутун девон бўйлаб, ёғоч панель устига осилган фотографиялар. Столнинг тепасига икки қаватли эски уйнинг катта сурати осилган.

Жесси, кабинетга кирази, столнинг ёнига келади ва папкадан қоғоз ҳамда газета полосаларини олиб столга ёяди. Телефон жиринглайди.

Жесси — (телефонга). Йўқлар. Мистер Макферсон чорак соатдан кейин келади. (Эшик тақиллайди) Киринг!

Гульд — (кириб). Ана халос! Сен шу ердამисан? Қандай кўнгилсиз тасодиф... (Жессининг қўлини ўпади).

Жесси — Нима учун кўнгилсиз?

Гульд — Армиядан қайтиб келибсану, яна ўша қирқ биринчи йилдагидек шу ерда экансан-да? Биз бултур февраль ойида, Филиппинда ажралишкан эдик-а! Демак бир йилу икки ой бўлибди халос.

Жесси — Демак, шундай.

Гульд — Сенга ёрдамчи хотинлар корпуси кийимидан кўра, мана бу расмий кийим кўпроқ ярашади.

Жесси — Балким.

Гульд — Балки эски хотиралар учун, мени ўпиб қўярсан?

Жесси — Йўқ.

Гульд — Яхши. Ишинг қачон тамом бўлади?

Жесси — Ўнда.

Гульд — Бўлмаса, ўн бирда Бромлей клубида учрашайлик, Хўпми?

Жесси — Йўқ, мен банд бўламан.

Гульд — Сўрасак мумкинми, ким блан?

Жесси — Ўйлайманки, Гарри...

Гульд — Смит?

Жесси — Ҳа. Ўйлайманки, Гарри мени бугун кечки овқатга таклиф қилса керак.

Гульд — Ахир у Япониядан шу бугун кечаси учиб келди-ку?

Жесси — Ҳа. Мен уни аэродромда кутиб олдим.

Гульд — Редакциянинг топшириғи бланми?

Жесси — Йўқ. (Пауза.) Сенинг хотининг хунук дейишади, тўғрими?

Гульд — Ҳа.

Жесси — Ва шу қадар бой эмишки, махсус ёлланган жосуслар сенинг хатти-ҳаракатингдан уни хабардор қилиб туришармиш.

Гульд — Эҳтимол.

Жесси — Сен Сан-Францискодаги газетани тамоман сотиб олдингми?

Гульд — Тамом эмас. Ҳозирча қирқ процентини. Менга ишоншинг мумкин, ҳозирги хотинимга уйланар эканман, сен эмас, унинг бадавлат бўлганига астайидил ўқиндим.

Жесси — Ишонаман. Тўхта-тўхта узаро гап. У жуда ҳам хунук-а?

Гульд — Жуда ҳам.

Жесси — Ҳолингга ачинаман.

Гульд — Шеф қаерда?

Жесси — Рус журналистларига берилаётган нонуштада. Ўн минутдан кейин келади.

Гульд — Сигара чексам мумкинми?

Жесси — Ҳар галгидай.

Гульд — (чекади). Шундай қилиб — шу кечаси учиб келди-ю...
Жуда тез...

Жесси — Йўқ. Биз Токиода учрашганмиз.

Гульд — Ҳа... Мен калтафаҳм бўлиб қолиётиман шекилли.

У мени ҳақимда ҳечнарс билмайдими?

Жесси — Йўқ. Мен сени ҳақингда унга ҳечнарс айтганим йўқ: Нима кераги бор.

Гульд — Унга бошқалар айткан бўлиши мумкин.

Жесси — Эҳтимолдан узоқ. У бундай гапларни ёқтирмайди.

Гульд — У сени севадими?

Жесси — Ҳайлайманки, севади.

Гульд — Сенчи? Фақат ёлгон айтма. Қирқ биринчи йилда у сенга мenden кўра камроқ ёқар эди.

Жесси — Тўғри. Энди у менга сендан кўра кўпроқ ёқади. Ундан кейин, мен қариб қолдим, ақлим кирди, энди мен эр қилишни истайман.

Гульд — Шеф уни Россияга жўнатмоқчи эди-ку.

Жесси — Ҳа. Мен кеча шефка, Гарри ёзадиган китоб учун нашриёт шартномасининг проектини босиб бердим. Менимча, бу ишда сенинг ҳам иштирокинг бўлса керак.

Гульд — Ҳа, бу мenden чиққан фикр эди, проект ҳам меники.

Жесси — Ҳеч бокиси йўқ, бу иш — Гаррининг уч ойча вақтини олар.

Гульд — Агар боргудай бўлса...

Жесси — У боради.

Гульд — Сўнгги йилда у ҳечнарс ёзмай чекага чиқиб қолди. Агар у каттароқ бир шов-шув кўтариб ўз обрўйини тиклаб олмаса, мен унинг бундан сўнг ойга беш юз доллар ишлашига ҳам кафил бўлолмайман. У ҳолда қўрқаманки, никоҳингиз бахтли бўлмас.

Жесси — У боради.

Гульд — Илгари унинг руслар ҳақида ўз фикрлари бор эди.

Жесси — Унинг фикрлари блан ҳам, руслар блан ҳам, руслар ҳақида нима ёзиш блан ҳам менинг ишим йўқ. Мен истайманки, ўз уйим, ўз болаларим ва бироз бахтим бўлсин. Какку қуш бўлиб юриш жонимга тегди. У боради.

Гульд — Қачон сен унга эрга чиқишга қарор қилдинг? Япониядами?

Жесси — Деярлик.

Гульд — Бутунлайчи?

Жесси — Кеча, бу ерда.

Гульд — Унинг китобини босиб чиқариш тўғрисидаги менинг проектини кўчираётимми? Мен сенинг бахтингни очиб ўзим кулгили ҳолатда қолибман шекилли.

Жесси — Шундай шекилли. Фақат нега кулгулик?

Гульд — Ахир, биз сен блан деярлик уч йил... Сен мenden миннатдор бўлишинг керак.

Жесси — Сендан миннатдорман.

Гульд — Мана сигаретта.

Жесси — Мен чекишни ташлаганман. Гаррига бу ёқмади, шунинг учун чекишни аста-секин унута бошладим.

Гульд — Масала жиддий.

Жесси — Ҳа, жиддий.

Макферсон — (кириб). Салом, Жек.

Гульд — Сизни кўрганимга хурсандман, мистер Макферсон.

Макферсон — Яна эски гап.

Гульд — Яхши Чарли, фақат иқрор бўлингким, сиз номин-гизни атаб чақиришга мажбур қилар экансиз, бу табиий демократизм туфайли эмас. (Макферсон жавоб бермайди). Ҳа? Сиз яшариб бораяпсиз. „Чарли“ сўзи — Макферсонга қараганда ёшроқ эшитилади-да?

Макферсон — Балки, броқ, сиз бу гапларни хотин киши ҳузурида гапирмаслигингиз мумкин эди.

Жесси — Кетсам мумкинми?

Макферсон — Мумкин. Бораверинг Жесси! (Жесси кетади) Қариб қолияпман Жек.

Гульд — Хўш, рус журналистлари қалай?

Макферсон — Тамом эсдан чиқазибман. (Телефонга) Майли, менга Хардини чақиринг, беш минутдан кейин Престон ҳам келсин. (Гульдга) Журналистларми? Уларни каллалари жойида (кулади). Нонуштага чақирилган Билли Кросбидан, ўз навбатида унга атиги битта савол беришга рухсат сўрадилар: Унинг фикрича, нонушта блан прессконференция ўртасида қандай фарқ бор? Кросби роса ўсал бўлди. (Харди киради.) Харди, сиз эртага руслар учун бўладиган хайрлашув прессконференциясига борганингизда, уларга сўз орасида, шундай савол беринг: Улар биздаги иш ташлаган кўмирчиларни оқча блан та'мин қилиш учун ўзлари блан бирга пул олакелишган деган миш-мишлар ростми?

Харди — Лекин...

Макферсон — Хўш?

Харди — Бундай саволга, улар елкаларини қисиб қўяқоладилар.

Макферсон — Сизчи, руслар бу тўғри саволга, хижолат бўлиб, елкаларини қисиб қўяқолдилар, деб, ёки шунга ўхшаш бирор нарса топиб ёзасиз. Бу энди сизнинг ишингиз. Муваффақият тилайман.

Харди — Хайр. (Чиқиб кетади.)

Гульд — Бу — жиддий газета учун ўтакетган даражада оvsарляк бўлмасмикан?

Макферсон — Харди олди-қочди, сержанжал хабарлар ёзиш блан танилган мухбир. Унинг оғзидан бу гаплар жуда табиий бўлиб чиқади.

Гульд — (уйни айланиб). Ҳа, ҳа, эски ошволардан бири яна дун'ёга қайтиб келипти-да.

Макферсон — (Гульднинг ёнига келиб. Муссолини суратига қарайди). Ҳа. Шўрликни Миланда оёғини осмондан қилиб осган-

ларидан бери, у шубҳасиз, ўлик. Мен эса ўликларга кек сақла-
майман. Қаранг, хати қанақа! Менинг коллекциямда энг чирой-
лиги.

Гульд — Бу иккинчи олифтами?

Макферсон — Хатларни демоқчимисиз?

Гульд — Ҳа. Ҳозирча пўлат сандуқдами?

Макферсон — Ҳозирча уни тирик деган овозалар бор. Уни
осишга ҳали вақт бор.

Гульд — Менимча, энди осиш мумкин.

Макферсон — Йўқ, эртарақ.

Гульд — Сиз келажакка жуда қўрқиб қарайсиз. Бу сизнинг
ягона нуқсонингиз.

Престон — (киради). Мен келдим. Салом. Салом, Жек!

Гульд — Салом!

Макферсон — Бугун Россия ҳақида нималар бермоқчисиз?
Билл?

Престон — „Юнайтед-Пресс“ Харпернинг: „Руслар Венада“
деган эллик йўлли хабарини берди. Харпер русларни махтайдди,
берсакмикин?

Макферсон — Албатта. Биз Херстга қарши, хабар беришда
объектив усул тутамиз. Ун олтинчи саҳифага беринг. Ундан ола-
дин бўлмасин. Яна нималар бор?

Престон — Русларнинг бошқа мамлакатларга ўз сиёсий ва
иқтисодий таъсирларини ўтказиш мўлжаллари тўғрисида Виппа-
маннинг мақоласи ва шу руҳда ёзилган яна 5-6 та хабар бор.

Макферсон — Ҳаммасини ҳам бераверинг. Виппманнинг
мақоласини биринчи бетга беринг, қолган хабарларни олтинчи
бетгача беринг. Яна нима?

Престон — Яна? Рус учучиларининг Эритреяда пайдо бўл-
ганликлари тўғрисида, италияларнинг тутуриқсиз хабари бор.
Лекин бу ҳаддан ташқари тутуриқсизлик.

Макферсон — Бу хабарни, ваҳимадор сарлавҳа блан, бирин-
чи бетга беринг.

Престон — Руслар эртагаёқ раддия берадилар.

Макферсон — Биз бўлсак, у раддияни йигирманчи саҳифага
босамиз. Беш йўл. Руслар қисқа раддия ёзишади. Хабарни мил-
лион киши ўқийди, раддияни эса, ўн минг киши. Хайр, муваффақи-
ят тилайман.

Престон — Хайр. (Чиқиб кетади.)

Гульд — Ҳозир Смит келади.

Макферсон — Ҳа. Мен, иш қилиб, у рози бўлса керак,
деб ўйлайман. Ёзадиган мақолалари блан китобига ўттиз минг
бераман. Кейин тиражига ҳам кафилман. Гапни очиги, агар у
китоб менга, контрассга сайловлар ўтказиш олдидан, жуда ҳам
зарур бўлмаса, унга 15.000 дан ортиқ бермас эдим. Рози бўлади.
У, ярим йил бўлди, ҳечнарсга ёзгани йўқ, бир доллар ҳам ишла-
гани йўқ.

Гульд — Нега ёзмади?

Макферсон — Урушдан кейинги давдирашдан бошқа гап

эмас. У, сулҳдан кейин, ҳамма ерда гуллар очилиб, булбуллар сайрайди, деб ўйлаган экан. Ҳолбуки, дун'ё аввал қандай бўлса, ўшандайлигича қолди. Бу уни гангитиб қўйди.

Гульд — У, Жессига уйланмоқчи.

Макферсон — Ҳа, нима ҳам дедик, қайғилик, аммо яхши, Жесси гадоиларга эрга тегадиган хотинлардан эмас.

Смит — (киради). Салом шеф! Салом, Жек! (Қўл беришадилар).

Макферсон — Ўтиринг, Гарри.

Смит — (Ўтиради). Битта арзимас савол: Нега сиз мени бу қадар ошиқич чақирдингиз? Ўткан кеча Тинч Океан тепасида шу қадар азоб чекдимки, ҳалига қадар ичак-чавақларим оғрийди.

Макферсон — Қўрқаманки эвди, Атлантик Океан тепасида азоб чекишингизга тўғри келади.

Смит — Сиз, менга нимани таклиф қилмоқчисиз?

Макферсон — Россияга боришни таклиф қиламан.

Смит — Россияга? Сўнгги ойда мен уйқусизлик дардига грифтор бўлиб қолдим ва қутилмаганда, умримда биринчи даф'а, кечаси бизнинг ҳурматли газетамизни ўқий бошладим. Сизнинг тутган янги сиёсий йўлингизга қараганда, худди мени Россияга юборишингиз ма'нисиз бўлса керак деб ўйлайман.

Макферсон — Аввалам бор, газетамни, ниҳоят ўқий бошлаганингиз учун сиздан миннатдорман. Иккинчидан, ўйлайманки, шу мен тутган янги сиёсий йўл нуқтаи назаридан худди сиз Россияга боришингиз керак.

Смит — Шеф, сиз мени Жек блан аралаштириб юбораётибсиз.

Гульд — Живилик қилма! (Давом этади) Сенинг 1942-нчи йилда Россия ҳақида махтаб ёзган кигобинг, ҳозир Россия ҳақида тамомила бошқа, биз учун фойдалик, китоб ёзишингга ёрдам беради.

Смит — Биз деганинг, кимлар?

Макферсон — Америкада коммунизм бўлмаслиги керак, дегучи кишилар.

Смит — Мен ҳам шундай кишиларданман. Ҳаркимники ўзига: Русларнинг тузуми — ўзига яхши, бизники — ўзимизга! Хўш, ундан кейин?

Гульд — Ундан кейин, сен Россияга яна боришинг ва Россия тўғрисида ҳақиқатни ёзишинг керак.

Смит — Мен ўша вақтда ҳам бутун ҳақиқатни ёзган эдим.

Гульд — Сен нима ёзган эдинг? Руслар — ботир солдатлар, Сталинград қаҳрамонларча ҳимоя қилинмоқда, учучилари таран қилмоқда, хотинлари мерган, деб ёзган эдинг. Россия ҳақидаги ҳақиқат, шулардангина иборат деб ўйлайсанми?

Смит — Ёзганларимнинг ҳаммаси ҳақиқат.

Гульд — Ҳозир ўша, сен ёзган ботир солдатлар Европанинг юрагигача келиб етган ва Қурияга кириб олган бир вақтда, ҳам ўша учучилар Вена ва Порт-Артур устида учаётган бир пайтда, бу ҳақиқатнинг немисларга эмас, балки бизга қарши қаратилганини англамайсанми?

Смит — Мен бу фикрингни бизнинг му'табар газетамизда ўқиганман.

Гульд — Сен, руслар ундан нарига ўтмайдилар деб ўйлайсанми?

Смит — Нақадар тутуриқсиз гап!

Гульд — Сен, Маркснинг „Коммунистик манифестини“ ўқиганмисан? Лениннинг „Империализм—капитализмнинг сўнгги босқичи“ деган китобини-чи? „Сўнгги“ деган сўзга эътибор қил. Ўқиганмисан, ё йўқми?

Смит — Йўқ, ўқимаганман, аммо бу ерда унинг нима алоқаси бор?

Гульд — Алоқаси шуки...

Макферсон — Тўхтанг. Жек. Сизлар мунозарани менсиз давом этдинг. Мен ҳозир кетишим керак. Сизга, Гарри, Жекнинг гапларига эътибор бериб қулоқ солишга, маслаҳат бераман. У сизга, бизнинг умумий фикримизни айтади. Ҳозирча икки оғиз сўз... Икки ҳафтадан кейин учасиз. Муддат — уч ой. Китоб, қайтиб келганингиздан сўнг, бир ойдан кейин тайёр бўлиши керак. Китобнинг бир қисми газетада мақолалар тарзида босилади. Китобингизнинг нашрига кафилман. Муваффақият қозонишингизга кафилман, 30.000 доллар олишингизга ҳам кафилман. Жавобини эртага, шу ерда, кечаси 12 да берасиз. „Ҳа“ дейишингиз блан, етти ярим минг долларлик биринчи чекка қўл қўяман. Ўйлаб кўринг. Хайр. *(Чиқиб кетади)*.

Смит — Етти ярим минг! Бошланиши чакки эмас. Бунча катта пул мени шундай мулоҳазага олиб борадики, мен сизлар учун анчагина расво китоб ёзиб беришим керак экан.

Гульд — Сен фақат замоннинг талабини ҳисобга олишинг ва бизнинг Россияга нисбатан бўлган ва қисқача *(Газетани узатиб)* мана бу мақолада ифода қилинган нарсаларга эътибор беришинг керак. Ундаги баъзибир фикрлар ва ҳаттоки сарлавҳа эҳтимол сенга яраб қолар.

Смит — „Русларнинг урушни ишташлигига ўн та сабаб“.

Гульд — Фақат эҳтиётроқ бўлиб гапир. Мақола меники.

Смит — Бу нотўғри! Руслар урушни истамайдилар.

Гульд — Сен Россиядан қачон қайтиб келгансан?

Смит — 1941-нчи йилнинг декабрида.

Гульд — Ҳозир эса, 1946-нчи йилнинг июли.

Смит — Хўш нима бўпти, улар ҳозир хоҳламасалар ҳам.

Гульд — Мен бўлмаган ишни бўлди дейишдан қўрқмайман. Мен бутун жаҳон коммунизмига қарши шу топдаёқ уруш очишга тарафдорман. Коммунистлар мутаассиблардир, руслар эса икки баравар мутаассиб: улар ҳам рус, ҳам коммунист. Ишон, агар улар дунёни ўз ғояларига бўйсундираолсалар, уларни ҳеч нарса тўхтатаолмайди.

Смит — *(бошини ушлаб)*. Бас! Мен урушдан кейинги қутурган оламда ҳеч нарса тушунмайдиган бўлиб қолдим. Бомба, жосуслик, Эрон, Қурия, Триест, Блюклар, иттифоқлар. Мен Саҳройи Кабир бўйлаб пиёда йўл босганимда, Окинавада ботқоққа ботиб ётганимда, Янги Гвинеяда баданимдан бомба парчаларини олганларида, шундай бўлади деб ўйлаганмидим. Буларнинг ҳаммаси нима учун

эди? *(Чекади, тўсатдан, осойишта)*: Руслар урушни истайдими ё йўқми, билмайман, аммо, бу китобни ёзгим келмайди. Мен Гжатск ёнидаги фронтда улар блан бирга совуқда қотдим, улар блан бирга окопларда арақ ичдим, мен дорга осилган рус болаларини кўрдим, майли, агар сен айтган барча гаплар рост бўлганда ҳам, бу китобни мен ёзаолмайман. Бошқа одам топинглар.

Гульд — Эртагача ўйлаб кўр. Библик кўй индинга кеч бўлади.

Смит — *(ўрнидан туриб)*: Уйлаб кўр! Уйлаб кўр! Хуш, бу ерда ўйлаб кўрадиган нима бор? 30 000 доллар, боришим керак. Бормаслик — аҳмоқлик бўлади. *(Пауза)* Хайр, менга юз доллар бериб тур, бугун жуда зарур. Сенга бир амаллаб топиб бераман.

Гульд — Балки кўпроқ керакдир?

Смит — Йўқ, юз доллар.

Гульд — Ма, ол. *(Кўнғироқ кнопокасини босади)*.

Жесси — *(киради)*. Хўш?

Гульд — Жесси, биринчидан биз кетаямиз *(Телефонга ишора қилади)*.

Жесси — *(ўтиради)*. Яхши, мен шу ерда бўламан.

Гульд — Иккинчидан, шефга айтингки, мен телефон қиламан, Смит бўлса, эртага соат 12 да келиб жавобини айтади. Учинчидан, хайр.

Жесси — Хайр.

Смит — Хайр, Жесси.

Жесси — Кўришгунча. *(Гульд биринчи бўлиб чиқади. Смит эшик олдида тўхтайдми)*.

Смит — Жесси!

Жесси — Лаббай, азизим?

Смит — Ўну ўттизда Ньюспепер барида, хўпми?

Жесси — Хўп, азизим. *(Смит чиқиб кетади. Жесси сўғиз қолиб, хонада уёқ-буёққа юради)*. Хўп, азизим. Албатта, азизим, уч ойга кетади... Майли... Яна уч ой бахтимни кутаман. Бу интизорлик *(Сумкасига ўрнатилган ойначасига қарайди)* ўзаро гап, ҳа фақат ўзаро, ўттиз учларга кириб қолган хотин учун ҳечгап эмас.

Парда

Иккинчи кўриниш

Эртаси кун кечқурун. Ҳамиша журналистлар овқат қиладиган кичик био ресторанининг кўримсиз хонаси. Бу хона узун ва тор йўлакдан иборат бўлиб, ресторанга кирчилар шу ердан ўтади. Сўлла ташқари эшик, ўнгда ресторанга кирадиган эшик. Олдинги планда—2—3 баланд столча, уларнинг атрофига юмшоқ креслолар қўйилган. Саҳнанинг тўрида майхонанинг оқ тунука пештахтаси, у ерда шисалар терилган бир неча полкалар. Бармен тик туриб май сотиш блан машғул. Девор соати 10²⁰ ни кўрсатади.

Бир столда Смит ўтирибди. Воқиа давомида одамлар ресторандан чиқиб, ресторанга кирди, саҳнадан уёқ-буёққа ўтиб турадилар. Ба'зи бировлар дўконча ёнига бориб, ўзаро гаплашиб, яна тарқалишадилар.

Ресторандан Престон чиқади.

Престон — Салом, Гарри! Яна кечагидай шу ердасен.

Смит — Мен бу ерда, худди кечагидай, Жессини кутиб ўтирибман.

Престон — Учрашиш учун ноқулай жой.

Смит — Урушдан илгари бу ерга одам кам келарди. Кел, менга нима! Мен уйланмоқчиман.

Престон — Жессигами?

Смит — Ҳа, утир.

Престон — Вақтим йўқ. Кечки телеграммаларни ўқишим керак. (*Иккинчи креслонинг чекасига ўтиради*) Эрталаб руслар билан хайрлашиш прессконференциясида бўлдим.

Смит — Хўш, қалай?

Престон — Чакки эмас. Бизнинг кишиларимиздан ба'зилари кетиш олдида уларга қаттиқ тегмоқчи бўлдилар. Аммо улар бошлаб жавоб бердилар. Улар: матбуотингизнинг кўп қисми бизнинг фикрларимизча Америка халқининг овози эмас ва аксинча, агар биз, бундай матбуотни Америка халқининг овози десак, уни ҳақорат қилган бўлар эдик. (*Кулги*).

Смит — Ёмон эмас.

Престон — Бу жавоб менга ҳам ёқди. Мана шу жавоблари учун бугунги мақолада уларни савалайман. (*Кулги*). Гарри, айниқса бизнинг чет эл бўлимимизда ишлаш оғир бўлиб қолди.

Смит — Нима учун?

Престон — Шошиляпмиз, кўп бема'ни нарсаларни ёзаяпмиз. Жонимга тегди. Шеф ҳам ақлидан озияпти, айниқса Гульд келган вақтларда авжига чиқади.

Смит — Мен ҳам шуни пайқаб қолдим.

Престон — Нима ҳам қилардинг; уруш вақтида шеф Гульдга қулоқ солмади, очкўзлик қилиб жуда ҳам сўзлашиб кетди. Энди бўлса орқага тисарилаётибди; лекин орқага тисарилиш учун ҳатто автомобильни ҳам аввал бир дақиқа тўхташиб олиш кераклигини тушунгиси келмайди. Йўқ, унга дарҳол орқага қайтарсанг, дарҳол тисарилсанг. (*Кулги*).

Смит — Э'тироз билдириб кўрмадингми?

Престон — Э'тироз? (*Кулги*) Нима ма'носи бор? Ахир мен унинг учун конфейердаги бир қора ишчидан ортиқ эмасман. Кеча машинанинг сўл филдирагини айлантирар эдим, бугун у менга ўнг филдирагини айлантиришни буюрди. Агар мен э'тироз билдирсам, у астейдидил таажжубланадию йигит ўрнига бошқа одам топади. Ҳа ўрнимга бошқа одам топади. Чунки Уол-стритдаги хўжайинлари шуни истайдилар. Ундан кейин, ахир мен ўз бўлимимга муҳаррирлик қиламан-да, халос. Бу расвогарчиликларни эса менинг бу ерда ўгириш-ўтирмаслигимдан қат'и назар бошқалар ёзиб, бошқалар қўл қўяди. Айтгандек, бугун Харди ёзган 20 йўллик хабарни ўқиб кур. Ҳарҳолда Харди ўтакетган ҳайвон чиқиб қолди. Ҳа балли, қани кетдик. (*Пауза*). Демак, Россияга борасан?

Смит — Бугун шефга жавоб беришим керак.

Престон — Шунақами? Мен бўлсам, рухсатнома ёзиб юборган эдим.

Смит — Ҳалия? Демак, у мени рози бўлади, деб ўйлабди-да?

Престон — Хукм чиқарган. Хайрли кеч, Гарри. Мен рухсатнома ёзиб юборган эдим. У уч ойга жавоб бериши керак. *(Чикиб кетади)*.

Смит — *(ёлғиз, бирпаллӣ газета ичидан бир дўнасини олиб вазиқга тўди, керакли жўлини тўпади)* Яна май! *(Ўқиб туриб, дўкон ёнига келди. Бармен мў қуяди. Смит ўқишни давом этдиргани ҳақда, яна жойига қатъиди)* Обби чўчкае! *(Газетани улақтириб ташлади. Харди ташқари эшикдан, ресторан томонга ўта бошлади)* Эй, Харди, биз минутга.

Харди — *(келади)*. Хайрли оқшом. Мен сизни кўрмаганимга беш йил бўлди. Жуда ҳам ўзгариб кетибсиз.

Смит — Сиз эса, афсус, ўзгармабсиз. Ўтиринг, ичамиз.

Харди — Вақтим йўқ. Овқат қилишим керак, яна ба'зибир варсалар ёзишим керак.

Смит — Ичамиз. Мен тўлайман. *(Барменга)* Виски! *(Хардига)* Нега сиз рус журналистлари ҳақида мана бу тўнғизликларни ёздингиз? Ахир, бу тамом ёлғон-ку?!

Харди — Кўрган кишилар бор.

Смит — Ёлғон!

Харди — Кўрдик, деб айтишди.

Смит — Рус журналистлари касоба союз арбобларимизга пул бераётганини кўриптиларми? Бу ерда икковимиздан бўлак ҳечким йўқ. Одамга ўхшаб, иқрор бўлинг, буларнинг ҳаммаси ёлғон-ку. Фақат менга ростини айтинг.

Харди — Фақат сизга? Ростиними?

Смит — Ҳа.

Харди — Ёлғон.

Смит — *(бўриб икки қадаҳ май келтирар)*. Ичинг. *(Харди ичади)* Нима учун бу қадар тўнғизлик қиласиз?

Харди — Бўлмагур гапларни қўйинг! Ҳа деб шунақа гапларни эшитавериш жонимга тегди. *(Пауза)* Яна виски буюринг, мен умримда бир бор сизга ўз тўғримда ва сизнинг тўғрингизда нима ўйласам очиқ айтиб берай.

Смит — *(барменга)*. Яна виски!

Харди — Даврингиз келганида сиз менга қараганда олти марта кўп пул топгансиз.

Смит — Нима учун олти марта?

Харди — Айтишманг, мен ўзимдан кўп пул топганларнинг қанча кўп топишини ҳаммавақт аниқ ҳисоблаб юраман. Мен камбаралман, шунинг учун ҳам ҳасад қиламан. *(Бориб, қадаҳ келтирар ва ичар)*. Бўлажак хотинингизнинг соғлиғи учун!

Смит — Нима?

Харди — Мен ҳамма гапни бошқалардан кўра олдинроқ биламан. Бу меннинг касбим. Мен жанжалли хабарлар ёзадиган мухбирман. Мен тўнғизман, шунинг учун тўнғизманки, сизга ёки Престонга қараганда олти мартаба камроқ пул топаман.

Смит — Бошқа иш қилинг.

Харди — Қўлимдан келмайди. Қобилиятим йўқ. Йигирма йўллик олди-қочди хабарни бўтқа тилда тилда ёзоламан. Одамлар олди-қочдининг қандай тил блан ёзилганига э'тибор бермайди, уларга ҳар сонда олди-қочди бўлса бас. Яна виски чақиринг, мен дадилроқ бўламану, яна ба'зибир гапларни айтиб бераман.

Смит — *(барменга)*. Яна виски!

Харди — Сиз урушга кетаётганингизда, менинг хотиним ва уч болам бор эди. Ҳозир, хотиним ва беш болам бор. Кўпдан бери Албандаги уйчам ҳам гаравда, жиҳозлар ҳам гаравда, ҳаётим ҳам гаравда. Олди-қочди ёзиб оладиган ўн долларимнинг олти доллари йўргакка ва дори-дармонга кетади; сизга айтсам мен болаларни жуда яхши кўраман. *(Бориб май келтиради)* Болалар учун ичамиз. Биламан, сиз мени, фақат бошқаларнинг ҳисобига ичади, деб масхара қилияпсиз. Майли, сизнинг ҳисобингизга менинг болаларим учун ичайлик. *(Ичади)* Вақти келиб, улар менинг аҳволимга тушунар. Балки тушунмас. Чиройлик ишларни ҳафтасига юз доллар ишлаганингиздагина қилишингиз мумкин, эллик долларга эса, фақат хунук иш қилишга тўғри келади. Ҳа, яна бир қадаҳ чақиринг, гапимни то охиригача гапириб... *(Смит Барменга қўли блан ишора қилади)*. Касаба союз арбобларига пул берганлар. Ёлғонми? Албатта! Ўн доллар учун тўқилган ёлғон. Сизчи? Россияга борасиз. Китобингизнинг планини Гульд тузиб берган. Ҳа, ҳа мен ҳаммасини биламан. Чунки бу менинг касбим. Бу ҳам можаро-ку, аммо нархи — ўттиз минг! Нечта болангиз бор?

Смит — Менинг болам йўқ. *(Харди яна бориб май келтиради)*.

Харди — Болаларингиз учун ичайлик! Йўқ мен, ҳечқачон бола кўрмаслигингиз учун ичайлик, демоқчи эдим. Йўқ, йўғе-ҳа, ҳа, мен худди шундай демоқчи эдим. У вақтда чиройлик иш қилиш ўнғайроқ. Ва, Россия тўғрисида ёзадиган китобингиз учун. *(Ичади)* Албатта ёзасиз. Ўттиз минг. Сизга маслаҳат бераман. Ўн долларга қилинган аблаҳликдан кўра, албатта ўттиз минг долларга қилинган аблаҳлик афзалроқ. Аблаҳликни эса барибир қилишга тўғри келади. Қочиб қутулолмайсиз. Мен самимий айтаман: йигитсиз. Сиз менга доим ёқар эдингиз. Сиз — яхши, яна икки қадаҳ, мен ҳаммасини... Йўқ, бўлмайди, мен маст бўлиб қолдим. Мени одамлар севмайдилар ва камдан-кам меҳмон қиладилар. Мен маст бўлиб қолдим шекилли. Мен энди овқат қилмасам ҳам бўладиган бўбқолдим, шекилли. *(Базўр ўрнидан туради, вестибюль эшигидан Морфи киради)*.

Морфи — Гарри!

Смит — Боб!

Морфи — Ҳа, Харди! Қани, Харди, юр, кўчага чиқамиз. Икки оғиз гапим бор. *(Смитга)* Кечир, Гарри, бу иш фақат уч минут вақт талаб қилади, халос.

Харди — *(алжираб)*. Морфи, мен сиз блан ҳечқаерга бормайман.

Морфи — Ие, бу мастку.

Харди — Ҳа, мастман, мени ўз ҳолимга қўйинг.

Смит — Уни ўз ҳолига қўй.

Морфи — Бахтингдан бўлиб, маст экансан.

Харди — Сизга оқ йўл, Смит. (*Эшик олдига бориб тўхтайди. Морфига*) Сиз, Морфи, ҳазилингизни ташланг. Бўлмаса хўжайинингиз мистер Херстга ёзиб юбораман. Ахир, сиз мистер Херстнинг хизматчиси-ку... Мен унга сизнинг ҳазилларингизни ёзиб юбораман, кейин ҳолингизга маймунлар йиғлайди.

Морфи — (*ўтириб, юзини ўгиради*). Хўш, Гарри, ишларинг қалай?

Харди — (*эшикни тутиб туриб, мастлик қайсарлиги блан*).

Ахир, сиз Херстнинг хизматчиси эмасмисиз? А?

Морфи — Жонингиз борида, бу ердан жўнаб қолинг!

Харди — (*яна ўшандай*). Яхши! Ахир, сиз мистер Херстда хизмат қиласиз-ку. А?

Морфи — Ҳа, мен Херст жанобларида хизмат қиламан. Яна нима?

Харди — Ҳечнима. Мен бунга ўз оғзингиздан эшитиб, маза қилмоқчи эдим. Хайрли кечал (*Кетади*).

Смит — Мен бу ерда икки кундан бери камгап бўлиб юрибман. Жим бўламану қулоқ соламан, қулоқ соламану жим бўламан, ё менга бир нарса бўлди па ё Америкага.

Морфи — Сенга ҳам, Америкага ҳам. Сен уруш нима эканлигини ўз кўзинг блан кўрдинг. Америка бўлса, кўргани йўқ. Шунинг учун келажак ҳақида ҳар иккалангиз, икки хил фикрда-сиз вассалом.

Смит — Бу ҳақиқат, лекин ҳаммаси эмас.

Морфи — Албатта. Ҳақиқатнинг ҳаммаси бир жойда.

Смит — Қаерда?

Морфи — Арши-а'лода. Демак, сени Россияга юборар эканларда?

Смит — Мен сени минг йилдан бери кўрганим йўқ. Янги Гвинеяда кўришганимиздан бери, кўрганим йўқ. Жуда шошиб қолибсан. Ичиюпсанми?

Морфи — Одатдагидан сал кўпроқ.

Смит — Сабаб?

Морфи — Дун'енинг камолатга эришмаганидан хафаман.

Смит — Ва буларнинг ҳаммасига большевиклар айбдор деб Херстга мақолалар ёзасан?

Морфи — Ҳа, ахир, айбдорни топиш керак-да. Мен: ҳаммасига айбдор Херст жаноблари, деб бажонидил блан ёзган бўлар эдим, — аммо у бундай мақолани босиб чиқармайди, деб кўрқаман. Ке, қўй, нима ёзсам — ёзибман-да, бундан дун'ёга на фойда бор ва на зиён.

Смит — Шундай экан, бечора Хардини нима учун урмоқчи бўлдинг?

Морфи — Бу тамомияла бошқа гап. У ҳақорат қилиб ёзган иккита рус йигитини мен фронтда, Эльба соҳилида учратканман ва улар блан бирга ичишканман. Ахир улар ҳам, худди менга ўхшаш журналистлар-ку. Нега у, уларга тегади. Нима, эски

дўстлар, ҳарбий мухбирларга тегмаса, дун'ё унга торлик қиладими ва ё дун'ёда бошқа можаро қуриб қолганми? Тўнғиз! У, рус журналистлари ҳақида оғзига келган нарсаларни ёзаверади, аммо мен ўз газетамда: унинг ёзганлари тухмат, деб жавоб беролмайман, ахир. Херст хўжайиним булганидан кейин, мени руслар ҳақида яна ҳам ёмонроқ тухматни ёзишим мумкин. Лекин сабабини айтмасдан туриб, Хардиннинг жағига икки мушт солсам... Шунда... кўнглим бироз тасалли топарди. Сен менинг фалсафамни биласан: барибир дун'ёда ахлоқ деган нарсанинг ҳиди ҳам йўқ. Лекин ҳеч бўлмаса ўз доирамизда тўнғизлик қилмайлик-да.

С м и т — Уруш давом этар экан, мен юз мартача: урушдан кейин ҳамма нарса ўзгариб кетса керак деб ўйлаган эдим.

М о р ф и — Уруш вақтида қалбимизни қарзга олган эдилар. Ҳозир ўша қарзни тўлашни истамаётиптилар. Яхши умидларнинг банкиси куйиб кетган, азизим! Агар мен ҳозир йигирмада бўлсам, ҳаммасини жаҳаннамга отиб, коммунистларга қўшилиб кетардим, ахир улар менга бошқаларга қараганда кўпроқ ёқади. Афсуски, 46 га кирдим, бунинг устига, ҳафтада 75 долларлик май ичадиган касалим бор, бир доллар ҳам кам эмас.

С м и т — Урушга қадар эллик долларлик ичар эдинг-ку.

М о р ф и — Ҳа, урушга қадар... Бундан 15 йил муқаддам, ҳали кам ёзиб чекага чиқиб қолмаган вақтларимда эса жуда оз ичардим, аммо мақола ёзишда ўзимни хила эркин тутардим. Херст чидарди. Энди мазам қочди. Жуда топганимда ҳафтасига 200 доллар топанам халос ва журналистларни ҳақорат қилишдан бўлак, қимматли хўжайинимга манзур бўладиган, ҳамма нарсани ёзаман, менга қолса, ҳар икки хўжайин ҳам гўрида тўнғиз қўйсин.

С м и т — Ҳарқалай, иккаласи жуда ҳам баравар эмас.

М о р ф и — Тўғри! Хўжа-али, Али-хўжа! Хуллас, иккаласи ҳам бир гўр. Замон тескарисига айланиб, Боб Морфи, Рондольф Херстга эмас, балки Рондольф Херст, Боб Морфида хизмат қилиб қолса, мен ҳам унга истаган нарсасини ёзишга йўл қўймасдим, балки мен нимани истасам, ўшани ёзишга мажбур қилардим.

С м и т — Хўш, нима истайсан?

М о р ф и — Ҳозир ҳечнима. Мен ҳеч нарса ёзмай ўзимнинг 200 долларимни олиб ётишни истардим, аммо бахтга қарши иложи йўқ.

С м и т — Хўш, менга айтчи, Россияга бораймиз? Менинг бирдан бир дўстим? Сенинг „Ҳа“ деганинг, менинг „Ҳа“ деганим.

М о р ф и — Ўттиз мингми?

С м и т — Ҳа.

М о р ф и — Ҳа, Нью-Йоркдан юз чақиримча нарироқдан ўн беш мингга жиҳозлари блан уй оласан, ўнбеш минг эса қора кунингга яраб ёки бўлмаса бир йил уйда ўтириб, истаган нарсани ёзишинг мумкин. Тўғри иккинчи томондан... Нима ҳам дердим. Ҳозир ҳаммаси ўнг келибди. Хўжайинларимиз ўзларининг

барча муваффақиятларига қарамай ташвишга тушиб қолган. Хўжайинларимиз Американинг ярими, биз улар номидан ёзаёган нарсаларга қараганда, бошқароқ уйлашни сен блан мендан кура яхшироқ билади. Биз, ёпиштириб қўйилган соқолга ўхшаймиз. Бу соқол олиб ташланса, ғашара қандай кўринади, ҳали номаълум. Сен Россия ҳақидаги биринчи, ҳатто руслар ҳам мақтаган, ҳарбий китобинг учун, Макферсонга керак бўлиб қолдинг, бу ҳол туфайли, сен китобхонларнинг кўзига холис одам бўлиб кўринасан. Шунинг учун худди сен кераксан ва ҳозир кераксан. Шундай. Кел, сенинг китобинг учун ичайлик! Ҳа, дарвоқи, нега китоб учун? Қандай аҳмоқ соғайиш учун ичиш керак бўлган бир пайтда, беморлик учун қадаҳ кўтаради? Ҳа, Сенинг ўттиз мингинг учун! *(Ичадилар)*.

Смит — Айтгандай, Боб, эртагача сенда эллик доллар топиладими?

Морфи — Мендан кечқурун пул сўраб бўладими? Ҳечвақт менда кечқурун пул бўлмайди. *(Ҳам ёнини очади)* Мана, бор-йўғи 18 доллар.

Смит — *(олади)*. Майли. Мен кеча Жесси блан тунги клубда майшат қилдим, эрталаб мана бу кичкина буюмларни албатта сотиб олиш кераклиги тақир эсимдан чиқибди. *(Нимчасининг чўнтагидан иккита узук олади)*.

Морфи — Жессига уйланасанми?

Смит — Ҳа.

Морфи — Афсус.

Смит — Сабаб?

Морфи — Ҳамма дўстларимнинг хотинлари мени ёқтирмайди. Мен уларнинг эрларига бошқача гўзал бўйдоқлик оламининг абадий ёдгори бўлиб кўринаман, хотинларга бу нарса ёқмайди. Сен уни кутяпсанми?

Смит — Ҳа.

Морфи — Мен кетаман *(Жесси киради)*, салом Жесси!

Жесси — Оқшомингиз хайрли бўлсин!

Морфи — Сиз сра ўзгармайсиз, Жесси. Ахир, мен сизни... *(Пауза)* беш йилдан бери биламан.

Жесси — Худога шукур!

Морфи — Хўп, мен кетдим, хайрли кеч. Ҳа, Гарри, ёдимдан кўтарилибди, менга такси учун майдангдан бер.

Смит — *Ma!* *(Хайрлашадилар)*.

Морфи — Хайрли кеч. *(Кетади)*.

Жесси — Эҳ Боб, Боб. У доимий бепул. Хўш, шу ерда ўтирамизми?

Смит — Йўқ, клубга борамиз.

Жесси — *(соатга қарайди. Соат чоракам ўн икки)* Ахир, 12 да Макферсоннинг олдига боришинг керак-ку. Улгуролмайсан.

Смит — Ҳа, ҳа, тўғри! Бирнеча минут шу ерда ўтирамиз. Мана. *(Узукларни кўрсатади)* Қара!

Жесси — Кўрдим. Мен қандай бахтиёрман.

Смит — Кечаси эшигининг олдида ёлғиз қолиб, ўзимни

қаёққа қўйишни билмадим. Нима учун мени уйингда олиб қолмадинг.

Жесси — Азизим, Гарри, ахир сен кеча менга таклиф қилдинг ку.

Смит — Ҳа, сен ҳам таклифимни қабул қилдинг.

Жесси — Ҳа, қабул қилдим. Демак, энди мен сенинг чинакам қайлигингман. Нима дейишинг ма'лум: Мен бола, сен ёш қиз эмассан, дерсан. Тўғри. Броқ, ҳеч бўлмаса шу сафар ёшликда орзу қилганимдай бўлсин. Мана бу узуклар, тараддудлар, магазинма-магазин юришлар, — янги сотиб олинган ва бизга қадар ҳали ҳечким яшамаган ва мен никоҳдан хушнуд келиб биринчи бор остонасидан ўтишим керак бўлган уй, — сен мени англаяпсанми?

Смит — *(унинг қўлини ушлайди)*. Ҳа англаяпман.

Жесси — Фақат менга ўхшаш эски гуноҳкоргина, телба куч блан бирданига тамомила бошқа бир ҳаётни истаб қолиши мумкин... Сен Россияда юрган вақтингда, мен ҳамма нарсани ўз қўлим блан тайёрлаб қўяман. Сафардан қайтиб келганинда, эй менинг жаҳонгаштам, камгап, оқсоч, гўзал ёрим, уйимиз сен учун жаҳондаги энг яхши жой бўлиб қолади, менинг жаҳонгаштам, менинг камсуханим, менинг оқсочлигим, менинг гўзалим. *(Уни эркалайди, сочидан ўлар, соатига қарайди)* Сен ҳозир Макферсоннинг олдига боришинг керак.

Смит — Улгураман. Сўзла-сўзла.

Жесси — Умид қиламанки, худо мени жазоламагандир, ҳали бола кўриш имкониятидан маҳрум бўлмагандирман. Ҳеч бўлмаса, бирнеча йил дар-бадар кезмай, пулни уйламай яшасам.

Гульд — *(киради)*. Кечангиз хайрли бўлсин Жесси! Гарри, нима учун бу ерда ўтирибсиз? Яна бир минутдан кейин Макферсон олдида бўлишинг керак-ку?

Смит — Ҳа, мен ҳозир унга телефон қиламан. *(Урнидан туради)*.

Гульд — Сен унга нима дейсан?

Смит — *(Жессига тикилади, узоқ жимлик)*. Мен ҳозир унга телефон қиламан. *(Вестибюльга чиқади)*.

Гульд — У, рози бўлармикан?

Жесси — Ҳа.

Гульд — Менга қара. Россияда уч ой юради, икки ҳафта йўлга кетади.

Жесси — Хўш, нима бўпти?

Гульд — Мен Мильдорфдан бир уй сотиб олдим. Бу ердан машинада қирқ минутлик йўл. Соқит, ҳечким йўқ.

Жесси — Жуда соз, лекин менинг нима алоқам бор?

Гульд — Ахир, сизларнинг оилавий бахтингизга мен сабабчи бўлдим. Бас, бу бахтга бош-оёғинг блан шўнғиб кетмасдан аввал, эрингни кутиш соатларини бекорга ўтказмай, менинг блан эскичасига айш қилиш блан ўтказсанг жуда табиий бўлар эди.

Жесси — Кечадан бошлаб, йўқ. Биз, у блан бир қарорга келиб қўйганмиз. Биладан, унинг боргиси йўқ, лекин у, мен учун ўзиви қурбон қилияпти. Мен ҳам уни деб ўзимни қурбон

қиламан. Ростини айтсам, сендан айрилиш, мен учун у қадар катта қурбон эмас.

Гульд — *(одатдагидан ортиғроқ чўлақланиб, бирнеча қадам юриди)*. Мана шундай вақтларда сен менга яна ҳам кўпроқ ёкасан.

Жесси — Қўй! Энди ҳарқанча уринганинг блан бир иш чиқаролмайсан. *(Пауза)*. У нима учун Макферсон блан бу қадар узоқ гаплашияпти? Бирдан у... Йўқ... бундай бўлиши мумкин эмас!

Гульд — Нега мумкин бўлмасин? У жиннининг қўлидан ҳар нарса келади.

Смит — *(қиради)*. Анча ушланиб қолдимми? Бармен, виски!

Гульд — Сен унга нима деб жавоб бердинг?

Смит — *(Жессининг кўзларига узоқ тикилади)*. Мен унга: Ҳа, дедим.

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

учинчи кўриниш

Тўрт ой ўтган. Ёз, Смитнинг шаҳар ташқарисидаги янги уйи, катта кабинет, ёзув столи. Бирнеча ойнабанд китоб шкафлари, члар деярлик бўш. Бирнеча кресло, иккита паст столча, диван, диванда ёстуқлар орасида чойнак қоқоғи—рус хотинининг кичик ҳайкали. Бир қисм девор ойнабанд, ташқарисида айвон. Стол ёнида Мег Стенли ўтирипти. Смит, хонанинг у томонидан бу томонига юриб, унга диктовка қилмоқда.

Смит — Мен русларни умуман кулиш қобилиятидан маҳрум деяолмайман, аммо „фашизм“ сўзини эшитганларида, улар кулишни тамом унутадилар. Улар, аламли таажжуб блан „қандай қиласиз, америкалилар фашизмни унутиб қўйдингиз?“ — деб мендан юз марта сўрадилар.

Руслар ўз талафотлари ёки вайронликлар туфайлигина ҳозир урушни истамайдилар, деб ўйловчилар тентаклардир. Мен Ўрта Осиёда, Тошкентнинг яқинидаги яшнаган бир шаҳарчада бўлдим, уруш бўлмаган жой. Мен блан суҳбатда бўлган кишилар орасидан, атайин ҳечкимнинг азасини тутмаган бирнеча кишиларни танлаб олдим. Мен худди ўшалар блан бўлган суҳбатдан кейин узил-кесил англадимки, гап чарчаганлик ёки ожизликда эмас, гап бугунги бутун Россия сингари, одамларнинг аҳволи руҳиясида: улар ўзларининг кучсиз ёки кучли бўлишларидан қатъи назар, биз блан рус урушишни истаган эмаслар ва истамайдилар ҳам, мен уларнинг бирига:

— Биз блан уруш бўлиши эҳтимолига қандай ўйлайсиз? — деб савол бердим. У менга шундай жавоб қайтарди: Бу ҳақда сизнинг газеталарингизда ёзилган нарсаларни ўқиганимдагина ўйлайман. Мен ҳечқандай э'тироз билдиролмадим. *(Диктовкадан тўхтади)*— Хуш, Мег, ёздингизми?

Мег — Албатта.

Смит — Бу блан олтинчи бобни тамомлаймиз. (*Соатга қарайди*) Мен, бахтга қарши, умримда биринчи марта ишни ўз вақтида тамомлаб ёзибман шекилли. (*Ўйчан*) Ўттизинчида ҳаммасини битирамиз...

Мег — Нима деяпсиз. Гарри?..

Смит — Ҳечнима. Ўттизинчи сентябрьда ҳаммаси тамом бўлади, деяпман. Ҳаммаси. (*Хонага кўз ташлайди*) Дарвоқи', ёлғон, ўттизинчи эмас, биринчида. Био кун мистер Макферсон ўқишига кетади. Биринчи кун эрталаб эса... (*Кулади*). Сиз бирискуни эрталаб уни афту-башарасини қандай бўлишини тасаввур этасизми?

Мег — (*кулади*). Жони халқумига келади.

Смит — Халқумига? Йўқ, у унақалардан эмас. Жаҳл унинг а'зойи баданини чиниқтиради халос. Одамларнинг гапига қараганда, у ўттизинчи йил синганида, жаҳлид н батамом тузалиб, балиқ овлаш учун Флоридага кетган экан. Икки ойдан кейин қайтиб келиб, бутун ишни бошидан бошлабди (*Пауза*).

Эсингиздами, Мег? Бундан ўн беш йил муқаддам Парк Авенодаги кичкина редакциягизга биринчи марта келган эдим. Мен ўшанда ўқишни эндигина тамомлаган, ёш, бахтли ҳамда виждонли эдим.

Мег — Ҳозир ҳам виждонлисиз.

Смит — Деярлик. Аммо, у вақтда ёш эдим, бир вақтнинг ўзида ҳам бахтли, ҳам виждонли бўлиш мумкин деб ўйлар эдим.

Мег — Ҳозир бахтсизмисиз?

Смит — Ўз хотини, ўз уйи, ўз пулига эга бўлиш каби оддий бахтдан кулаоладиган ёшдан ўтиб қолдим.

Мег — Гарри, сиз ношукурсиз! Хотинингиз яхши, у сизни севади.

Смит — Ҳа, аммо мен унинг мана бу (*стенограммани кўрсатади*) китобнинг авторига қандай муносабатда бўлишини билмайман. У мана шу бахтни (*уйга ишога қилади*) ўзоқ вақт кутган эди, балки мана шунинг учун ҳам у мени астайидил севгандир, мен бўлсам энди уни мана шу бахтдан маҳрум қилияпман.

Мег — Китобингиз тўғрисида унга ростини айтақолинг, шу бугуноқ.

Смит — Йўқ, бу гапни ҳозир сиздан бўлак ҳечким билмаслиги керак, менинг меҳрибон, жажжи, пахмоқ сочли дўстим. (*Пауза*).

Мег — Мен кетаман.

Смит — Йўқ, қолинг. Бирга овқатланэйлик. Мен бугун кечаси бирдан уйғониб кетдим, дўстим Фред Вильямснинг илгариги вақтларини ва душманлар қизил деб атаган, аммо ҳалол ёзишдан бўлак гуноҳи бўлмаган газетамизни эслаб кетдим. Дарвоқи', пайқабтибсизми? Мег „қизил“ сўзи, тобора „номус“ сўзининг рамзи бўлиб борапти.

Мег — Мана, китобингизни ҳам ёзиб тамомларсиз. Сизни ҳам қизил деб аташади. Бу гап ёмон эмас, Гарри. Америкадаги кўп

миллион одамлар сизнинг тарафингизда булади. Улар газеталаримизда ўз фикрларини баён қилишдан маҳрум, аммо сукут блан, сизнинг тарафингизда бўладилар, ҳа.

Смит — Ҳа, аммо „қизил“ деган сўз менинг даромадимни жуда қисқартириб юбормаса, деб қўрқаман.

Жесси — (Фартук блан киради). Хўш, тамом бўлдимми? Иккаласи — Ҳа.

Жесси — (Смитнинг ёнига келиб уни ўпади). Чарчадингми?

Смит — Йўқ. Сенчи?

Жесси — Жуда. Морфининг та'бирича, олмадан пирог қилиш ўлардай мушкул экан.

Смит — Боб қалай, уйқудан турдимми?

Жесси — Турганга ўхшайди. Ҳарқалай бундан ярим соат илгари ваннада биров сўкиниб пишқираёткан эди.

Смит — Мегни бирга овқатланамиз деб олиб қолдим.

Жесси — Жуда соз. Мен кеча илтимос қилган эдим, лекин унамади.

Мег — Кеча тувиминан йигирма бет нарсани оққа кўчириб чиқишим керак эди.

Жесси — Мег, ақалли, сиз кўндирсангизчи Гаррини, менга ўқиб берсин.

Смит — Мен: китобнинг оққа кўчирилган қисмларини Нью-Йоркда қолдириб келинг, деб Мегдан атайин илтимос қилган эдим. Ҳозир галдаги бобларни ёзишга шошилишим керак. Китобни биткизганимдан кейин ҳаммасини биратўла ўқиб бераман.

Жесси — Айтингчи, Мег. Бу китоб жуда қизиқми?

Мег — Ҳа жуда қизиқ.

Жесси — Менинг сизга ҳавасим келади.

Мег — (пауза) Жесси, овқатингиз қачон тайёр бўлади?

Жесси — Ярим соатдан кейин.

Мег — Ундай бўлса, мен ваннага тушиб оламан. Яхшими?

Жесси — Албатта. Менинг халатимни олинг, қозиқда осиглик турипти.

Мег — Раҳмат. (Чиқиб кетади).

Жесси — (стол устидаги стенограммага қараб). Яхши бўлияптими?

Смит — Ёмон эмас.

Жесси — Нима учун менга диктовка қилишни истамайсан? Ростини айтсам, мен сенинг Меггингдан ёмон ёзмайман. Кошки мен ёзсам, бу мен учун катта бахт бўлар эди.

Смит — Мен учун эса, сенинг стенограмма ёзмай, машинкада ишламай фақатгина уй хужаси бўлиб ўтиришинг бахт. Уй хужаси: Ҳатто олмадан қилинадиган пирог ҳам сенинг эрмагинг, халос.

Жесси — Сен ҳечнима тушунмайсан. (Стенограммага ишора қилади). Сен айтиб турсанггу, бу ҳам мен учун эрмак бўлади. Сен (ўпади) йўқ, сен ҳақсан, мен сенга халал берган бўлардим. (уни яна ўпади) Мен чидаб туrolмасдим. (Стенограммага тикилади) Аммо, шу қадар қизиққанманки,.. Мен бир-неча бор сенга билдирмай кўз ташладим. Аммо, Мегнинг белгилари меникидан

бошқачароқ. Мен унинг ўнта сўздан базур ўқийолдим. Сен ухлаб ётганингда, мен саҳарлаб туриб, кабинетингни супириб-сидираман, энгашиб юриб ҳисобсиз чекиб ташлаган папиросларингни йиғаман. Кеча полдан 42 та чекилган папирос териб олдим.

Смит — (унинг қўлини ўпиб). Нега бундай қиласан?

Жесси — Негаси борми? Сенга хизмат қилиш менга роҳат. Уйни тозалаб бўлганимдан кейин, дарвозани очаман, сенинг креслонгга ўтираман, қўшиқ айтаман, ўз-ўзимга гапираман. Сени уйлайман. Уйингни безаш режаларини тузаман. Сен китобингни тамомлаб, яна пул олганимиздан кейин диванингнинг тепасига кичкина гўзал сурат осиб қўйсақ деб уйлайман. Яна қўш иқ айтаман. Яна ўзим блан ўзим гаплашаман, кейин сени уйғотишга бораман.

Смит — Рангингга қараганда жуда чарчаганга ўхшайсан.

Жесси — Мени чарчатган бахт. Мен ҳар кун ўн марта мана бу эшикнинг ёнига келиб, хонада юрган вақтларингда оёқ товушларингга қулоқ соламан. Оёқ товушларинг эшикка яқинлашиб келганда ҳар сафар ичкарига бошимни суқиб сени ўпким келади. Аммо, мен эшик орқасида индамай туравераман. Сўнгра ўз хонамга бориб, яна сени уйлайман. Кечгача умримни шу зайлда ўтказаман. (Пауза) Хўш, ўжарлик қилиб, сени катта уй сотиб олишга кўчдирганим, чакки бўлдимми? Агар кичкина уй олсак, бу қадар яйраб иш қилаолармидинг? (Пауза Фартуғининг чўнтакидан хат чиқариб беради). Эсимдан чиқаезибди. Онангдан хат.

Смит — (концертни очиб, ундан кичкина қоғоз олади). Ҳа, онам аввалгидай камгап.

Жесси — (унинг ёнига ўтиради). Мен ҳам ўқисам мумкинми?

Смит — Албатта.

Жесси — Нақадар даҳшат! Нега бундай, деб ёзади?

Смит — Нима ҳам қилардинг? У ҳарбир нарсага ўз кўзи блан қарайди.

Жесси — Рангинг оқариб кетди-я.

Смит — Ўз онанг сени „аблаҳ“ деб ўтиргандан кейин: афтидан мени, Россия ҳақида аввалги э‘тиқодларига хила зид бўлган, китоб ёзаётибди, деган миш-мишлар, унинг қулоғига бориб етган бўлса керак. Ҳамма гап шунда.

Жесси — Тушунмадим, ахир, кампирнинг руслар блан ва бу китоб блан нима иши бор. Ахир бу фақат сенинг ишинг-ку?

Смит — (та’на блан хатни олиб). Онам дун’ёга кўхна либеральлик нуқтаи назаридан қарайдиган одам. У юксак ғояларга ишонади. Шу вайдан унинг фикрига кўра, ўгли виждонсизлик йўли блан пул топабoshлар экан, у, ўғлидан оладиган нафақасидан кечмоқчи. У гарчанд эски фикрли одам бўлса ҳам, сўзларида мантиқ бор.

Жесси — Сен хафа бўлдингми? Чиндан ҳам сен ўз китобимни тўғри ёзайман, деб уйлайсанми?

Смит — Йўқ. Акси. Унинг мактуби—бу китобни жуда тўғри ёзаётганимни, яна бир марта та’кидлайди, халос. (Пауза) Бугун олмадан қилинган пирогдан бошқа яна нима?

Жесси — Лимонли крем. (Шэшиб ўрнидан туради, Смитни ўпади) Агар қайнаб, қуриб кетмаган бўлса... (Югуриб чиқиб кетади).

Смит — (ёлғиз, мактубни яна очади, истеҳзо блан), онам, ўғлим пул оладию, аммо у пулни мен ололмаймаман, деб ўйлапти шекилли. Мен бўлсам, онам пулимни олиши мумкин эдию, аммо менинг пулим бўлмайди, деб ўйлайман. (Айвон орқали Гульд, унинг кетидан Макферсон кирадилар).

Гульд — Салом, Гарри! (Қалпоғини креслога отади) Чолни, кулбангни зиёрат қилсин, деб олиб келдим.

Смит — Салом, салом чол! (Хўжайин).

Макферсон — Бизни афв этарсиз, деб, умид қиламан, Гарри!

Смит — Хурсандман. Утиринглар. Виски қуйиб берайми?

Макферсон — Йўқ, раҳмат. Бугун жуда кўп ичишга тўғри келади.

Смит — Бундай одатингиз йўқ эди-ку.

Макферсон — Ҳа. Аммо одам ҳар кун ҳам олтмиш ёшга кирабермайди-да.

Смит — Олтмиш ёшга кирдингизми?

Макферсон — Ҳа. Олтмиш ёшга кирганим — шу бугун эрталаб эсимга тушиб қолди.

Гульд — Чол бугун эрталаб инқиллаб ўрнидан тураман деса, бели қотиб қолибди, шунда у олтмиш ёшга кирганини билибди. (Макферсон ҳазил қилиб, кутилмаганда Гульдининг кўкрагига туширади. Гульд кулиб диванга йиқилади).

Макферсон — Бугун чол эрталаб уйда эмас... балки бошқа ерда уйғонди ва бели ҳар галдагидай бугун бақувват эди (Кулги), аммо редакцияга келиб, столим устидаги 14.232 долларлик чекка кўзим тушди. Мен ўттиз ёшга кирганимда, бор-йўғимни бой бериб қўйишдан қўрқиб, олтмиш ёшга кирганимда олиш шарти блан, деб ёнимда қолган етти минг доллардан 5000 долларини срсочний қилиб банкга қўйишга жур'ат этган эдим. Бугун столим устидаги чекни кўриб, олтмиш ёшга кирганимни эсладим. Асосий сармоя бўлган 5000 ни—90 га кирганимда оламан, деб яна банкга қўйдим. Бугун дўстларим, шу жумладан Жесси блан сиз, кулбамни зиёрат қилиб, процентдан тўпланган фойдани маҳв этишга кўмаклаширлар, деб умид қиламан. Хўпми?

Смит — Жуда хурсандман чол. Сизни табрик этаман.

Макферсон — Илгарироқ таклиф қилмадим, кечирасиз, броқ, бу гап шу бугун эсимга келди. Сиз ўзингизга тасалли берингки, барча блан бараварсиз, ҳатто бугун ташриф буюриши мумкин бўлган, эски қадирдоним Уэстон Черчилл ҳам сиздан фақат бир соат илгаригина таклиф этилди. Энди мен кетишим керак. Бир соатдан кейин зиёфат бошланади. Мен 8 миль йўл босиб бўлса ҳам, ўзим келиб сизни таклиф этдим. Сизнинг энди машинангиз бор-а?

Смит — Ҳа. Фақат бирнеча минут сабр қилсангиз, чол. Жес-сидан сўрай.

Макферсон — Кутамиз. (Смит чиқиб кетади).

Гульд — Чарли, ҳарҳолда сизда оз бўлса ҳам майда шуҳрат-парастлик бор. Черчилл тўғрисида гапиришнинг нима ҳожати бор эди?

Макферсон — Аввало, Черчилл мен учун майда эмас, бал-

ки катта шуҳратпарастлик. Айниқса, бугун унинг сиёсати — менинг сиёсатим. Иккинчидан, мен уни адмиралликнинг биринчи лорди булган кунидан бери биламан. Учинчидан, мен чиндан ҳам шуҳратпарастман. Хўш, нима булибди?

Гульд — Ҳечнима. Шунчаки мен уни зиёфатингизга келмаса керак деб ўйлайман.

Макферсон — Қайдан биласиз? Менимча, уни ҳозир Америка матбуоти жуда ҳам қизиқтириятти. *(Пауза)*

Гульд — *(стол ёнига келади, стенограммани кўздан кечиради)* У жуда ўлиб-тирилиб ёзаётканга ўхшайди.

Макферсон — Ажаб қилади. Ўттизинчи октябрда тайёр китоб ҳамма ерда сотила бошлаши керак.

Гульд — Қўл'ёзмани олиб, китоб қилиб босиб чиққунга қадар уч ой муддат керак. Кесслернинг нашриёти улгураолармикан?

Макферсон — Улгурмай иложи йўқ. Афсуски, конгрессга сайловлар кунини узайтириш ҳозирча қўлимдан келмайди. Китоб ва, менга ўша кунгача керак. Туйдан кейинги нағорага эҳтиёжми йўқ, буни сиз мендан яхшироқ биласиз.

Гульд — Менга қаранг Чарли, ҳозирдан бошлабоқ, реклам қилишга киришсак қандай бўлади?

Макферсон — Яна реклама қилишга 30 кун керак! Китоб ахир ўн кундан кейин битади ку.

Гульд — Эртадан бошласак-чи? 30 кунга қараганда, 40 кун албатта яхши. Мен сизга ҳечқачон ёмон маслаҳат берган эмасман.

Макферсон — Бўпти. Фақат шуни билингки, бу сизнинг ўн учинчи маслаҳатингиз.

Гульд — Хўш нима бўпти? Яна, ўша Россия тўғрисида ҳақиқатни ёзган авторнинг иккинчи китоби. Смитнинг биринчи китоби ҳақида 42-нчи йил рус газеталарида чиққан тақризлардан мисол келтирилади ва Смит руслар масаласини тўғри тушунганини ва унга тўғри ёнлашканини кўрсатилган жойларидан ҳам парчалар оламиз. Смитни русларнинг ўзи ростгўй, деб мақтаган автор деймиз ва Смит ҳақида икки оғиз ширин сўз: я'ний масалан Смитнинг Гжатск бусагаларида, окопларда ётганини, Сталинградда бўлганини айтамиз.. Смит Россия тўғрисида ёмон фикр баён қилишни ўзига мушкул деб биладиган, ammo ҳозир сукут сақлаб туролмайдиган автор деймиз ва ҳоказо...

Макферсон — Қисқасини айтканда реклама текстини ўйлаб чиқдингизми?

Гульд — Қисқасини айтканда, ўйлаб чиқдим.

Макферсон — Равшан. Китобнинг номи нима бўлади?

Гульд — Ўша номда: „Нечун руслар уруш истайдилар?“.

Макферсон — Йўқ, бу жудаям яққол.

Гульд — Жек, мен ўз фикримни айтдим, уёғини ўзингиз биласиз.

Макферсон — Сиз қандай фикрдасиз, руслар чиндан ҳам ҳозир урушни истайдиларми?

Гульд — Ҳозирми? Албатта йўқ.

Макферсон — Кейинчаликчи?

Гульд — Билмайман. Мен фақат бир нарсани билман: улар капитализмни йўқотмоқдалар, мен бўлсам, коммунизмни йўқотмоқчиман. Ҳамма гап ана шунда. Икки томон баравар.

Макферсон — Фарқи шуки, улар бунинг ютрларида бажармоқда, сиз бўлсангиз уларнинг мамлақатига панжа узатайсиз.

Гульд — Сиз ҳали коммунистлар партиясига ёзилмоқчисиз шекилли.

Макферсон — Йўқ, мен сизни жуда беомон, деб ўйлайман. Дарвоқи, ҳамма муртадлар шундай бўлади.

Гульд — Нима дедингиз?

Макферсон — Мен: барча муртадлар каби сиз ҳам жуда беомонсиз, дедим. Профсоюзда ўтказган ёшлигингиз сизга ҳамон тинчлик бермайди ҳамаси.

Гульд — Чарли, сўзингизни давом этдирмасликни маслаҳат берман. Менинг гоҳо тишлаб оладиган одатим бор.

Макферсон — Билман. Аммо сиз ноҳақсиз. Одам ўз таржимаи ҳолидан ҳечқачон ор қилмаслиги керак. Айниқса сизники: ўхшаган бошида муваффақият блан бошланган таржимаи ҳолдан. Иш ташлашнинг ёш раҳбари — бирдан қизилларни фош қилиб, ўз қўли блан менга олти фельетон ёзиб берар экан, худ ҳақи бу жуда антиқа гап. Мен ўша вақтда бундан ўн беш йил илгарийёқ сизни хила узоққа кетадиган, айниқса газетада ишласа киши бўладиган деб фаҳмлаган эдим.

Гульд — Менинг газетамда, денг.

Макферсон — Албатта, „Дейли Уоркер“ газетасида эмас. (Кулги) Қачонки сиз, коммунизм тўғрисида ўйлар экансиз, ҳаммавақт, агар Америкада коммунизм бўлақолгундек бўлса, албатта мени дорга осадилар, деб мўлжаллайсиз.

Гульд — Сиз блан бирга (Кулги.)

Макферсон — Ишонмайман. Бордию бир воқиа юз бериб қўлса я'ни эртага тўсатдан коммунистлар ҳокимиятни қўлга олсалар, сиз нима қилардингиз?

Гульд — Қизиқ.

Макферсон — Сиз дарҳол тўнингизни тескари кийиб, бундан ўн беш йил илгариги дўстларингизни қандай тутиб берган бўлсангиз шу кундаги дўстларингизни ҳам худди ўшандай тутиб берардингиз.

Гульд — Афтидан бутун мен блан жанжаллашмоқчисиз.

Макферсон — Асло. Бу Черчилл учун ва менинг шуҳрат-парастлигимни гапирганингизга жавоб. Мен чиндан ҳам шуҳрат-парастман. Аммо бошқалар бунинг юзимга солсалар ёқтирмайман. Унинг устига, бугун эрталаб, сиз яна менинг редакторлик столига суқланиб қарадингиз. Мен, шошилган кишиларни ёмон кўраман, айниқса ёш одамлар шошилса.

Гульд — Сиз қарибқопсиз, сиз бекордан-бекорга эзма бўлиб қоляпсиз.

Макферсон — Балки.

Гульд — Гуё сиз коммунистларни йўқотишни мендан камроқ истайдиганга ўхшайсиз.

Макферсон — Йўқ. Менинг руслар учун тузган минимум программам бор.

Гульд — Э'лон қилишингиз мумкинми?

Макферсон — Мумкин. Русларни беш-олти йил давомида уруш ҳавфи остида тутиш, ўзларини ўнглаб олишларига имкон бермаслик, сўнгра эса, улардан фақат уч нарсани талаб этиш.

Гульд — Нималар?

Макферсон — Ўз бозорларида биз учун тўла эркин бериш — бу бир, уларнинг ташқи савдога бўлган монополиясини тугатиш — бу икки, йирик корхоналарни бизга концессияга бериш — бу уч. Бошқа барча масалаларда эса, майли ҳозирча коммунистликларича қолаверсинлар, бу уларнинг хусусий ишлари. (Пауза), (Кулги).

Смит — (киради). Мени кечиришингизни сўрайман чол. Хотинлар блан гаплашишда ҳали тажрибам йўқ. Жесси сизга ташаккур билдирди. У ҳозир кийинияпти. Ярим соатдан кейин орқаларингдан биз ҳам йўлга чиқамиз.

Макферсон — Яхши. (Гульдга) Жек сиз бугун учинчи марта шляпангизни эсингиздан чиқариб қолдиряпсиз. Паришонлик фақат машҳур кишиларгагина ярашади. Ҳа, дарвоқи', Гарри, Гульд китобингизнинг номини: „Нечун руслар уруш истайдилар?“ деб қўйишни таклиф қилади. Сиз нима дейсиз?

Смит — Унча эмас.

Макферсон — Менга ҳам ёқиб тушмади.

Смит — Балки, биринчи сўзни олиб ташлаб, оддийгина қилиб: „Руслар уруш истайдилар“ десагу, охирига катта савол аломати қўйсак.

Макферсон — „Руслар уруш истайдилар“ десагу, охирига, бошқа ҳарфларга қараганда уч марта кичик, деярлик кўз илғамайдиган, савол аломатини қўйсак. Тикилиб қараган одамларгина кўрса бас. Савол борми? Бор! Холисмизми? Холис. Бу ёмон фикр эмас. Бўптими? Сизларни кутаман. (Гульд блан бирга чиқиб кетади. Бирнеча дақиқа давомида Смит саҳнада ёлғиз қолади. Кейин ички хонадан Морфи чиқиб келади. У, анча ишиб кетган. Кўзининг тепасига дорилик қоғоз ёпиштирилган. Унинг эғнида қалин фуфайка).

Смит — Хўш, ишқилиб уйкуга қондингми?

Морфи — Уч кун ҳисобидан ўнўрт соат ухладим. Кеча уйингга келганимда жуда ҳам маст эдимми?

Смит — Йўқ, унчалик эмас. Сен бир аёлнинг қалпоғини қўлтиғингга қистириб олиб, кўзёшларингни тўкар ва хўжайининг Вильям Рондольф Херстни ҳа деб мақтар эдинг.

Морфи — Йўғе? Мен чинакам итдай маст бўлган эканман. Ичишни ташлашим керак. Уйингга Гульд нима учун келибди?

Смит — Сен қаердан билдинг?

Морфи — Унинг дағал овозини узоқдан ҳам билиш мумкин.

Смит — У Макферсон блан бирга келди. Чол бугун олтмишга қарибди. Мен блан Жессини зиёфатга таклиф қилгани келибди.

Морфи — Ҳа... Сенинг китобинг унга жуда ҳам керак бўлиб қолганга ўхшайди. Олма пирог нима бўлади? Жесси мени сийламоқчи эди-ку.

Смит — У бундай бўлишни кутмаган эди. Аммо унинг ва-даси — ва'да. Сен Мег блан бирга овқатланасан, бизлар кечга қайтиб келамиз.

Морфи — Мег блан дейсанми? Бу сенинг, тараққийпарвар қари қизинг, якка қолсак, бошимдан қайноқ шўрва қуйиб юборади ва мен то куйган бошимни артиб олганимга қадар, мен блан Херст тўғрисида няма ўйласа ҳаммасини гапиради. Ахир у астейдидил мен блан Херстни бир одам деб ҳисоблайди.

Смит — Мегми? Сен ақлингдан озибсан.

Морфи — У менинг адабимни бериши аниқ. Сенинг китобинг-ни тоқат қилиб кўчириб бераётганига ҳайронман. Менимча, унинг онаси касалу, пулга жуда муҳтож бўлса керак.

Смит — (кулади). Сигаралар мана бу яшчикда.

Морфи — Мен уйингга уч мартаба келдим. Ҳар келганимда, омадингга тўнғизларча ҳасад қиламан.

Смит — Сен Жессидан кўрқар эдинг. Хўш энди унинг устидан шикоят қила олсанми?

Морфи — Йўқ. У сени шу қадар яхши кўрадики, ҳатто менинг келишимга ҳам чидайди. (Пауза. Стол ёнига келиб қўлига стенограммани олиб солмоқлаб кўради) Қани энди агар бу турмуш (уйни кўрсатади) мана бу аблаҳликсиз бўлса эди... Ўттиз-минг. Менга жуда кам тўлайдиган бўлиб қолдилар. Айтгандек... Мен кеча шунинг учун ҳам маст эдимки, бир иш юзасидан каттагина аванс олган эдим. Пулимдан ортиб қолди. (Чўнтагидан бир пачка *фижимланган пул чиқаради*) Мана санча қанча қопти.

Смит — Қандай иш?

Морфи — Бир йўловчи блан осмонга кўтариладиган самолёт янги рекорд қўймоқчи. Мен йўловчи бўламан.

Смит — Яхши самолётми?

Морфи — Менимча бўлмағур, авантюра лўттибозлик. Ҳечқандай махсус асбоб-ускунаси бўлмаган, оддий, енгил спорт самолёти. Гап ҳам шунда, улар мана шу хил самолётлар учун рекорд қўймоқчи. Пухта деб довруқ қилмоқчи. Янги ва беобрўй фирма. Мана фақат шунинг учун уларга жар солиш керак бўлиб қолди. Мен самолётдан радио эшитдириб туришим керак, унинг учун улар менга яхшигина пул тўлайдилар.

Смит — Қанча?

Морфи — Бирярим минг.

Смит — Ичма. Қўй ўша пул бошида қолсин!

Морфи — Сенинг стенографисткангнинг онаси касал бўлганидек, менинг ҳам онам қасал. Мен 600 долларини бир амаллаб ортдириб, Мичиганда яшаб турган онамнинг шифоланиши учун тезликда юборишим керак. Ичмаслик ҳисобидан пул ортдириш менинг қўлимдан келмайди. (Пауза) Қани, менга ростингни айтчи, бу сафар боришингда руслардан ихлосинг қайтмадими?

Смит — Йўқ.

Морфи — Улар ҳозир ҳам худди уруш вақтидагидек яхши йиғитларми?

Смит — Худди шундай.

Морфи — Худо ҳақи, бу тўнғизлик.

Смит — Сабаб?

Морфи — Чунки, агар улар ёмонлашиб қолганларида, сен блан мен учун улар тўғрисида ёзаётган бема'ни нарсаларни ёзиш, у қадар уят бўлмас эди.

Жесси — *(киради)* Мен тайёр, кетайлик.

Смит — *(Жессини қўлтиқлайди)*. Сигаралар столнинг яшчигида.

Морфи — Бу эсимда, аммо виски қаерда? Янглишмасам, мана бу шкафда бўлса керак?

Смит — Сен янглишмайсан. *(Мег киради)* Мег, сиздан ўтиниб афв сўрашим керак бўлиб қолди.

Мег — Афв сўрашнинг кераги йўқ. Жесси менга ҳаммасини айтиб берди.

Смит — Машина бир соатдан кейин қайтиб келади ва сизни шаҳарга элтиб қўяди. Хўпми?

Мег — Ҳа, хўп.

Смит — Унгача бу ерда мизбон бўлиб, менинг кекса Бобимни зиёфат қилинг.

Мег — Хўп, мен сизнинг кекса Бобингизни зиёфат қиламан.

Жесси — Кўришгунча хайр, Мег. Сиз эса, Боб, бизлар келгунча маст бўлиб қолмасликка ҳаракат қилинг.

Морфи — Ҳаракат қилиб кўраман.

Смит — Хайр. *(Жессини қўлтиқлаб чиқиб кетади. Мег креслога ўтиради Жимлик. Машина шовқини. Яна жимлик)*.

Морфи — *(шкаф олдида бориб шишаларни ва иккита стаканни олади)*. Виски ё бренди?

Мег — Барибир.

Морфи — *(стаканга қўяди, ўтиради)*. Мен содасиз ичаман, сизчи?

Мег — Барибир.

Морфи — *(қўяди)*. Узоқ сафар учун. *(Ичишадилар)* Сиз блан биз худди ташландиқ кемада қолган иккита матросга ўхшаймиз. Ҳа, кема ҳалок бўлгандан кейин.

Мег — Ёки ҳалок бўлиш олдидан.

(Узоқ пауза, икковлари хонадан сўзсиз чиқадилар).

Парда

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Учинчи кўринишдаги сахна. Кечқурун. Ўн кун ўтган. Смит бурчаклаги креслода ёлғиз ўзи ҳаёт сўриб ўтиради. Узоқ жимлик. Жесси аввалги кўринишдагидек фартуқли киради.

Жесси — Сенга нима бўлди, Гарри? Сенга нима бўлди, азизим? Соат тўққиз ярим. Сен тўрт соатдан бери шу куйда утирибсан.

Смит — Ноҳотки соат тўққиз ярим?

Жесси — Мен икки марта ёнингга кирдим, кўзинг уйқуга

кетибди шекилли деб ўйладим. (Смит „йўқ“ деб бош қимирлатди) Кигобингни тамомлаганингга вақтинг чоғми? (Смит „ҳа“ деб бош қимирлатди) Чарчадингми? (Бош қимирлатди) Бугунги меҳмонла ни бекорга айтибман-да?

Смит — Йўқ-йўқ, нега? Жуда яхши, аммо, пулни қаердан олдинг? Янглишмасам, менинг чек дафтаримда пул қолган эмас. Қарз олдингми?

Жесси — Армияда юрганимда йиққан минг доллар пулим бор эди. (Смитнинг сўзини бўлиб) Мен сенинг пулинг тамом бўлганини кўриб, энди менинг пулимга ақалли бир ҳафта яшармиз деб жуда хурсанд бўлдим. Мен бунинг учун жуда фахрланаман. Менинг бу хурсандчилигини бузма. Макферсон эртага китобингни ўқиб чиқади. Сен яна бой бўласан. Бугун бўлса, сен жуда камбағалсан, тамомила камбағалсан, азизим, ҳатто кечки овқатни ҳам менинг ҳисобимдан ейсан. Ё раббий, бу қандай яхши-я? Бу нарсани фақат хотин кишигина тушуниши мумкин.

Смит — Мен сени борган сари қаттигроқ яхши кўрияпман-а. Бугун назаримда сени бундан ҳам қаттигроқ севиш мумкин бўлса керак деб ўйлайман.

Жесси — Бугун? Хўш, эртагачи? Сен эртага мени яна кучлироқ севишинг керак.

Смит — Ҳа, эҳтимол эртага сени яна ҳам кучлироқ севаман, агар...

Жесси — Нима агар?

Смит — Агар эртага мени тўсатдан ташлаб кетмасанг?

Жесси — Сен нима деясан, жинни? Сенга нима бўлди? Кузларингга ёш? Чарчагансан. (Унинг ўрнидан туришига йўл бермайди, Гаррининг олдига тиз чўқади) Сен нималарни уйлаяпсан? Мен сени ташлаб қаерга борардим? (Ўрнидан сакраб туради) Юр, тезроқ, менинг тайёрлаб қўйган нарсаларимни кўр. (уни қўлидан тортиб эшик томонга судрайди. Эшикдан зийфатга безатилган стол кўринади) Қалай яхшими?

Смит — Жуда.

Жесси — (эшикни ёпади. Смитнинг қўлидан ушлаб, хона бўйлаб юради). Сен — бир, мен — икки, Мег — уч, Престон — тўрт, Финна Бридж блан менинг эски ўртоғим Селли Хапкинс ҳам келади. Сен уни билмасанг керак.

Смит — Билмайман.

Жесси — Мен уни унча севмайман. Аммо у, ўзини ҳаммаша оқилад қилиб кўрсатар, мени койиб юрар эди. Мен унинг олдида сени кўрсатиб мақтаниб учун, бугун атайин чақирдим. У блан олти киши бўлади. Гульд — етти. Биламан, сен уни ёқтиринқирамайсан.

Смит — Йўқ, майли.

Жесси — Мен уни ҳам атайин чақирдим. У ҳаммавақт ўзини сендан юқори олиб юради, айниқса орқангдан. Майли, келиб, сен блан яхши яшаётганимизни кўрсин. Унинг заҳар хотини блан Сан Францискода ўтказадиган турмушига қараганда, бизнинг турмушимиз минг марта яхшироқ эканини билсин.

Смит — Боб келадими?

Жесси — Ҳа! Саккизинчи ва сунгги. Нью-Йоркка кетаётганида, Мегга Бобни қаердан бўлса ҳам топишни ва бирга олиб келишни буюрдим. (Пауза) Гарри!

Смит — Хўш азизим?

Жесси — Сенга нима бўлди? Нима ҳодиса юз берди? Нимадир сенга азоб бермоқда. Сени қийнаётган нарса нима? Қани айт.

Смит — Йўқ, ҳеч нарса қийнаётгани йўқ. Жуда чарчадим шекилли. (Иккови ойнадан айвон олдига бориб, боққа тикиладилар).

Жесси — Ҳа, ёдимдан чиқай дебди. Ҳу, қайин усқан тепаликни кўраяпсанми?

Смит — Кўраяпман.

Жесси — Чиройликми?

Смит — Чиройлик.

Жесси — Уша ер чорак танобча келади. Мен бугун миссис Ходсон блан гаплашдим, еруники. У ўша ерни бизга сотмоқчи, қиммат ҳам эмас. Сен китобинг учун пул олганингда, ўша ерни албатта сотиб оламиз. Ушанда боғимизнинг ҳуснига ҳусн кўшилади. Хўпми?

Смит — Хўп. (Кўнғироқ чалинади).

Жесси — Худога шукур, Мег блан Боб келган бўлсалар керак. (Смитни ўпиб югуриб чиқиб кетади. Смит деразадан қараб туришда давом этади. Жесси югуриб киради. Унинг қўлида катта қоғозга ўралган нарса). Келдилар!

Смит — Бу нима?

Жесси — Бу менинг совғам. Машиначидан янги қора кастюмни олиб келиш учун, Мегдан пул бериб юборган эдим. Мана. Бориб кийин. Тезроқ бўл! Мен сени ҳозироқ шу кастюмда кўрмоқчиман. Қани бор — борақол! (Уни аста итариб қўяди. Мег блан Морфи киради).

Мег — Мен сизнинг топширигингизни адо қилдим. Мистер Морфи сочларини текислатиб, бошини ювиб олгунга қадар, эркаклар сартарошхонасида пойлаб ўтирдим.

Жесси — Раҳмат, Мег. Сиз бўлсангиз, Боб, бу ерга бошингизни ювмасдан ҳам тезроқ келаверсангиз бўларди.

Морфи — Иложим йўқ эди. Мен кайфимни тарқатмоқ учун бошимни ювдим.

Мег — Бир марта эмас, икки марта.

Морфи — Ҳа, икки марта ювдим. Сартарош бошимни ювиб, артиб, сочимни тараб қўйди. Аммо бу кифоя қилмади. Бошимни яна бир марта ювиб қўйишни ундан илтимос қилдим. У э'тироз билдирабошлаган эди, мен унга — бош уники эмас, балки меники эканлигини ва агар истасам сурункасига беш марта юндиришимни айтдим.

Жесси — Сиз бугун қувноқ кўринасиз. Балки Гаррини ҳам қувонтирасиз?

Морфи — Майли, сизга ва миссес Стенлига ҳечқандай э'тироз билдираолмаслигимни ўзингиз яхши биласиз-ку.

Мег — Фақат мени гапга аралаштирманг.

Морфи — Нега, биз сиз блан сиёсат оламига тил тегизмаслик тўғрисида аҳд-паймон қилишганимиздан бери жуда иноқлашиб қолдик-ку. Бугун сиз ҳатто менинг шишамдан виски ичдингиз.

Жесси — Мег, мен нималарни эшитаётибман?

Мег — Ўзига икки қултум камайгандан хафа бўлди шекилли! (*Қора кастюм кийган Смит киради*).

Жесси — (уни айлантириб кўради) Яхши, жуда яхши (*Айлантириб*) Мег қаранг-а, елкаси буришиб туриптими?

Морфи — Ҳозир шунақа тикадилар.

Жесси — Сиз жим туринг. Сизга ҳамма кийим қозиққа осгандай ўтиради, қалай Мег?

Мег — Йўқ, менимча, яхши.

Смит — Бас, мен ер шарими, ҳа деб айланаверсам.

Жесси — (*пўнғиллаб*). Албатта, галстук ҳарвақтдагидай қийшайиб турипти. (*Галстугини тузатади. Бўйнини чўзиб ўпади*) Ёлгон гапирдим, сен бугун галстукни жуда яхши бойлабсан, бу гапим сени ўпиш учун бир баҳона эди. (*Мег блан Морфига*) Сиз ҳечнарсани пайқамадингизми.

Мег — Морфи — Йўқ, биз ҳечнарсани пайқамадик (*Куладилар*).

Жесси — Мег, мен блан юринг, бизнинг ҳали қиладиган ишимиз бошимиздан ошиб ётибди.

Морфи — Тўхтанглар. Мен Гаррига олиб келган соврани кўриб қўйинглар. (*Чўнтагини кавлаб, газета олади ва уни ёзади. Газета саҳифасида катта э'лон бор*).

Жесси — Бу нима?

Морфи — Макферсон газетанинг бугунги, якшанба сонидан бизнинг қадрдон дўстимиз (*Смитга ишора қилиб*), тўғрисида бир саҳифа шакаргуфторлик қилибди. Бу ерда, унинг китоби доҳиёна асар бўлажаги, ўзи эса жуда исте'додли ва холисгўй, виждонли эканлиги, китобнинг муқоваси гўзал бўлажаги, ҳаммадан ҳам, китобнинг нархи арзон қўйилиши ёзилган. Хўш, қалай?

Жесси — Жуда яхши, менга ёқади. Сенгачи Гарри?

Морфи — Қаранглар! Унинг исми икки қарич ҳарфлар блан ёзилган-а!

Жесси — Жуда соз! Мен бу қадар бўлмас деб ўйлаган эдим. Сенчи Гарри?

Смит — Мен ҳам.

Морфи — Мен ҳам ўйламаган эдим.

Жесси — Ана, кўрдингми, сен бўлсанг кун бўйи қовоғингни солиб ўтирибсан. Юринг, Мег, Боб, сиз бу кишини ўзига келтиринг. бўлмаса ҳар икковингиздан ҳам хафа бўламан. (*Жесси блан Мег чиқиб кетадилар*).

Морфи — Менинг совғам сени у қадар қувантирмади шекилли.

Смит — Ростини айтсам, унча эмас.

Морфи — Сабаб?

Смит — Бу узун хангама. Дарвоқи', қисқа қилиб айтиб берсам ҳам бўлади. Гап бундай. Боб, мен улар кутган китобдан тамомила бошқа китоб ёздим.

Морфи — Нима?

Смит — Тамомила бошқа китоб (*Морфи олиб келган газетани қўлига олади*) „Руслар уруш истайдиларми?“ деган саволга салбий жавоб бердим. Руслар уруш истамайдилар.

Морфи — (*севиниб кетади*). Жуда боплабсиз. Китоб ҳозир Макферсоннинг қўлидами?

Смит — Ҳа, қўлига бориб етганига тўрт соат бўлди.

Морфи — (*хохолаб кулади*). Тасаввур қиламан Макферсоннинг важоҳатини. (*Газетага қарайди*) Гарри Смит ўзининг холистгуйлиги ва пок виждони блан машхур (*кулади*). Таажжуб, энди улар ишни қандай қилиб ўнглар эканлар?

Смит — Билмадим. Иш бу даражага бориб етади деб, ўйламаган эдим. Айниқса, бу ла'нати реклам хаёлимга ҳам келмаган эди.

Морфи — (*ўйчан*). Дарвоқи', ўйлаб кўр, ишинг ёмон.

Смит — Аҳамиятсиз.

Морфи — Сен... сен, чиндан ҳам Макферсонга сра тўғри келмайдиган китобни ёздингми? Ёки...

Смит — (*унинг сўзини бўлиб*). Рус масаласида „ёки“ деган гап кетмайди. Фақат „ҳа“ ва „йўқ“. Макферсонга „ҳа“ керак эди, мен „йўқ“ дедим, тамом.

Морфи — Тўхта, сен китоб ёзшга киришганингда шундай бўлишини билармидинг?

Смит — (*жаҳл блан*). Ҳа, умуман билардим.

Морфи — Хўш, шундай экан, бу оқибатсиз ишга нега бем боғладинг? Ахир, қандай жур'ат қилдинг?

Смит — Билмайман. Бошқача иложим йўқ эди. Бу ҳақиқат мендан кучлилик қилди. Россияда бирдан ўзим учун, сен учун, барчамиз учун, бутун Американи ҳар кун нонуштага қўшиб мана бу (*газетани фикслайди*) заҳарни чайнашга мажбур қилаётганимизга, қаттиқ уялдим. Бу рус масаласи кўп вақтдан бери фақат рус масаласи бўлиш доирасидан чиқиб кетган. Бу масала бутун дун'ёдаги одамларнинг виждон ва шарафини синаб кўрадиган синоқ тоши бўлиб қолди. Мен ўзимнинг одам эканлигимни эсладим. Ҳа, ҳа. Мен Макферсоннинг хизматкори эмас, балки одамман. Мен бир вақтлар виждонлик ёш йигит бўлганимни, ниҳоят, менга болаликдан бошлаб яхши фазилатларни ўргатган, сергап, аммо виждонли қари онам. Ҳанузгача Рондольф Херстдан кўра Линкольннинг кўпроқ ҳурмат қилучи софдил америкали онам бор эканини хотирладим. Ҳам, мен мана шу ла'нати китобни ёздим! Майли, уни фақат бешта дўстим ўқисин, мен пушаймон қилмайман. Виждон манополиясини фақат коммунистларга бериб қўйиш энди етар. Майли, улар мени хоҳлаганларича, унча сўл эмас деб атайберсинлар. Аммо, улар мени энди виждонсиз деб атайолмайдилар.

Морфи — Ҳа, майли, бўлар иш бўлибди.

Смит — Сен менинг гапимга қўшилмайсанми?

Морфи — Билмайман. Аммо ҳозир кўнглим шу қадар ган, ростини айтсам, ҳозир ўзимдан-ўзим нафратланапманки, агар,

ўнинчида мени осмонга олиб чиқадиган самолёт пора-пора бўлиб, ўлиб кетсам ҳам заррача укинмайман. Аксинча севинаман.

Смит — Бўлмаган гапларни гапирма.

Морфи — (*Жимликдан кейин, гармошка*). Хўш, Жесси нима дейли? Бу гаплардан хабари йўқми?

Смит — Йўқ.

Морфи — У, сен блан, бу уйи блан, шу қадар хушбахт!

Смит — Худо ҳақи гапирма. Мени ақалли эртагача тинч қўй. (*Пауза*) Чекасаними?

Морфи — Раҳмат. (*Чекадилар. узоқ жимлик. Овқатхонадаги идишларнинг товушига қулоқ солиб турадилар. Морфи бирдан ирғиб ўрнидан туради*). Тўхта. Аблах! Биз аблах! Иложи бор, худо ҳақи!

Смит — Тентаклик қилма. Қандай иложи бўлиши мумкин?

Морфи — „Бўлиши мумкин“ эмас, балки аниқ! (*Газетани қўлга олади*). Бу реклама! Бугун китобнинг овозаси бутун Нью-Йоркка тарқалди. Бу можаро-ку ахир!

Смит — Хўш, нима бўпти?

Морфи — Нима бўпти, эмиш. Катта можаро. Ана у эшак Гульд, китобнинг русларга қарши мазмуни ҳақида рекламаларда ишора қилишни. Макферсонга маслаҳат берган. Улар мана шу масалада қўлга тушадилар.

Смит — Қандай.

Морфи — Жуда осон. Катта можаро — китобнинг кўп нусхада тарқалишига сабаб бўлади. Кесслер доллардан бошқа нарсага қизиқмайдиган оддий савдогар. Ортиқча юзминг фойда учун, у Макферсонни ҳам дарров сотиб юборадиган китобни ёлғиз ўзи нашр қилади. У тескари рекламалар чиқаради. Ҳам китобнинг биринчи варағида китобнинг аввал буюрилиб, кейин рад этилганини баён қилади. Нью-Йоркда бу можаро ҳақида бир ҳафта шов-шув давом этади. Гапимга тушунияпсанми?

Смит — Тушуна бошляпман.

Морфи — Худо ҳақи, бу доҳиёна фикр! Сен қонуний шартномани ким блан тузгансан? Фақат Кесслер бланми?

Смит — Фақат.

Морфи — Демак, Макферсон ҳам Гульддек эшак! Қўлидан ҳеч нарса келмайди. Кесслер эса, ҳеч балодан қайтмайди. Агар у Саҳройи Кабирнинг нариги бурчагида долларнинг ҳидини билиб қолса, бутун саҳрони пиёда босиб ўтади. У ҳали сенинг шарафингга зиёфатлар ҳам беради. Гарри, дарҳол виски қуйиб бер, акс ҳолда, бутун гапларимни қайтариб оламан.

Смит — (*Икки стаканга май қуяди*). Ноҳотки, гапларинг тўғри?

Морфи — Агар шундай бўлмаса, мен ичишни ташлаганим бўлсин.

Смит — Қўй, бунақа ваҳимали қасам ичма!

Морфи — Қўрқмайман. Ташвиш тортадиган гап йўқ. Ичайлик. (*Ичадилар*). Яна ичамиз (*Қуяди, Жесси киради*).

Жесси — Бу энди бемазалик, Боб! Нима учун ҳозирдан ичяпсиз?

Морфи — Нима учун? Ишимизнинг унгидан келиши учун!
Шундай эмасми Гарри?

Смит — Шундай.

Морфи — Жесси, тезроқ қўлингизни беринг! (*Жесси блан Смитнинг қўллари ушлайди*) Даврага! даврага Гарри, Жессийнинг у қўлидан ушла!

Жесси — (*кулади*). Сизларга нима бўлди? Мен ҳеч тушунмаман.

Морфи — Зарарсиз, кейин тушунасиз. (*Уларни судраб, рақсга тушиб, айланабошлайди*).

„Мен бўридан қўрқмайман,
Қўрқмайман, қўрқмайман“.

тўғрими, Гарри?

Смит — (*дадил*):

„Мен бўридан қўрқмайман,
Қўрқмайман, қўрқмайман“

(*Улар шу икки мисра'ни турли оханларда, рақсга тушиб, куйлайдилар. Айвон эшиги очилди. Плашч ва шляпа кийган Гульд кўринади. Унинг ранги оқарган. Умумий жимлик.*)

Гульд — (*ҳаяжонда*). Гарри! Мен ҳечнарсга тушунмаман, менга Макферсон қаҳр устида телефон қилиб, ҳозироқ, кечаси бўлишига қарамай, уликми-тирикми иш қилиб сен блан зуд олдига етиб боришимни буурди. (*Умумий жимлик*)

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Биринчи кўринишдаги сахна. Макферсон кабинети. Тун. Ўтган кўринишдаги воқиядан бир ярим-икки соат вақт ўтган.

Гульд — (*Смитга йўл бературиб, эшик олдида*). Ўт: мистер Макферсон қани? (*Ҳамон эшикда туриб, қўшни хонадаги қиз блан гаплашади*).

Овоз — Чиқиб кетди.

Гульд — Қачон келади?

Овоз — Айтмади, фақат, кабинетда сизни кутиб турсян, деди.

Гульд — Яхши. Биз кутамиз. (*Эшикни беркитди, ўтиради*) Кутамиз.

Смит — (*истеҳзоли*). Сиз, „Сан-Франс герольд“ газетасининг жаноби редактори, аввалгидай ҳали ҳам хўжайинидан қўрқар экансиз.

Гульд — Олтмиш фоиз.

Смит — Нима учун худди олтмиш?

Гульд — Чунки у менинг газетамнинг олтиш физ акцияси-ни ҳали ҳам ўз қўлида тутати. (*Жимликдан кейин*) Нима воқиа юз берган экан-а? Нима учун у бу қадар дарғазаб? Эҳтимол бирор ўзгариш юз бериб, энди унга бирдан, сенинг китобингга тамомила зид бўлган китоб керак бўлиб қолгандир.

Смит — Сенинг бу гапларинг ҳақиқатга яқинроқ.

Гульд — Дун'ёда нима ҳодиса рўй берди экан? Сен блан бир машинада келар эканмиз, халқаро сиёсатга доир бўлган барча телеграммаларни бир-бир хаёлимдан кечириб чиқдим. Ҳечқандай, мутлақо ҳечқандай воқиа юз бергани йўқ. Сен нима учун жим бўлиб қолдинг? Сен қандай фикрдасан? Ахир бу гапларнинг сенга ҳам тааллуқи бор-ку?

Смит — Ҳа, дарвоқи', сен ҳақсан. Бу гапнинг менга ҳам тааллуқи бор. Ҳатто сендан кўра менга кўпроқ тааллуқи бор. Ташвиш тортма. Жаҳон сиёсатида ҳечқандай ўзгариш бўлгани йўқ. Бу можаронинг кичик бир важи бор. Мен Россия ҳақида ҳаққоний китоб ёздим ва „Руслар урушни хоҳлайдиларми?“ деган саволга рад жавобини бердим, халос.

Гульд — Сен тамомила бошқа китоб ёздинг?

Смит — Ҳа, тамомила бошқа китоб ёздим.

Гульд — Шундай, жуда яхши...

Смит — Билмадим, бу сенга аёнроқ.

Гульд — (*тўсатдан*). Йўқ, у, ҳали китобни ўқиб улгурган эмас.

Смит — Китобнинг бир бобини ўқилса кифоя.

Гульд — Тўхта. Сен жиннилик қилияпсан. Сен ҳозир мени лақиллатаяпсан.

Смит — Ҳозир йўқ. Аммо кейинги бир ой ичида лақиллатганим рост. Ҳозир йўқ.

Гульд — Гапларинг жиддийми?

Смит — Сўнгги беш минутдан бери, мен мутлақо жиддий гапирияпман. Юр, бир нафас барга кириб чиқайлик. Катта можаролар олтидан бироз ичиб олиш зарар қилмайди.

Гульд — Ичиш? Сен ўзинг нима иш қилиб қўйганингни биласанми? Сен блан мени қандай фалокат кутиб турганини англайсанми?

Смит — Албатта. Шунинг учун ҳам мен сенга бирга ичишликни таклиф қилдим. Менинг ҳисобимга. (*Пул чиқаради*) Ҳали менинг етти доллар пулим бор. Юр.

Гульд — Йўқол кўзимдан!

Смит — Сен ҳақлисан. Мен сени бироз ноқулай аҳволга солиб қўйдим. Аммо сен ҳам вақтдан олдин реклама беришда шотилдинг. Бу реклам сенинг энг афсонавий ва энг муваффақиятсиз ғояларингдан бири эди. Хуллас, етказган озорим учун мени кечиришингни сўрайман. Юр, ҳали ҳам, чўнтагимда пулим борлигидан фойдаланиб ичиб қолайлик.

Гульд — Озор? Менга етказилган озор, сенга етказиладиган озор олтида денгиздан бир томчидир. Ўзингга етказиладиган озор ҳақида бош қотир. Ҳали ҳам вақт бор.

Смит — Вақт ўтди.

Гульд — Сен нима ёзганигни мен билмайман. Лекин, ҳарқандай китобни ҳам худди қўлқопдай тескарисини ағдариб олиш учун ўн кун муддат кифоя эканлигини яхши биламан. Мен шефни кўндираман. У рози бўлади.

Смит — У рози бўлади, аммо мен бўлмайман.

Гульд — Аблахлик қилма. Мен сенга дўст сифатида гапиряпман.

Смит — Сен мени аблах қилиш учун чолга маслаҳат бердинг. Шундай экан, сенга мен аблах бўлишни истамайман. Макферсон блан сиз ўзингизни Россиянинг душманлари қилиб кўрсатяпсиз. Аммо, бу ҳақиқатнинг фақат тўртдан бири.

Гульд — Тўртдан учи-чи?

Смит — Тўртдан учи шундан иборатки, сизлар Американинг ҳам душманларисиз. Сиз ўн миллион америкалини яна ҳарбий кийим кийишга мажбур қилмоқчисиз. Сизларга в'тироз билдирган кишиларнинг оғзига қулф солмоқчисиз: Лекин бу ниятингиз пуч!

Гульд — *(совуқ)*. Биринчидан, сен эртадан бошлаб гадо бўлиб қоласан.

Смит — Эҳтимол.

Гульд — Иккинчидан, эртами, кечми, Жесси сени ташлаб кетади.

Смит — Эҳтимол. Броқ бу тўғрида ҳозир гап сотишнинг ҳожати йўқ.

Гульд — Йўқ, ҳожати бор.

Смит — Йўқ.

Гульд — Мен сенинг ва Жессининг дўсти сифатида гапиряпман.

Смит — Бас қил. Дўстлик ҳақида энди бир оғиз ҳам сўз бўлиши мумкин эмас. Яхшиси ўтир. Мана бундай. Ростини айтсам, Жек Гульд, мен сени кўпдан бери ёмон кўраман. Мактабда, бирга ўқишган вақтимиздан бошлабоқ сени ёмон кўраман. Мен сени шунинг учун ёмон кўраманки, менинг мамлакатимда сенга ўхшаган кишилар мендан кўра бемалолроқ ва қулайроқ яшайдилар. Мен сени шунинг учун ёмон кўраманки, сен виждон ва номусни масхаралайсан, сени яна шунинг учун ёмон кўраманки, мен сендан ўн марта исте'додлироқ ва юз марта қашшоқроқман. Мен сени шунинг учун ёмон кўраманки, сен доим эгаси ўлган уйларни вақтида арзон баҳога сотиб олишга улгурасан ва якка қолган аёлларни осон қўлга тушираоласан. Мен сени шунинг учун ёмон кўраманки, сен аблахликни одамнинг табиий ҳолати деб ҳисоблайсан. Яна шунинг учун ҳам қаттиғроқ ёмон кўраманки, ҳатто мени ҳам шунга ишонишга мажбур қилаёздинг. Бундан кейин ёлгон гапларни ва дўстлик ҳақидаги сафсатани ташлайлик. Жек Гульд, сен блан биз бошқа-бошқа икки одаммыз. Ҳатто бошқа-бошқа икки Америка одамлари. *(Ўрнидан туради)*. Мен ҳозир бориб бир ўзим виски ичаман. Ростини айтсам, сунги пулларимга сени меҳмон қилишни ҳам истамайман. *(Чиқади)*.

Гульд ёлғиз, хайратда қотиб қолганча креслода ўтиради. сўнгра, ўйчан ҳуштак чалиб, хонада бирнеча қадам юради. Шошиб Макферсон киради).

Макферсон — Салом, Смит қани?

Гульд — Сиз блан бўладиган суҳбат олдидан, ичиб олиш учун пастга тушиб кетди.

Макферсон — *(кнопкани босади, эшикда секретарь хотин кўринади)* Смит пастда, барда, чақириб беринг. *(Хотин кетди)*.

Макферсон — Хуш.

Гульд — Нима хуш?

Макферсон — Хабарингиз борми?

Гульд — Ҳа, у менга айтди.

Макферсон — Мени, та'на қилади деб кутиб тургандирсиз?

Гульд — Ҳа.

Макферсон — Янглишасиз. Аблахнинг маслаҳатларига қулоқ солган одамнинг ўзи баттароқ аблах. Шунинг учун ўзидан бошқа ҳечкимга та'на қилолмайди.

Гульд — Раҳмат.

Макферсон — Арзимаёди. Сизнинг таваккалга асосланган маслаҳатингиз асосида менинг томонимдан рекламага сарф қилинган ўттиз мингни сўғимга ўтказасиз. Тамом, шу блан мен бу масалага яна қайтиб ўтирмайман. Мен сизни та'на қилиш учун чақирганим йўқ. Мен барча тадбирларни кўрдим. Энди Смитнинг китобини қайтадан ишлаб чиқишдан бошқа ҳечқандай чораси қолмади. Агар у китобни қайтадан ишлаб чиқишга рози бўлмаса, бу албатта шубҳадан холи, биз конгрессга ўтказиладиган сайловга қадар, бошқа бир китоб чиқаришимиз керак.

Гульд — Сиз истайсизки, мен...

Макферсон — Йўқ. Сиз бундай китобни ёзолмайсиз. Флоридада Европа сафаридан қайтиб келган Денис Митчелл дам олмоқда. У Россияга икки марта борган бўлса ҳам, ҳечнарсга ёзган эмас. У, числосини илгарироқ қўйиб ярим ой мобайнида биз Смитдан кутган китобнинг ўзгинасини ёзиб бериши мумкин.

Гульд — Брок Денис Митчелл Смитнинг бир нусхаси. Мен уни яхши биламан.

Макферсон — У менга шунинг учун ҳам керак.

Гульд — Брок...

Макферсон — У ўжарлик қиладимми? Мана шунинг учун ҳам сиз менга кераксиз. Ўйингизга бориб Флоридага учигишга тайёрланинг. Мен билетни буюриб қўйдим. Смит блан гаплашиб бўлиб, учигиш-учмаслигинингизни телефон орқали хабар қиламан. Россия ҳақидаги бу китоб менга зарур, Жек. Биз шу китоб воситаси блан Дейли-Уоркердан тортиб „Чикаго-Сан“ гача барча сўл душманларимизга зарба берамиз. Ҳаммасига. Ўзингизни-ўзингиз алдаманг. Улар, биз билганимизга қараганда, анча кучлироқ. Уларни савалаш, вақтни ўтказмай, ҳозир савалаш керак... *(Кнопкани босади, секретарь хотин киради)* Смит қани?

Секретарь — Майимни ичиб бўлай, кейин бораман, деди.

Макферсон — Яхши. Мен кутаман. Мен унинг гонораридан бешминг доллар қисқартиришга қарор қилдим, бу кутишимнинг ҳарбир минути унга яна бирмингдан тушади. (*Секретарь чиқиб кетади*) Хўш, Сан-Францискодаги ишларингиз қалай? Сиз у ерга учиб бориб келдингиз шекилли?

Гульд — Ҳа, бир нав'. Ёмон эмас. (*Пауза*) Мен бу ерга келатуриб сизни ниҳоятда жаҳли чиққан ҳолда курсам керак, деб ўйлаган эдим. Сиз бўлсангиз, деярлик парвосиз кўринасиз.

Макферсон — Мен ўзимни босиб олганман. Сан Францискодаги ишларингиз ёмон эмас. Дарвоқи', кеча Гриффит мендан сизнинг газетангизга тегишли акцияларимнинг бир қисмини сотишимни илтимос қилди. Қандай маслаҳат берасиз? Бу янги акционер сизга ма'қулми?

Гульд — Нима десам экан? (*Пауза, Макферсон ма'ноли тикилади*) Гриффит дейсизми? Ҳа, йўқ, мен уни маслаҳат кўрмайман. Акциялар ўзингизда туратурсин.

Макферсон — (*кулиб*). Офарин. Бўш келмайсиз. Жек. Ноуид шайтон. Вақти келиб сиз ҳам мана шу столни эгаллайсиз. (*Ўзининг редакторлик столига ишора қилади*) Албатта, мен ўлганимдан кейин. Албатта, мен сиздан аввал ўлсам. Бунга ишониш қийин. Сиз бундай зимдан қараганда хила ақилли кўринасиз. Мен ўзимнинг кексалигимдаги бутун ақли-қобилиятимни зўр блан ишга солиб, Гриффит бу акцияларни сиз учун сотиб олиётганини, ниҳоят, фаҳмладим, аммо сиз ҳам менинг фаҳмлаганимни фаҳмлаб... офарин. Баравар бўлдик. Кун кеч бўлиб қолди, майли, боринг. Самолёт эрталаб соат олтида жўнайд. Билетни Бридж хонимдан оласиз. Мен сизга телефон қиламан.

Гульд — Кўришгунча хайр. (*Чиқатуриб эшикда Смит блан тўқнашади*).

Макферсон — Ўтиринг.

Смит — Раҳмат.

Макферсон — Мен китобингизнинг тўрт бобини ўқиб чиқдим, тўрт бобини...

Смит — Ўн бобдан.

Макферсон — Ҳа, жуда қизиқиб ўқидим, мен кутилмаган воқиаларни жуда яхши кўраман... адабиётда... аммо сиёсатда эмас.

Смит — Сабаб? Мен сўнгги вақтларда сизни худди сиёсатдаги кутилмаган воқиаларни яхши кўради, деб ўйлардим.

Макферсон — Ҳа, агар бу кутилмаган воқиалар менинг хоҳишим блан бўлса. Аммо уларни менга бошқалар тақдим этганида эмас. Афтидан сиз мана шу кичкина, аммо муҳим тафовутнинг фарқига бориб етмаганга ўхшайсиз. Сизнинг хатонгиз ҳам шунда.

Смит — Ёзган асарим хато эмас. Ҳозир ўйлаб юрган фикрларимнинг ўзгинасидир.

Макферсон — Балки. Аммо менинг мухбирларим нималарни ўйлайди, бу нарсалар мени ҳечвақт қизиқтирмайди. Мени фақат улар ёзган нарсаларгина қизиқтиради. Хуллас, мен сизнинг шах-

сий ишларингизга аралашини ва сиз ўйлаб юрган нарсаларни билишни истамайман. Шу блан бирга, мен сизга ўз фикрларимни талқин этмоқни ҳам истамайман. Мен ёшимни яшадим, энди умрим ўз фикрларимни одамларга бирма-бир талқин этмоқ учун жуда озлик қилади. Мен фикрларимни ҳаркун эрталаб ўз газеталарим орқали бирнеча миллион кишига бирданига талқин қиламан. Сиз шу газеталарни диққат блан ўқий бошланг. Менинг сизга бирдан-бир маслаҳатим шу. Ҳозир эса мен, сизга иш ҳақида, фақат иш ҳақида осойишталик блан бирнеча сўз айтмоқчиман. Сиз менга ма'қул бўлмайдиган ва мен босиб чиқаролмайдиган китоб ёзибсиз. Шундай эмасми?

Смит — Шундай.

Макферсон — Сиз етти ярим минг доллар аванс олгансиз, лекин шартномада китобнинг қандай мазмунда бўлиши айтилмагани ва бу масала юридик жиҳатдан васийлаштирилмагани учун сизни суд орқали жавобгарликка тортиш менга хила мушкул. Тўғри, сиз мени алдадингиз, аммо бу фақат ма'навий масала. Шунинг учун бу ҳақда баҳслашиб ўлтирмайман. Демак мен сизнинг китобингизни нашр қилмасам, сиз олган етти ярим минг авансни ва дастлабки реклам учун ўзим сарф қилган ўттиз минг, сиздан яширмайман, китобингиздан фойда қилмоқчи бўлган юз мингни — ҳаммаси бўлиб бир юз ўттиз етти ярим минг долларни йўқотган бўламан. Аммо бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Сизнинг китобингиз ма'лум даражада сиёсий та'сир кўрсатиши керак эди, сиёсий та'сир эса, натижа э'тбори блан пул демакдир. Акс ҳолда мен газета блан эмас, балки ҳамкорлик блан шугулланган бўлар эдим. Демак, хўш, яна юз минг. Аммо бу блан ҳам иш битмайди. Реклам қилиниб босиб тарқатилмаган китоб можароси ҳам бирқанча доллар блан баравар — чунки обрў тушади. Сўл газеталар блан курашишга тўғри келади ва ҳоказо ва ҳоказолар. Демак, ўрта ҳисоб блан ҳаммаси бўлиб уч юз минг доллар деярверинг. Бирор тасодиф бўлиб китобингиз чиқмай қолган тақдирда, менинг томонимдан кўриладиган зарарларга баҳо беришда ҳақиқатга анча яқинлашган бўламиз. Кўриб турибсизки, мен сиз блан жуда очик гаплашияпман. Шундай эмасми?

Смит — Қулогим сизда.

Макферсон — Сиз мендан етти ярим минг доллар аванс олиб, мен истаган китобни ёзиб бермаганингиз учун, сизни етти ярим минг зарар етказган одам сифатида та'қиб этажамини кўз олдингизга келтирган бўлсангиз керак? Йўқ, янглишасиз, сиз тушунмабсиз. Мен сизни уч юз минг доллар зарар етказган одам сифатида та'қиб этаман. Я'ни масалан, хила қаттиқ ёки аниқроқ қилиб айтганда, мен сизни тўғридан-тўғри ер юзидан супуриб юбораман. Сиз менинг фикримни тушуняпсизми?

Смит — Тушуняпман.

Макферсон — Энди биз мана шу кўнгилсизликдан қутилиш йўлини ўйлаб кўрайлик. Мен ҳам сиз ҳам. Мен китобингизнинг кейинги бобларида нималар ёзганингизни фақат тахмин қиламан. Аммо мен тўрт бобини диққат блан ўқиб чиқдим ва

ўйлайманки бу бобларни тамомила қайтадан ишлаб чиқмоқ учун тўрт кунлик муддат кифоя қилади. Демак, китобнинг барча бобларини ишлабчиқиш учун ўн кун керак.

Смит — Мен китобимни қайтадан ишлолмайман.

Макферсон — Мен бу тўғрида ўйлаб кўрдим. Менимча гапингиз тўғри. Бир китобни янгигина ёзиб туриб яна қайтадан ишлабчиқиш жуда оғир. Мен китобингизни қайта ишлаб берадиган одамни топиб қўйдим. Унга бироз маслаҳат берсангиз, одамлар, шаҳарларнинг номини, кунларни, рақамлар ва ҳоказоларни тўғри ёзишга ёрдам қилсангиз кифоя. Албатта, унга сизнинг ҳисобингиздан ҳақ тўланади. Тахминан бу ишга икки минг долларингиз кетади.

Смит — Сабр қилинг...

Макферсон — Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳали бошқа харажатларингиз ҳам бор. Энди босмаҳона китобни ўн кун кечикиб чиқаради — мана шу ўн кун ичида сарф қилиниши мўлжалланган уч минг долларни ҳам тўлайсиз. Хуллас, икки мингу, яна уч минг ва боз бунинг устига аванс тарқасида олган етти ярим минг, — шундай қилиб шартнома бўйича олишингиз керак бўлган ўттиз мингдан яна ўн етти ярим минг доллар олишингиз мумкин. Бу ҳазилакам пул эмас. Бу унча ёмон эмас. *(Смитга бир варақ қоғоз узатади)* Олинг.

Смит — Бу нима?

Макферсон — Бу сизнинг китобингизга менинг томонимдан истаган тузатишларни киритиш ҳақида рухсатингиз. Мазмуни ёзилган, имзо чексангиз бас.

Смит — Мен унга имзо чекмайман.

Макферсон — Сиз ўйлаб кўринг, яна бир марта ўйлаб кўринг.

Смит — Ўйлаб кўрганман.

Макферсон — Зарарсиз, яна бир марта ўйлаб кўринг.

Смит — *(урнидан туради)*. Йўқ.

Макферсон — Яхши. Мен сизни барча воқиялар ҳақида виждонан хабардор қилдим. Сизнинг аҳволингиз ёмон бўлади, аҳволингиз жуда ёмон бўлади, сизни ҳамма ердан қувлаганларида, ейишга овқат тополмай қолганингизда, яна шу ерга, газетага қайтиб келишингиз мумкин. Келасиз, яна ишга олишга ва'да берман. Сизни, албатта, бирор бўлимнинг мудирини қилиб олмайман, мухбир қилиб ҳам олмайман. Оддий мухбир деб ўйлайсизми? Йўқ. Мен сизни полиция мухбири қилиб олишим мумкин. Ҳаркун полиция участкасида ўн соат ишлайсиз ва ҳафтасига 25 доллар ҳақ оласиз, бир ойда ёнғин ҳақида икки жумла ва ўғирлик ҳақида олти жумла, хабар ёзасиз. Бу ёғи ўзингизга ма'лум. Мен ҳам ўз ҳаётимни бир вақтлар шундай бошлаган эдим. Дуруст, у вақтда ўн олти ёшимда эдим, сиз бўлсангиз ҳозир ўттиз тўққиз ёшга киргансиз. Гап бунда ҳам эмас. Умрни ҳарвақт янгидан бошлаш мумкин: Хайр, Гарри, оқ йўл тилайман. Сиз менинг қўлимда полиция мухбири бўлиб ишляяжаксиз.

Смит — Хайр *(ўгирилиб эшик томонга кетади)*.

Макферсон — (орқасидан, Смит ўғирилиб қарайди, Макферсоннинг кўзлари Смитнинг кўзларига билин учрашади. Макферсон столни муштлайди, қичқиради). Сиз менин қўлимда полиция мухбири бўлиб ишлайсиз (Смит эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетади. Макферсон ўзини босиб, телефон трубкасини кўтаради) Лех-Синг-Тон... 2 — 73 — 6. Аллу, Гульд? Бу мен, тайёрланинг. Сиз ҳарқандай Флоридага борадиган бўлдингиз.

парда

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Иккинчи кўринишдаги сахна — майхона. Эртаси куня соат 12. Смит олдинги планда. Қола костюмда ёлғиз ўзи креслода. Иккинчи кўринишда ўтиргачай ўтиради. Ўша Бармен. Аввалгидай одамлар тез-тез ўтиб туради. Ҳеч нарса ўтгармаган. Смит жим чекиб ўтиради. Соатга қарайди. Вестибюль эшигидан ресторан эшиги томонга қараб Престон ўтади. У Смитни кўриб қолади. Смит томонга юради. Тўхтади ва ресторан эшиги томонга қараб тез боради. У ресторан эшигига яқинлашиб қолганда Смит ўгирилади ва уни кўриб қолади.

Смит — Престон!

Престон — Гарри! Яхши ҳаволар блан табриклайман.

Смит — Мен блан виски ичмайсанми?

Престон — (иккиланиб). Кошки эди, лекин...

Смит — Шошилиясан! Пайқадим. Негадир бугун ҳамма шошиладиган бўлиб қолди.

Престон — (яқин келиб). Хўш, сен нима сабабдан бугун ҳаммани шошилиб қолган деб уйлайсан?

Смит — Билмадим. Менга шунақага ўхшаб кўринади. Балки мен ҳамма нарсани ўзимга олаберадиган бўлиб қолгандирман. (Барменга.) Иккита виски беринг.

Престон — Сен уйлайсанки... балки.

Смит — Биз, балки, иккаламиз ҳам бир нарса тўғрисида уйлаётгандирмиз. Хўш, айтчи, ҳамманинг шошилиб юришига ҳам кўникиш мумкинмикин?

Престон — Сенга нима десам бўлади...

Смит — Нима десам булади? Рост гапни айт-қўй.

Престон — Ростини айтайми? Ҳа, кўникишга тўғри келади. Мен Макферсонни яхши биламан, сенинг ишларинг анча ёмон.

Смит — Ўлмасак кўрамиз. (Бармен май келтиради).

Престон — (стақанини олади). Нима ҳам деялардик. Муваффақият тилайман. (Ичади) Мен кетаман. Бошқасини билмайман. Аммо мен ростдан шошилишим керак. Менга ишонарсиз деб уйлайман?

Смит — Деярлик, яна Россия ҳақида навбатдаги шошилишч телеграммалар бўлса керак. Везувия ёнар тоғида рус радио станцияси, шундайми? А?

Престон — Ҳа, Аммо киноларинг ўринсиз, Гарри. Бундан менга қора чақалик ҳам манфаат йўқ. Худо ҳақи, қандайдир бир

Девис Престон ишсиз бўлиб қолгани туфайли Россия бахтиёр бўлмайди. Кўришгунча хайр, Гарри, мен чиндан ҳам шошилиб турибман.

Смит — Кўришгунча хайр. (*Бирнеча минут ёлғиз ўтиради. Шошилиб Морфи киради*).

Морфи — Ниҳоят сени топдим.

Смит — Кел дўстим Боб.

Морфи — Аблаҳ. Ахир, сен оилали кишисан-ку, нега хотининг-ни ўтакасини ёрмоқчисан?

Смит — Мен бугун кечаси уйга боролмадим.

Морфи — Нима учун?

Смит — Чунки мен (*соатига қарайди*) ҳозир Кесслерни кўришим керак. Макферсон блан қилган суҳбатимдан кейин, уйга боришдан илгари, ноширни кўришим керак. Уйга бориб нима дейишимни олдиндан билишим лозим.

Морфи — Сен ҳечнарсани билишинг керак эмас. Мен хотинингга ҳамма гапни айтиб бердим.

Смит — Сен айтдинг?

Морфи — Ҳа, айтдим. Мен ҳамда Мег. Биз бор гапни унга айтиб қўяқолдик. (*Жимлик*).

Смит — У нима деди?

Морфи — Уми? У „ҳа“ деди... кейин: Боб машинани дарров гараждан олиб чиқинг, у, аблаҳни излаб топамиз“ деди.

Смит — У бу сўзни қандай қилиб айтди?

Морфи — Тахминан мана бундай: „Аблаҳ...“

Смит — Қани у?

Морфи — Ҳозирми? Билмадим. У, Мег ва мен сени излаб, уч томонга йўл олдик. У яна ярим соатдан кейин шу ерга келади. Биз шу ерда учрашишга қарор бердик.

Смит — Қани энди у агар ёнимда бўлса, мени ҳечнарсга қўрқитолмаслигини билса... Боб, у шуни билармикан?

Морфи — Билмадям. Барча бахтсиз одамлар каби, мен ҳам ҳаммавақт яхши ниятларга ишонишга ҳаракат қиламан.

Смит — Кесслер ҳозир келади. Мен у блан гаплашишдан шу қадар кўрқаманки, кечаси блан ухлаганим йўқ. У нима учундир кечикиб қоляпти.

Морфи — (*ўрнидан туради*). Қўявер, ҳамма иш жойида бўлади. Унинг худоси пул, сенинг китобинг эса, турган-биягани пул.

Смит — Сен кетма, мен у блан сенинг олдингда гаплашишни истаيمان. Агар ишнинг пачаваси чиқадиган бўлса, хафаликдан бирга ичамиз. Пулинг борми? Менинг чўнтагим қуруқ.

Морфи — Бор. Мен бундан беш минут илгари, учушим учун оладиган пулнинг иккинчи чорагини олдим.

Смит — Қачон учасан?

Морфи — Эндиги душанбага. Аммо машқ қилиш учун бугуноқ Миссурига учаман. (*Пауза*) Ана, Кесслер ҳам келди. (*Эшикда Кесслер кўринади*).

Смит — Салом, мистер Кесслер, мен сизни кутияпман.

Кесслар — Салом. Кечикканим учун афв этасиз. Сизнинг олдингизга келатуриб, йўлда муҳим иш блан яна бир ерга кириб чиқишга тўғри келди.

Смит — Танишинлар. Боб Морфи.

Кесслер — Танишимиз. (*Морфига*) Бундан ўн йил бурун мен сизнинг китобингизни нашр қилган эдим. У сизнинг сўнги китобингиз эди шекилли?

Морфи — Шундай шекилли.

Смит — Мен, уйлайманки мистер Морфи жаноблари бизнинг суҳбатимизга халал бермаса керак.

Кесслер — Албатта, қулогим сизда.

Смит — Менинг сиз блан китоб тўғрисида шартномам бор.

Кесслер — Ҳа. (*Шартномани олади, кўз ойнагини тақадд.*) Сизнинг мен блан Макферсон воситаси ила тузган шартномангиз бор. У, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни, реклама харажатларини тўлашга кафил бўлган ва даромаднинг эллик фоизини олиш лозим.

Смит — Аммо нашр қилиш ҳуқуқи қонун бўйича фақат сиздами?

Кесслер — Ҳа, фақат менда.

Смит — Модомики шундай экан, мен сизга айтмоқчиман...

Кесслер — Айтиб ўтиришингизнинг ҳожати йўқ. Мен бутун воқиядан хабардорман.

Смит — Бутун воқиядан дейсизми?

Кесслер — Ҳа. Бутун воқиядан. Макферсон сиздан кутган китобга бутунлай қарама-қарши бўлган китоб ёзибсиз. Сиз менга шу нарсани айтмоқчи эдингиз? Шундай эмасми?

Смит — Шундай. Аммо, мен сизга шу китобни берсам, сиз унинг мазмунига эътибор қилмай, босиб чиқараверишингиз мумкин. Шартномада мазмун ҳақида ҳечнарсга дейилмаган-ку?

Кесслар — Тўғри. Босиб чиқаришим мумкин.

Смит — Макферсон эса сизга халал беришдан ожиз, шундайми?

Кесслар — Юридик томондан шундай.

Морфи — Макферсон чиқарган рекламлардан кейин, бу китобнинг босиб чиқарилиши катта можарога сабаб бўлади. Сиз ортиқча юзминг доллар ишлаб оласиз. Қани, шундай эмас деб кўрингчи.

Кесслер — Юз минг? Ҳа, кам деганда.

Морфи — (*қизғин*). Ана, кўрдингизми, сиз ҳа, денг (*Смитга ишора қилиб*) у ҳам: ҳа деса: шунда Макферсоннинг ҳолига вой. Ҳа-хўш.

Кесслер — Афсуски йўқ.

Морфи — Жин урсин, нега?

Смит — Тўхта. Боб ҳовлиқма.

Кесслер — Бахтга қарши мен сизнинг таклифингизни рад қилишим керак.

Смит — Қулоқ солинг мистер Кесслер, ноҳотки сиз учун, Россия ҳақида яна бир туҳмат тарқалиши шунчалик муҳим? Ахир, сиз ўзингиз, бундан тўрт йил илгари, менинг Россия ҳақида ёз-

ган китобимни босиб чиқарган эдингиз-ку? Сизни ишонтираманки, бу китоб, ўша китобдан заррача ҳам ёмон эмас.

Кесслер — Жон деб ишонаман. Аммо, Бахтга қарши, мен сизнинг таклифингизни рад қилишим керак.

Морфи — Бу энди чинакам Ҳайвонлик.

Кесслер — Мен бўладиган суҳбатни ҳам, бу суҳбатдан ҳеч қандай манфаат кўрмаслигимни ҳам билардим. Мистер Смитни ва у кишининг истеъодларини ҳурмат қилганим учун келдим.

Морфи — Авф этинг.

Кесслер — Марҳамат... Мен ўз умримда, мистер Смит, сизнинг битта у эмас, балки учта китобингизни нашр қилганман. Агар қўлимдан келса, тўртинчи китобингизни ҳам бажону-дил нашр қилган бўлар эдим.

Морфи — Бупти-да. Китобнинг мазмуни блан сизнинг неча пуллик ишингиз бор?

Кесслер — (сўзини давом этдириб). Ва мен сизнинг китобингизни Макферсон реклам қилган шаклда эмас, балки асл ҳолида нашр қилишни афзалроқ кўрган бўлардим. Менинг ота-оналарим Могилендан, мистер Смит. Балки сиз буни билмассиз. Менинг Россияга нисбатан бирқадар шахсий суҳбатим бор. Чунки ота-она Россияда туғилишган. Ўзим кексайиб қолган бўлсам ҳам, бу нарса мен учун баъзибир аҳамиятга эга. Мен уруш вақтида Россияга ёрдам учун икки минг доллар берганман. Ҳа, ва такрор қиламан, агар жуда катта зўр кураш хавфи бўлмаганда, китобингизни бажону-дил нашр қилган бўлар эдим.

Морфи — Ахир, ҳозир ўзингиз, юз мингдан ортиқ фойда кўришингизга, иқрор бўлдингиз ку.

Кесслер — Мутлақо тўғри. Аммо фойдадан кўра зарари кўпроқ бўлади. Мен кексайиб қолган одамман. Менинг нафас қисадиган касалим бор, ҳар соатда ўлиб қолишим мумкин, мабодо у дунёга сафар қилиб қолгундек бўлсам, менинг тўғримда ёмон фикрлар бўлишини истамайман. Мистер Смит, сиз менинг тўғримда ёмон хаёлларга бормаслигингиз учун, мен ҳозир сизга бутун воқияни тушунтириб бераман. Фақат, дўстингиз сўзларимни бўлиб турмаса, бас.

Морфи — Яхши, жим тураман.

Кесслер — Кеча кечқурун соат ўнда Макферсон менга телефон қилди ва: „Кесслер, мен ҳозир сизнинг олдингизга бораман“ деди.

Морфи — Соат ўнда, у Гульдни сенинг олдинга юбориб, ўзи...

Кесслер — (Морфига қўвоғини солиб қараб). У менинг олдинга келди ва ҳечнарсадан-ҳечнарсга йўқ, сизнинг китобингизни нашр қилиш ҳуқуқини дарҳол, катта фойда эвазига унга сотишимни таклиф қилди. Аммо мен эски нашриётчиман, дарҳол бошимга: нима учун? деган савол келди. Агар у бу китобдан зарар кўрадиган бўлса, бутун ҳуқуқни сотиб олмас эди. Демак, у бу китобдан фойда қилмоқчи. Шунинг учун мен унга бутунлай рад жавобини бердим.

Морфи — Баракалла!

«Кесслер — (Морфига яна жаҳл блан қараб). Бугун эрталаб сиз менга телефон қилиб, мен блан учрашишга ва далашганингиздан кейин, Макферсон яна телефон қилди ва: „Кесслер, мен сизнинг олдингизга бир марта бордим, энди ўзингиз келинг“ — деди. Мен унинг олдига бордим. У, менинг нашриётим томонидан чиқарилган рекламалар ва планларга кўмилиб, ўз столида ўтирар эди. „Гап бундай, — деди у менга, — ё бугун ё эрта Смит олдингизга боради“. Ва шундан кейин у, ўртангизда юз берган воқиани икки огиз сўз блан менга тушунтириб берди. Сиз Смитнинг китобига бўлган ҳуқуқни тагин сотиб олмоқчимисиз? — деб сўрадим. „Йўқ, — деди у, — энди сотиб олмайман, олишни истамайман. Кеча қизишиб кетган эдим. Мен сизнинг ҳечқандай ҳуқуқингизни сотиб олмайман ва сизни чинакам огоҳлантириб қўяманки, худо кўрсатмасин, сиз у китобни нашр қилакўрманг“. Нима учун? — деб сўрадим. „Чунки, — деди у, — мен, у китоб дун'ё юзини кўрмайди, деб қасам'ёд қилдим“. Мабодо мен нашр қилсам? — деб сўрадим. „У ҳолда ишингиз пачава бўлади“ — деди. Кейин столи устида ётган менинг барча каталог ва режаларимни қўлига олиб туриб, шундай деди: „Сиз Смитнинг китобини нашр этиб ортиқча юз минг ишлаб олишингиз мумкин. Шундайми?“ Мен: шундай, дедим. „Аммо каталогингизга қараганда, сиз бу йил яна ўттиз еттита китоб нашр қилмоқчисиз. Шундайми?“ Мен: Шундай, дедим. „Шундай бўлса, бир нарсани унутманг, — деди у, — сиз нашр қиладиган ўттиз етти китобнинг ҳарбири ҳақида менинг ўттиз саккизта газетам энг ярамас тақриз босиб чиқаради. Мен сизни синдираман. Ҳатто бунинг учун ўзим си-нишга тўғри келсам ҳам“. (Пауза) Ла'нати дард. Кейин хайрлашар эканмиз, у менга қараб ўн икки хил жилмайишнинг энг мулойми блан жилмайди ва менга омонлик, тетиклик тилаб қолди. (Пауза) Сизга айтмоқчи бўлган гапларимнинг ҳаммаси шу. (Аланга-лайди) Оғир хизмат бўлмаса, менинг қалпоғимни олиб берсангиз, мен эгилолмайман. (Смит Кесслернинг креслодан ерга тушиб кетган қалпоғини олиб беради) Раҳмат. Сизга ачинаман. (Ўрнидан туради) Мен, Макферсон блан ярашишингизни маслаҳат кўрардим. Аммо мен уни қирқ икки йилдан бери биламан ва бугунги авзонга қараганда, энди у ярашмас деб ўйлайман. Хайр.

Смит — Хайр. (Чолни кузатиб боради, эшикни очиб беради, қайтиб келади, ўтиради. Узоқ жимлик).

Морфи — (ёнидан бир пачка пул чиқариб). Гарри, ол. Олиб қўй.

Смит — Керак эмас.

Морфи — Тўнғизлик қилма. Уч юз. Бу блан икки ҳафта яшашинг мумкин. Ҳеч бўлмаганда, шу пулни Жесси учун ол. У тўсагдан ёмон аҳволга тушиб қолмасин. (Пулни Смитнинг чўнтагига солиб қўяди) У аста-секин кўникиши керак...

Смит — Нимага кўникиши керак? Қашшоқликками? У аслида, бойликка ўрганмаслиги керак эди. Ол. Боб, мен унинг олдида шундай бир тўнғизманки... (Кўлини чўнтагига солади, э'тироз) Уч юзми?

Морфи — уч юз. (*Пауза, у чўнтагини кавлаб гул олади*) Ол, мана, яна йигирма доллар. Бунни у пул блан аралаштириб кборма. Мен учиб кетганимдан кейин, сен шу пулга бирор гулдаста сотиб ол, менинг номимдан Мег хонимга совга қил. Фақат эсингдан чиқмасин. Бу пулни манави чўнтагингга солиб қўяман. (*Смитнинг соат чўнтагига солиб қўяди*).

Смит — Нега мен? Шу бугуноқ ўзинг сотиб олиб бер.

Морфи — ўзимми? У кўзини олмайтуриб қарайди-да, бу пулни сўл касьба союз фойдасига берсангиз бўлмасмиди, дейди. Сен унга гулдаста олиб берасан, хўпми?

Смит — Хўп. (*Эшикда Жесси кўринади. У майхонани кўздан кечиради. Смит блан Морфини кўриб, улар томонга югуриб келиди*).

Жесси — Бошингни кўтар. (*Жим*) Бошингни кўтар дейман. (*Смит бошини кўтаради. Жесси унинг кўзларидан ўпади*) Нега кўзларинг гуссали? Ишинг ҳали ҳам тузалмадими? Нима бўлди?

Смит — Кесслер блан иш чиқмади, Жесси...

Жесси — (*қат'ий*). Керак эмас. Мен сени севаман ва... ишни тузатиб юбориш учун ўзимда куч топишга уриниб кўраман. Боб, ичкилик буюринг. Фақат менга содалик бўлсин.

Морфи — (*Барменга*). учта виски, битта содали.

Мег — (*кирди*). Тўртта, иккита содали (*Келиб ўтиради*), хўш, иш қалай?

Морфи — Мисс Стенли, менинг Кесслерни ишга солиш ҳақидаги фикрим муваффақиятсизликка учради, энди бутун умид сизнинг тadbирингизда.

Мег — (*мардона*). Майли. (*Морфи стаканларни олиб келади. Мег стаканни қат'ият блан олади*) Узоқ сафар учун (*Ичадилар*). Бу сизнинг сўзингиз шекилли.

Морфи — Ҳа, меники шекилли.

Мег — Сизнинг китобингиз учун, Гарри. Энди ҳамма гап малум бўлгандан кейин, ниҳоят, ўз фикримни очиқ айтишим мумкин. Китобни бошлаб ёзгансиз.

Смит — Бу тўғрида гапирманг, Мег.

Жесси — Нима учун? Биз энди уни ўқирмиз, деб умид қиламан? Энди бу сир эмас-ку? Аммо бунга қарамай, китобнинг бошлаб ёзилганини эшитиб, хурсандман.

Смит — Жесси!

Жесси — Эртанг тямом бўлди, Гарри! Энди ҳаёт бошланади. Ва гоҳ менинг ёмон туйғуларим тур'ёнга келади. Лекин зарарсиз, мен, ниҳоят, ўзимни-ўзим босиб оларман, деб ўйлайман.

Мег — Шошманглари! Мен бир нарсани ўйладим, бир ҳафтадан кейин Европадан бизнинг Вильямс қайтиб келади. Сиз ушунинг газетасида иш бошлаган эдингиз-ку. Сиз китобингиздан ўнта катта фельетон қилиб берсангиз, у босиб чиқаради. Шуниси борки, сўл газетанинг пули арзимас, лекин йўғидан бори яхши. Ҳа?

Морфи — Албатта.

Мег — Нима? Сиз ҳам эски қалам ўғриси, ўша ерга бормоқ-чимисиз. Мен сиздан эмас, Гарридан сўраётиман. Гарри, Гарри.

Смит — Агар у таваккал қилса...

Мег — Вильямсми?

Смит — Ҳа. Мен энди ҳамма нарсага ёки деярлик ҳамма нарсага шубҳаланиб қарай бошладим.

Мег — Йўқ, Вильямс таваккал қилади. Мен ишонаман.

Смит — Жесси, у — таваккал қилади, албатта.

Жесси — Жуда яхши.

Смит — Нима яхши? Сен сўзларимни эшитияпсанми?

Жесси — Ҳа.

Смит — Нима ҳа?

Жесси — Ҳа, эшитмайётибман.

Смит — Сенга нима бўлди, Жесси? (Унинг елкасини силкитади) Жесси!

Жесси — Зарари йўқ, азизим. Мен кеча, кечқурун соат ўнда нақадар бахтли бўлганимни тўсатдан эслаб кетдим.

Парда

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Тўртинчи кўринишдаги саҳна — Смитнинг уйи. Опадан ўн кун ўтган. Смитнинг кабинетига ғалати манзара: ёзув столи булақларга бўлиниб, бурчакка тахлаб қўйилган; диван ҳам бўлақларга бўлиниган, унинг арқон блан бойланган бўлақлари деворга суяб қўйилган. Деволарнинг кўриниши аввалгидай: икки ёки уч расм, Мексика пояндози илгари диван турган жойнинг тепасида осилиб туради. Стол лампаси ерда ётипти. Радио ҳам ерда, унинг курсиси ҳам бир чекага тахлаб қўйилган, фақат иккита кресло блан кичкина столча, шунингдек 2-3 та стуллар ўз жойида турипти. Оақат ейиладиган хонанинг эшиги очиқ: у ерда ҳеч нарса қолмаган. Жиҳозлар фирмасининг иккита хизматчиси гоҳ уёқдан-бу ёққа ўтиб туради. Улар иккинчи қаватдан жиҳозларни олиб тушиш блан машғул. Смит креслоларнинг бирида аввали қора костюмда ўтиради. Столча устида иккита стакан ва янгигина очилган шиша бор. Жимлик. Қўлига саватча ушлаб Жесси ойнабанд айвондан уйга кириб келади.

Смит — Қаёққа кетиб қолдинг?

Жесси — Мана, йигирма дона қўзиқорин териб келдим. Қарая, қандай яхши.

Смит — Нима қиласан?

Жесси — Бялмайман (Саватдаги қўзиқоринларни деразадан кўчага бепарво ағдаради).

Смит — Радио эшитдириш программасига кўзвинг тушмадимми, Жесси? Бугун „Меркурий“ компанияси самолёт бортидаги Боб блан бўладиган гапни эшитгдиради (Жесси жим бориб журнални олиб беради. Смит журнални варақлайди) Дебью Эйч-ай-Эф станцияси (Радиони қўйиб, тулқинни тўғрилайди, жимлик) Йўқ, ҳозирча, жим (Узқ пауза) Ҳозир Вильямс келиши керак. Улар ўўлга чиққани тўғрисида Мег менга телефон қилди.

Жесся — (бепарво). Жуда яхши.

Смит — Сенча, бирор иш чиқармикан?

Жесся — Билмайман азизим, мен энди ҳечнарсани билмайман (Жесся жиҳоз йиғиштиручи блан чиқиб кетади, радио эшитдириш)

Ж. Йиғучи — (жиҳоз йиғучи овқат ейиладиган хонанинг эшигида пайдо бўлади). Афв қилишингизни сўрайман, биз ётоқхоналарингиздаги шкафни олишимиз керак, унга ба'зи нарсалар осиб қўйилган экан.

Жесся — Ҳозир (ўтиради, Смитнинг сочларини яна бир марта ўпиб чиқиб кетади).

Радио — Диққат, диққат „Меркурий“ компанияси гапиради. Бундан бир соат илгари, пассажир тушган спорт аэропланларида баландликка рекорд қўйиш учун, учиш бошланди. Бу самолёт Ҳечисан заводларида ясалган. Мелстром мотори. Самолёт бортида мухбиримиз мистер Боб Морфи бор. Биз у блан ҳар ўн бешминутда гаплашиб тураемиз. Салом, мистер Морфи!

Морфи — (овози узоқдан келади). Салом!

— Сиз ҳозир қанча баландликдасиз?

Морфи — Бу худо урган цифрблатдан ҳечнарсани ажратолмаяпман. Етти минг олти юз шекилли. Йўқ, саккиз минг олтиюз экан.

— Сиз ҳозир кислородли асбоб ишлатаётибсизми?

Морфи — Ҳа. Ўлгудай ичким келияпти, лекин кислородли асбобда бу ниятга етиш жуда қийин. (Кулги.)

— Сиз пастингизда нима кўрияпсиз?

Морфи — Бахтимга, фақат булутларни.

— Нега бахтимга, дейсиз?

Морфи — Чунки кеча 46 ёшга тўлдим. 46 йилдан бери ҳаркун ерни кўравериш жуда жонимга теккан эди. (Кулги.)

— Хайр, мистер Морфи. Биз сиз блан яна 15 минутдан кейин гаплашамиз.

Морфи — Хайр. Ўлгудай совуқ. (Радио тинади. Смит қалтираб стаканга май қуюди. Эшикда Мег. унинг орқасидан Вильямс кўринади).

Мег — Салом, Гарри. Мана, мен сизнинг ҳузурингизга Вильямсни олиб келдим.

Смит — (ўрнидан туради). Салом, Мег. Салом Фрид. Ўтиринглар. (Олиб кетилган диванга беихтиёр ишора қилади, уялади, ўзи ўтирган креслони суриб қўяди) Сиз мана бу ерга, сиз эса, Мег, бу ерга ўтиринг. (Иккинчи креслони ҳам суриб қўяди) Мен, Фред сизни бундан уч кун бурун келармикансиз деб ўйлаган эдим. У вақт жиҳозларимиз ўз жойида эди. Жиҳозларни шу бугун олиб чиқиб кетабошладилар. Афв этасиз.

Вильямс — Амонатмиди?

Смит — Амонат. Улар менга: пулини яна бир ҳафтадан кейин берсангиз ҳам бўлади, дедилар. Аммо, мен уларга, яна бир йилдан кейин ҳам қўлимга пул тушмаслигини айтдим.

Вильямс — Уй нима бўлади?

Смит — Уй эрта кетади. Шунинг учун ҳам улар жиҳозларни

пошилинич олиб чиқиб кетяптилар. Эрта бу уйга бошқа хўжайин киради. (Пауза) Бундан бир минутгина илгари келмаганингизга афсусланаман. Мег, Боб ҳозиргина самолёт бортидан радио орқали гапирди.

Мег — Хабарам бор. Мен машинада келатуриб эшитмоқчи эдим, аммо станцияси эсимдан чиқиб қолипти.

Смит — Даблю-Эйч-ай-Эф.

Мег — Хўш, нима деб гапирди?

Смит — Ўша-ўша ҳамма вақтлаги гапи, ўлгулай совуқ, ўлгудай ичгим келиётти, дейди. (Пауза) Хўш; Фред, аввал озгина ичишиб, ўтган замонларни эслашимизми ёки дарҳол иш ҳақида гаплашаверамизми?

Вильямс — Бахтга қарши, иш ҳақида гаплашаверишга тўғри келади. Мен икки конференция орасидаги танаффусдан фойдаланиб, ўн минутга зўрға келдим.

Смит — Нима ҳам дейман. (Тез урнидан турган Мегга.) Сиз қаёққа, Мег?

Мег — Мен Жессининг олдида кираман, уни кўрай. Вильямс ҳозир кетади. У мени машинасида Нью-Йоркка олиб бориб қўйиши керак.

Смит — Ҳа, тўғри. Энди сизни олиб бориб қўйиш учун менин машинам йўқ. (Мег чиқиб кетади).

Вильямс — Вискидан ичайлик бўлмаса.

Смит — Ҳа, ичсак бўларди. (Қуяди. Иккови ҳам стаканларни олмай, ичмай ўтирадилар.) Сиз, Фред, кейинги олти йил ичида жуда кексайиб қолибсиз.

Вильямс — Ҳа сиз ҳам унчалик яшармабсиз.

Смит — Бу тўғри. Биз сиз блан йигирма саккизинчи йилда танишган эдик.

Вильямс — Шундай, у вақтда редакция Парк—Овеньюда эди.

Смит — Шундай.. энди иш масаласига келсак, сиз менинг китобим устидаги можародан хабардор бўлсангиз керак?

Вильямс — Хабардорман.

Смит — Икки йил мобайнида китобимнинг бутун ҳуқуқи Кесслернинг, тўғрироғи, Макферсоннинг қўлида, икки йилдан кейин эса, албатта эскириб қолади. Бу ахир ахборот. Сиз буни тушунсангиз керак?

Вильямс — Тушунаман. Сиз менга нимани таклиф қилмоқчисиз?

Смит — Мен китобимдан ўн парча оламан ва уларни газета фельетонлари шаклида ёзиб чиқаман. Бу фельетонлар китобнинг, боблари бўлса ҳам, шакли ва ёзилиши бошқачароқ бўлгани учун, Макферсон қонуний томондан мени судга тортолмайди.

Вильямс — Шундай...

Смит — Шу халос. Сиз фельетонларни газетангизга босиб чиқарсангиз. Улар газетхонларингизга манзур бўлади, мен бунга қафилман.

Вильямс — Мен ҳам, лекин...

Смит — Нима, лекин?

Вильямс — Майли очик гаплашиб қуяқолайлик. Айтингчи, сиз сўнгги ойларда менинг газетамни ўқиб турдингизми?

Смит — Жуда кам ўқидим. Сўнгги ойларда эса мен, умуман ҳеч нарса ўқиганим йўқ.

Вильямс — Бундан икки ой муқаддам менга қарши кўтарилган ғоломусликдан хабарингиз борми?

Смит — Бироз эшитган эдим. Москвадан келган пуллар на шунга ўхшаш тугуриқсиз гаплар, тўғрисида эди чоғи.

Вильямс — Мана шу тугуриқсиз нарсалар, газета тиражини 20 мингга камайтиришга мажбур қилди. Бу можаро худди команда берилгандек бир куннинг ўзида ҳархил 10 газетада баравар кўтарилди. Шу ишга Херстининг ҳам, Маккормикнинг ҳам, Макферсонингизнинг ҳам қўли бор эди. Уч куннинг ичида мен уларнинг кўзида коммунист, ёмон америкали, рус пуллари блан газета чиқаручи, Москванинг сотқин агенти бўлиб қолдим. Бу можарога сабаб, Европадан қайтиб келганимдан кейин, Югославия блан Болгариядаги демократия ҳақида холисанлилло ва софдиллик блан ёзган мақолаларим бўлди. Мен жар ёқасига бориб қолдим. Мен ўз муҳаббатимга хиёнат қилганим йўқ, аммо сўз Россия ёки Болқон устида борадиган бўлса, кам гапиришга мажбур бўлиб қолдим. Ҳатто шу камгаплигим ҳам Макферсондан тортиб ҳаммасининг ғазабини кўзғатади.

Смит — Ростини айтканда, сиз аста-секин тисарила бошлаб-сизда, — Бошқа яхшироқ йўл топилмадими?

Вильямс — Бу йўл албатта яхши эмас, аммо ҳозирча ягона йўл. Гарри бу — кураш. Қаттиқ кураш. Бундай сизда гоҳо чекинишга, бардош қилишга, кутиб туришга тўғри келади.

Смит — Сиз, фред, балки — балки ёшлигимизни хотирга олиб, бир таваккал қилиб қўярсиз? *(Жиҳозларни йиғучи Смитнинг орқасига келиб тўхтади. У, Смит ўтирган стулни олишга уринади. Смит ўгирилади, дарҳол ўрнидан туриб, стулни беради. Вильямс бу саҳнани жим кузатади).*

Вильямс — *(пизадан кейин).* Йўқ, таваккал қилолмайман. Бошқа вақтда — ҳўп дер эдим, ҳозир — йўқ.

Смит — *(турганича).* Ихтиёр ўзингизда. Демак, бошқа гаплашадиган гапимиз йўқ. Кексалигимиз учун бир ичайлик. Кексалик шундай бирнарсакки, кўзга кўринмасдан пайдо бўлиб қолади *(Ичадилар)*

Вильямс — *(ўрнидан туриб).* Биз яна эски нуфусимизни қайтариб оламиз.

Смит — Ўйламайман, фред.

Вильямс — Ҳа, майли. Ундай бўлса мен сизга бор гапни айтиб қуяқолай. Бундан уч кун бурун Гульд мени клубда учратиб, бир чекага олибчиқди ва Макферсон номидан, ўзининг одатий дағаллиги блан, шундай деди: „Биз, Смит сизнинг газетангизда мақолалар бостираар эмиш, деб эшитиб қолдик. Ихтиёр ўзингизда. Лекин шуни билиб қўйингки, агар унинг мақолаларини босиб чиқарадиган бўлсангиз, сизнинг Москва блан бўлган алоқангиз ҳақидаги шов-шувлар можаронинг бошланиши бўлади, халос.

Биз сизнинг устингиздан суд бошлаймиз. Ўнлаб гувоҳлар топамиз, улар ҳақиқий Америка долларлари бадалига, сизнинг руслардан пул олганингизни ўз кўзлари билан кўрганликларини айтиб берадилар.

Смит — Шу гапларни эшитиб, унинг оғзига урмабсиз-да.

Вильямс — Йўқ, афсуски, мен ҳозир бу гапларни фақат э'тиборга олиб қўйишгагина мажбурман.

Смит — Қўйинг, афсўсланманг. Пайтини топишим баноқ, унинг оғзига ўзим тушираман. Ўшанда, бунга у э'тиборга олиб қўйишга мажбур бўлади.

Вильямс — Ажаб қиласиз, сиз бу билан ҳечварса йўқотмай-сиз.

Смит — Сиз-чи?

Вильямс — Мен газетани йўқотишим мумкин.

Смит — Сиз газетани йўқотиб бўлгансиз.

Вильямс — Нотўғри. Мен газетани сақлаб қолдим. У аблаҳлар мени шу кунгача Россия ҳақида бирорта тухматли сўз ёки бўлажак уруш тўғрисида бирорта ёлғон гап босиб чиқаришга мажбур қилолганлари йўқ ва бундан кейин ҳам мажбур қилолмайдилар. Уларнинг уринишлари беҳуда. Менинг ҳозирча қўлимдан келадигани шу. Оғир замон келди, Гарри. Сабр қилинг. (Ж. йиғучи киради).

Смит — Бошқа чора қолмагандан кейин, нима ҳам қиламиз... Мендан хафа бўлманг, Фрэд, мен гапларингизни тушуванман, аммо бу билан дардим енгиллашмайди. (Мег, унинг орқасидан Жесси пайдо бўлади).

Мег — Қалай, гап пишдимиз?

Смит — Ҳа...

Мег — Қани? Айтиб беринг-чи?

Смит — Фрэд сизга йўлда айтиб беради, у шошиляпти, матбуот конференциясига етиб бориши керак. (Эслаб) узур, Жесси бу киши — фрэд Вильямс, бу киши — менинг хотиним.

Жесси — (та'зим қилиб). Кечиринг. (Истеҳзоли) Ҳали уйни тамом йиғиштириб бўлганимизча йўқ.

Вильямс — Хайр.

Смит — Хайр, фрэд. (Вильямс ва Жесси бир-бирларига тавози қиладилар) Мег, машинада кетатуриб, радио орқали Бобнинг гапларини эшитишни унутманг.

Мег — Эсимда. Вильямс билан гаплашиб келишиб олганингизга жуда хурсандман.

Смит — Мен ҳам. Тўхтанг, Мег, сизга Бобнинг амонатини беришим керак эди. Унутибман, нима эди-я...

Мег — Нима эди?

Смит — Йўқ, унутибман. Майли. Кейин. Эртага. Эслаб қоларман.

Мег — (Жессини ўпиб, аста). Мен сизга: ҳамма иш жойида бўлади демадимми. Эртагача хайо, Гарри (Чиқади, унинг кетидан Гарри кетади, Жесси Смитга тикилиб қарайди).

Жесси — Яна иш чиқмаганга ўхшайди, шундайми?

Смит — Ҳа...

Жесси — Мен ҳам нима учундир шундай деб ўйлаган эдим
(*Яна радио гапирди, иккови чўчиб тушади*).

Радио — Диққат, диққат. Биз мухбиримиз мистер Морфи
блан яна гаплашамиз. — Боб, сиз ҳозир қанча баландликдасиз,
мистер Морфи?

Морфи — Ўн икки минг учюз. Жула қалтиратаётибди.

— „Мэлстром“ фирмасининг мотори қандай ишлаётғибди?

Морфи — Модомики, биз ҳали йиқилиб тушганимизча йўқ,
демак яхши.

— Сизнинг кайфингиз жойида шекилли?

Морфи — Ҳа, мен ҳали ҳам ерни кўрмаяпман, агар сизнинг
овозингиз ҳам менга ҳалол бермаса, ўзимни наҳоят, худонинг дар-
гоҳида деб билар эдим. (*Кулги, чапак*).

— Биз 15 минутдан кейин сизга яна ҳалал берамиз.

Морфи — Майли (*Кулги*).

Смит — (*жимликдан кейин*). Наҳотки, бечора Менга бахт кулиб
қарайди?

Жесси — Боб қалай?

Смит — Менимча эски қалам ўғриси ҳам бирдан анча эриб
қолганга ўхшайди.

Жесси — Иш қилиб, худо бахтларини ёр қилсин. (*Узоқ жим-
лик. Жиҳоз йиғучилар жиҳозларни олиб чиқаверади. Машина гудо-
ғи. Эшикда такси шофери кўринади*).

Шофер — (*Смитга*). Салом. Нью-Йоркдан таксини сиз чақир-
дингизми?

Смит — Такси? Мен ҳечқандай такси чақирганим йўқ.

Жесси — Мен чақирдим. (*Шоферга*) Кутиб туринг, мен ҳозир
чиқаман, ичкарида чемодан бор, машинага олиб чиқамиз. (*Шофер
чиқиб кетади, жимлик*).

Смит — Сен кетасанми?

Жесси — Ҳа.

Смит — Бутунлайми?

Жесси — Ҳа.

Смит — (*Жессига сизга тутиб*). Чекамизми?

Жесси — (*сизгари олиб*). Раҳмат.

Смит — Бир пас ўтирайлик.

Жесси — Яхши. (*креслоларга юзма-юз ўтирадилар*).

Смит — Яхшики, шу бугун.

Жесси — Нима шу бугун?

Смит — Ҳаммаси бирдан, бир кунда. (*Паузадан кейин*) — Мен
шуни кутган эдим. Шундай бўлишини билар эдим.

Жесси — Мен ўша кунни, бундан ўн кун илгари, сени алда-
маган эдим. Тўғри, мен сен блан қолиш учун ўзимда куч топол
сам керак деб ўйлаган эдим.

Смит — Тополмадингми?

Жесси — Тополмадим.

Смит — Сен ҳақлисан. Мен сени алдадим.

Жесси — Ҳа. Лекин мен блан, сени севмайдиган одам блан
гаплашгандай гаплашма. Мен сени севаман. Мен сени яхши кўр-

ганим учун ҳам тўсатдая айрилишим керак, тўсатдан. Бошқача қилиш қўлимдан келмайди. Мен бундан ўн кун илгари кетмоқчи эдим. Биласанми, қачон?

Смит — Эрталаб, чой ичиб ўтирганимиздами?

Жесс — Ҳа. Мен пул ҳақида қандайдир гапни қичқириб гапирдим ва гапдан тўхтаб, сенинг олдиндан албатта кетишим кераклигини тушундим. Вақт ганиматда кетиб қолишим керак. Худо ҳақи бундан уч кун илгари қаттиқ гапирганим учун, мени кечир.

Смит — Сен фақат бир марта шундай қилдинг.

Жесс — Бир марта бўлса ҳам, энди қололмайман. Агар қоладиган бўлсам, ҳар кун бақирадиган бўлиб қоламан. Нега жим бўлиб қолдинг?

Смит — Нима ҳам дейман?

Жесс — Ҳа, тўғри. Йўқ, нега? Сен менга: мени қашшоқлик ва бахтсизликда ёлғиз ташлаб кетма деяоласан. Аммо қашшоқлик ва бахтсизликда мен сен учун ортиқча бахтсизлик буламан халос. Мен ҳузурингда қанча ўзоқ қолсам, шунча зиён. Мен ўзимни биламан. Кетишим керак. (*Ўрнидан туради. Смитга ўзоқ жим тикилиб туради сўнгра, тўсатдан, унинг креслоси ёнига тиз чўкади, унинг бошини бағрига босади, сочларини ўпади*). Ҳйр, менинг оқ сочлегим, дўстим, гўзалим. (*Унинг бошини қўйиб юбориб қўлларини-қўлларига олади, ўзоқ тикилиди, уларга лабларини босади*).

Смит — Жесся.

Жесс — (*бошини кўтармай, бўғиқ*). Менга ҳалал берма. Мен сенинг қўлларингни жуда яхши кўраман. Улар кучли, забардаст ва сахий. (*Қўлларга*) Алвидо!! (*Ўрнидан туради ва яна креслога ўтиради*.) Шунақа, ҳаётда шунақанги бўларканда Гарри. Хўш, сен менга нима дейсан?

Смит — Ҳечнима. (*Орқа томондан, креслоларга иккита жиҳоз йиғучи яқинлашади. Смит блан Жесс бир-бирларига беихтиёр қарашиб ўрниларидан турадилар. Жиҳоз йиғучилар креслоларни олиб кетади*).

Жесс — Турмушда шундай эканда Гарри. (*Унга қўл чўзади*). Кўришгунча хайр.

Смит — (*гудок. Тош ғичирлайди. Машина қайрилади, гудок. Машина дарвозадан чиқди, жимлик*.) У кетди.

Ж. Йиғучи — Стол.

Смит — Нямч?

Ж. Йиғучи — Стол. (*Смит столчага қарайди, унинг устида шиша ва май қўйилган иккита стакан бор; Смит уларни қўлига олади, атрофга қараб қаерга қўйишини билмайди. Уй бўм-бўш, фақат бурчакда приёмник бор. Смит приёмник олдига бориб, унинг устига шиша блан стаканларни қўяди. Шу лаҳзанинг ўзида дикторнинг овози эшитилади*).

Диктор — Диққат, диққат. Мухбиримиз мистер Морфи блан суҳбатимизни давом этдирамиз. — Мистер Морфи! Сиз бизни қандай эшитяпсиз?

Морфи — Ёмон. Самолёт ўлғудай қасирлаб кетяпти.

— Қанча баландликдасиз?

Морфи — Ўн уч минг бирюз.

— Табриклайман. Катта муваффақият қозонишингизга сая ҳолибди.

Морфи — Нима? Мен ёмон эшитияпман.

— Ҳечисов фирмаси ишлаган самолётнинг сифатига қандай баҳо берасиз?

Морфи — Аэропланнынг сифатини? Модомики, биз шу қадар юксакликка кўтарилдик, сифати яхши. Фақат у ҳозир қасирлаб кетяпти. Мен сизнинг гапларингизни ёмон эшитияпман.

— Мистер Морфи!

— Морфи — Тўхтанг, ҳозир. Учучи менга ниманидир кўрсатяпти.

— Мистер Морфи, мистер Морфи. Сўзимизни эшитаяпсизми? Морфи! Сўзимизни эшитаяпсизми?

Морфи — Мен сузингизни эшитаяпман, ла'нат сизга. Биз... биз... жаҳаннамга қараб кетиётимиз шекиллик... ҳалокат — жаҳаннам... (Хонада жимлик ҳукм суради. Узоқ сукунат. Смит юзини қўллари билан беркитиб, тик туради. сўнгра қўлларни аста туширади, камзулининг соат чўнтагини кавлайди, йигирма долларлик қоғоз пулни чиқариб, оқиста):

Смит — Ҳа, эсладим. Гулдаста сотиб олгин деган эди. (Пальто ва шляпа кийган Харди хонага аста киради. У Смитни кўриб, шляпасини олади, жим тик туради, сўнгра йўталади. Смит ўгирилиб қарайди. Сра ажабланмай.) Харди.

Харди — Салом.

Смит — Салом Харди, хотинингиз ва болаларингизнинг соғлиги қалай?

Харди — Раҳмат, яхши.

Смит — (лоқайд). Жуда хурсандман. Сиз ҳарқун топадиган 10 долларингизни бугун менинг ҳақимда қизиқ хабар ёзиб топмоқ учун келдингизми?

Харди — Эҳтимол, ҳатто 20 доллар ишларман. Негаки, сизнинг можаронгиз унча-мунча можаро бўлгани йўқ.

Смит — Унча-мунча можаро бўлгани йўқ дейсизми? Ҳа, дарвоқим сиз ҳақлисиз.

Харди — Менга қаранг, фақат мендан ғазабланманг. Мен ёзмасам, бошқа одам ёзади, бу можаро бари-бир газетда босилади. Хўш, мен ёзсам нима қилади? — Ҳар ҳолда биз эски қадирдонмизку? Менга марҳамат қиларсиз деб ўйлайман.

Смит — Албатта.

Харди — Менинг бирнеча саволимга жавоб берсангиз.

Смит — Яхши. Лекин сиз жуда ёмон ёзасиз. Услугингизнинг мазаси йўқ. Мен, умрингизда ақалли бир марта яхши услубда хабар ёзишингизни истар эдим. Блокнотингизни олинг, мен ўзим айтиб тураман. Хабар жуда яхши ёзилади, балки, бунинг учун сизга қўшимча беш доллар ҳақ тўлашар.

Харди — (блокнотини, қаламини қўлига олади). Мен тайёр
Смит — Ёзинг. (Хонада уёқдан-буёққа юриб айтиб туради.
Мен бугун Макферсоннинг собиқ ходими, бадном Гарри Смит-
нинг ҳузурида бўлдим. У Макферсонга қарши курашмоқчи бўлди
ва шунинг учун газетадан ҳайдалди. У, уз китобини Кесслер
нашриётида нашр қилмоқчи бўлди, аммо Кесслер рад қилди. У,
ўзининг фельетонларини Вильямс газетасида босиб чиқармоқчи
бўлди, аммо Вильямс у фельетонларни босиб чиқаришни иста-
мади. У орсмиздан, фароғатидан, уйдан, машинасидан, пулидан
маҳрум бўлди. Унинг битта дўсти Боб Морфи ҳалок бўлди ва
хотини уни ташлаб кетди. Мен унинг уйига келганимда, мазкур
хабарни тикка туриб ёзишга мажбур бўлдим, у менга ҳатто стул
ҳам-таклиф қилолмади, чунки унинг барча жиҳозлари олиб чи-
қиб кетилган эди. У яқин кунлар ичида яна Макферсон газета-
сига полиция мухбири бўлиб ишга кирар эмиш деган саволлар
бор. Лекин бу овозалар... Бу овозалар ҳақиқатга тўғри келмайди.
Юқорида зикр этилган Смит бўйин эгмайди. У, марҳум дўстининг
та'бирича, ўлгудай ёвуз. Юқорида зикр қилинган Смит, Макфер-
сон жанобларининг қўлида полиция мухбири бўлиб ишламайди,
шунингдек ўзини-ўзи осмайди, ўзига-ўзи пичоқ урмайди ва ўзини
20-нчи қаватдан ташламайди. Аксинча, юқорида зикр этилган Смит
ўз ҳаётини янгидан бошлашга уриниб кўради. Ёзишда давом
этинг, мен ҳали тугатганим йўқ. Юқорида зикр этилган Смит,
номусли Америка хотини туққан одам, ниҳоят, ўзи туғилган
мамлакатда номус блан ишлаши мумкинми? деган саволга аниқ
жавоб топишга уриниб кўради. Ҳа, ҳа, майли жаҳаннамга, Аме-
рикада ёзган нарсамни босиб чиқарадиган жой топилиб қолар.
Юқорида зикр этилган Смит узоқ вақт соддадиллик блан битта
Америка бор, деб ўйлаб юрди. Ҳозир ў биладики, Америка ик-
кита. Агар, номи юқорида зикр этилган Смитга, унинг бахтига,
ҳа, бахтига, Херст Америкасидан жой топилмаса, ла'натлар бўл-
син, унга бошқа Америкадан, Линкольн Америкасидан, Рузвельт
Америкасидан жой топилади.

п а р д а

Т а м о м.

ЗУЛФИЯ

САЛОМ!

Тожиқча сўзлашни билмайман, аммо
Ўзбекча сўз билан бошлайман калом,
Ўзи етилтирган бўлуқ пахтани
Териб олаётган қизлардан салом.

Не қадар диловар чиндан, дўстларим,
Шоирлар базмининг чаманистони.
Меҳнаткаш, меҳрибон, озоду обод
Порласин, советлар Тожикистони.

Менинг оналарим кўрмай офтоб
Бўлдилар шаҳиду, гисубурида.
Ўша эрка чанқоқ оташ қалбларнинг
Ҳиссасин ташийман кўзим нурида.

Оч, нимжон боласин опичлаб юрган
Хитой қизимасман, эмасман банди.
Қаҳрамон халқимни кийинтиролган
Пахта майдонининг иш биларманди.

Хуқуқим ва эрким шундай буюкки,
Электр бўйсунар эҳтиёжимга.
Лекин, атомлардан чироғ ёқурман,
Деган умидим бор зурриётимга.

Эртага бир тожик қизи докторлик
Диссертациясин ёқлармиш, билдим,
Мен ҳайрон қолмадим. туққан сингилдай
Кўнглим кўтарилди, ифтихор қилдим.

Кўрганда севиндим тоғлар бағрида,
„Янги чашмалар“нинг жилвали мавжин.

Тополдим Ашура парвозларида
Устоз Мукаррамнинг гўзал ривожин.

Бу демак ўзбегу тожик қизининг
Дўстлиги, бирлиги, ҳаётлиги,
Бу улуғ доҳининг шарқ қизларига
Озодкор, ижодбахш меҳрибонлиги.

Жаҳонда бор экан азиз мураббий
Дустлик умрбоддир, қўшиқ ҳамоҳанг,
Сизу биз куйлаган ше'ру қасида
Шунингчун янграйди эркин, сер жаранг.

Сталинобод,
29. 11. 1947

Ж. ШАРИФИЙ

ДАШТ БАҒРИН ЁРИБ ЎТАР ПАРОВОЗ

(Хотираларимдан)

Чоржўй-қўнғиротнинг йўллари ошно,
Кафгимдай биламан қум ва чўлларни,
Чорак аср аввал фанга кўп ташна —
Солдов тортиб босган эдим йўлларни.

Янгиурганчдан Чоржўй шаҳрига
Роса бир ой-ю ўн кун деганда,
Нон ҳам йўқ, мен чидаб очлик қаҳрига —
Юриб келдим ўн бир ёшга тўлганда.

Омудар'ёмиз кўп қутирган дар'ё,
Боши оққон жойга ўзини отар.
Қирғоқларни бузар ўзгартиб йўл гоҳ,
Кўп ёвонларни¹ ўз дамига тортар.

Ўша чоқлар унинг тик қирғоғидан
Узоқ турар экан чиройли Тўрткўл,
Ўтгандим шаҳарнинг боғу-роғидан,
Сув ювиб, қолмабди асар ҳам буткул.

Боқувда турган от — асовдай дар'ё,
Жиловсиз, ҳаддидан ошганди кучи.
Кемани ағдарар, тўнтарарди ё
Ютар ўз қаҳрига, йўқди енгучи.

¹ Хоразмдилар қишлоқни ёвон дейдилар.

Ба'зан, бизнинг кема тез оқувидан
Солдовчи йигитлар қўлидан кетар,
Узилар арқонлар, дорға қўрқувдан —
Чугирмасин¹ жаҳл блан ирғитар:

— „Эй, монглайи“² қора, нега қарайсан?
Бахти пес, дар'ёга тез ташла, турма!
Аммам бузоғидай, на онқоясан“.
Шу пайт қўрқинч кема — худди бир турма.

Дар'ёдан қирғоққа чиқарди ҳамма —
Бири кема бурнин ушлар, ҳойқирар.
Бири арқон отар, ирғитар, аммо —
Бари-бир кемамиз узоққа қочар.

Жонборича чопар оч солдовчилар,
Куйдирар жазирама қум оёқларни.
Бўталоқдай чопдим, терлар — томчилар,
Тиконлар азоблар у соёқларни.

Қанча азоб блан ушлаб кемани,
Арқонни ўтказиб кир елкалардан,
Тортиб солдов, кийиб зўр чугирмани,
Ер қарчлаб ўтдик қир... ўлкалардан.

„Тошсоқа“, „Туя мўйин“, „Дулдул“ барчаси —
„Даргон ота“, „Қирқ қиз“ ҳам ошнодир бизга.
Қашшоқ солдовчининг қанча-қанчаси:
„Ла'нат тақдирга дер вой шўримизга!“

Йўлсизлик кулфатдир, ёмон азоби,
Гар йўл яхши бўлса, сен тинч, мен ҳам тинч
Гар йўл яхши бўлса юрт бол шароби —
Дар'ёлардай оқар, бўлмас ҳеч ўтинч.

Хоразм халқининг йиллардан бери
Дилдаги орзуси: келгай темир йўл,
Гар темир йўл келса гуллар бой ери —
Хазорасп дашти, Питнакдаги чўл.

Улуғ доҳи имзо чекди Кремльда:
— „Чоржўй-Қўнғиротга борсин темир йўл,
Қолмасин армони халқим дилида“.
Ҳамма тез қўзғолди, кетман олди қўл.

¹ Телпак.

² Пешона.

Хоразмнинг ўгли, туркман йигити,
Қорақалпоқ марди қаҳрамон қизлар,
Равона бўлдилар, кўринмас кети.
Арава... карвонлар... кулмакда юзлар.

Тошсоқа йўлида қайнайди ҳаёт,
Чиқади осмонга чанги қир-чўлнинг,
Тарих эшитмаган иш қилар авлод!
Дилда мавж урар ишқи темир йўлнинг.

Паровоз чўллардан қилажак парвоз,
Омуни жиловлар халқим яқинда,
Садо берар Қурбон ота тутган саз,
Пароход сузажак қарам оқинда.

ҚУДРАТ ҲИКМАТ

УЧ ШЕ'Р

ҚИШЛОҚДА

Мен ва Али	Сарҳовузга
Дам олгали,	Қуяр шов-шув.
Қўшни боққа	Шўх булбуллар
Чиқдик ҳали.	Тинмай куйлар,
Боғ ичида:	Ҳар томонда
Олма, жийда,	Яшнар гуллар.
Нашватилар	Шундай чоғда
Бир бурчида	Яйраб боғда
Ариқда сув,	Дам оламин
Гуё кўзгу,	Кенг қишлоқда.

ИСТАЙМАНКИ...

Қайна юрак, азамат тилак
Шод қил мени, туғил янги ше'р.
Кел ёнимга Маяковскийнинг —
Гул илҳоми ёрдам — сабоқ бер.
Мен Ватаннинг куйига ошиқ
Истайманки: янграсин қўшиқ!
Му'жизалар яратган халққа
Юрагимда муҳаббат тўлиқ.

НИШОН ХОТИРАСИ

Қўшнимиз онасин бисоти ичра,
Шўҳрат орденин кўрдим мен кеча.
Ва дарҳол дедимки: қаерда, қайвақт,
Қайси иш туфайли сизни қучди бахт?
Дедики: шиддатли жангда юрт учун
Севиқли фарзандим бош қўйди у кун.
Ушандан бери бу — ёдгор нишонни,
Ўзимда сақлайман, эслаб... ўғлонни.

САИДА ЗУННУНОВА

КОЛХОЗДАГИ БИРИНЧИ КУН

Машина оҳиста келиб тўхтади,
Ҳаводан пуркийди совуқ томчилар.
Атрофни ўраган қанча ёш-яланг,
Қувониб дердилар: — „бу ёрдамчилар!“

Бизни кутиб олди қувноқ бир кампир,
Юзлари қип-қизил, бугдойранг, қотма.
Кумушдек сочларин ел ўйнар пир-пир.
Чамандай очилган пахтазор дала.

Севинчдан билмайди қилар ишини,
Жонин қоқиб юриб ёзди дастурхон,
Ҳали сут келтирар, ҳали нок, майиз,
Бас, — десак бўлмайди ушатади нон.

Уй ичи чиннидек тоза супирилган,
Даҳлизда тиралган қоплар тўла дон.
Ўчоқда чирсиллаб ёнарди олов,
Ингичка куй чалиб вижиллар қумғон.

— Қизларим, бу ер ҳам ўз уйингиздир,
Бемалол ўлтиринг еб-ичиб, яйраб,
Ниҳоят хурсандмиз шунча олисдан,
Ёрдамга келибсиз бизга атайлаб.

Ичимга қор ёғар ҳаво айнаса,
Ўйим шу: юзимиз қизармаса бас.
Сўзидан чиқмайди ёлғиз бир номард,
Биз эса, ундайлар хилидан эмас.

Мен ўзим етмишдан кам терганим йўқ,
Ба'зида қиламан ёшларни ҳам мот.
Кечаги мажлисда раис кўп махтаб,
Мана бу шойини берди мукофот.

Пахтамиз ҳали кўп, броқ қоргача,
Ҳаммасин терамиз қўймай бир грамм
Бирликда ўтказиб колхоз тўйини,
Ундан сўнг ўқишга қайтасиз сиз ҳам.

КОМИЛ МУҲАММЕДОВ

МУРОДБЕК

Хикоя

I

...1942 йил, июнь ойининг иссиқ кунлари. Немислар Можайск областида, Уваровка станциясидан анча узоқда бўлишига қарамай станцияга қатнаётган эшелонларни пайқаб, снряд улоқтирар эди.

Станциядан 5 километрча нарида, 3-нчи батарея бир ўрмонда ўрнашган. Ўрмон лагерь тусини олган эди. Ертўлага, ошхонага ва бошқа томонларга юриб ўтиладиган йўлларнинг икки четига майда арча дарахтларини қатор қилиб ўтқазилган...

Тушки овқатдан кейин ертўлада лаззатли уйқида ётган ефрейтор Муродбек кимнингдир „тур, постъга тайёрлан!“ деган овозига уйғониб сакраб турди. Уйқидан семиргандек юзини ювиб артингач, кеча ўзи ювиб қўйган, оппоқ янги ёқа тикилган гимнастёркасини кийиб ўзини ростлади. Қўлига ойна олиб, йўгон бўйнига ва бир-бирига туташган қора қошларига қараб ҳам қўйди. Газ ниқобини, ўқ солинган сумкасини ҳамда милтигини кўздан кечирди. Смена олишга ҳали хила вақт бор эди. Муродбек махорка ўраб тутатиш учун ертўладан ташқарига чиқаркан, ўрмоннинг қалин шохлар орасидан кўтарилаётган тутунга кўзи тушди. Кечагина келган янги солдат — Аҳмадалини эслади. У блан гаплашгиси келиб тутун томонга борди.

Аҳмадали аттестат бўйича умумий қозоннинг қорамоғига эртдан бошлаб ўтиши керак эди. Бугунча йўлда олинган қуруқ паёқдан тамадди қилишга тўғри келди. Ҳозир у котелогиви икки айри қоziққа қўйилган ёғочга осиб овқат пиширар эди, тутаган гулхани кавлаб, пуфлар, кўзларидан ёш оқиб, ўзи ҳам гулхандек тутаб, — хуноби ошиб ивирсиб ўтирган эди.

— Оғайни, сенга меҳмон бўлай деб келдим, овқатинг шўр-вами, бўтқами?— яқин келган Муродбек самимият блан сўради ва гулхандан чўғ олиб папиросини тутатди.

— Кел, нима бўлса шу-да,— Аҳмадали „жаҳлимни чиқармаган сен ҳам бормиднинг“ дегандай совуққина қарши олди ва котелокда биқирлаб қайнаётган бутқани сопи кир қошиги блан кавлайбошлади.

Қисқа савол-жавобдан кейин Муродбек гулханга яқин бир тўнмага чўққайиб ўтирди.

— Мен уйда эканимда,— давом этди Аҳмадали,— „овқатнинг мазаси йўқ, тузини паст қилибсан“ деб хотинимни сўкар эдим. Мана энди овқат қилиш ўзимнинг бошимга тушди... Емон бўлса ҳам хотиннинг қадри ўтди... Йўқ, менинг Ойнисам у қадар ёмон эмас эди, минг уришсам ҳам жонини қоқиб турарди.— Ишдан чарчаб келганимда оёғимни уқалаб қўярди... Лекин...— Аҳмадали оғир уҳ тортди,— падарига ла'натки, уруш турмушга заҳар солди. Мана энди, қандай ла'нати жойларда юрибман,— Аҳмадали қизишиб борарди. Бўтқаси пишса-пишмаса котелогини четга суриб қўйиб сўзини давом этди,— тушми, ўнгми, жуда бошим қотиб қолди. Ла'нати уруш тезроқ бир ёқлик бўлса ҳам майлига эди... Мана қорнимга қара,— у қорнини уриб кўрсатди,— ичига ўпирилиб тушаяпти, бундай ҳолда чўпдек озиб, пўстак каби қовжираб кетаман шекилли...

— Зарари йўқ, дўстим,— деди хотиржам ўтирган Муродбек,— ҳар қишнинг ёзи бўлганидек, ҳарқандай азобнинг ўзига хос роҳати бор. Бу кунлар туш сингари ўтиб кетади... Бу ердаги солдатлар жуда хушчақчақ, сен кўникиб, иноқлашиб кетасан, ҳеч зерикмайсан...

— Хушчақчақ эмиш,— деди Аҳмадали Муродбекнинг сўзини бўлиб,— йўқ, бу ердаги одамлар қизиқ экан, ёввойи одамларга ўхшайди. Эрталаб ла'нати старшина бир бечора солдатни, нима учундир олдига ша'мдек қотириб қўйиб, онаси, худоси колмай зўр бериб сўкканини кўрдим. Уйда ўтирган онасида онасининг ҳаққи борми!?. Ҳа, кеча бўлса, кечаси чой қайнатиб ичгим келди. Олов ёқдим. Бир ла'нати одам боқириб қолди. Оловни ўчириб, „бу ер чойхона эмас“, деб койиб ташлади. Менга алам қилди. Пайти келганда мен ҳам унинг қулогини бураб, тумшугини силаб қўяман...

Муродбек илжайиб олгач:

— Асло хафа бўлма, дўстим,— деди тасаллиомиз,— ўзинг биласанки уруш, фронтчилик, кечаси ўт ёқиб булмайди. Тўғри бизлар ош еб, чойхонада чой ичишга одатланиб қолганмиз, лекин бу ерда шу нарсаларни унутишга тўғри келади. Сен секин-еста кўникиб кетасан... Урушнинг машаққатлари ҳар қадамда киши руҳига, асабига қаттиқ та'сир қилади. Ба'зи одам жаҳлдор бўлиб, лекин ишни дўндириб қиладиган бўлиб қолади. Имирсилаб ёки кўнгилсиз иш қилучи одамдан жирканадиган бўлиб қолади. Бизнинг старшина аслида яхши одам, солдатларга жуда ғамхўр. Ба'зи вақтда ножўя иш қилсанг, жаҳли тезроқ, эркалатиб ўтирмайди... Умуман, руслар кескин ва талабчан одамлар, ҳарқандай ишни тез, унумли ва ўз ўрнида, ўз вақтида бажаришни севади. Командир буюрганда ичиб турган чойингни, еб турган овқатингни

ташлаб яшиндек учиб кет, бир ишни орқага сурма, қолган ишга қор ёғади. Умуман, ҳарбийда чиниққан ҳарбир солдат ишнинг ўз ўрнида ўз вақтида бўлишини севиши, иш оғир бўлса бўлмасин, ўзи хо тўқ, хо оч бўлсин, барибир бажариб бўлгандан кейингина эркин нафас олиши керак. Мен дастлабки кунларда лапашанг эдим, бўлар бўлмасга тажанглик қилар эдим. Пехотада бўлганимда қути-қути ўқлар, пулемёт, ПТР¹ каби оғир юкларни якка кўтариб узоқ-узоқ йўл юрар эдик. Елкам эзилиб жаҳлим чиққанда, „нега бир буханка нон уч кишига, оғир юкни кўтариш бир кишига?“ дер эдим. Руслар қотиб-қотиб кулишар эди... Мен бўлсам тутаб-биқсиб сўкинар эдим... Йўқ,— Муродбек оғир нафас блан хўрсиниб давом этди,— кейинчалик кўникиб кетдим. Жуда интифоқ бўлиб қолдик. Ҳечким менга кулмайдиган бўлди. Гаплашганимда „ундай эмас, бундай“, деб русчани ўргатиб бордилар... Шунингдек сен ҳам кўникиб кетасан, дўстим. Фақат тишингни-тишингга қўй, ақлингга ақл, жаҳлингга-сабр қўш.

Шу пайт орқадан кимдир Муродбекни чақариб суҳбатни бузди. Муродбек сакраб ўрндан туриб кетди.

II

Орадан бир ой ўтгач, 921-нчи артиллерия полкига, шошилинич сур'атда, бошқа қисмлар қаторида Можайск областидан Калинин фронтига кўчиш буйруғи берилган эди...

Қалқиб кўтарилган бутун қўшилмалар чумолидек ҳаммаёқни босиб кетди. Ўрмонда, йўлларда, ўсуқ-ўсуқ бугдой денгизини бўйлаб, охири кўринмас узун-узун колонна солдатлар, арча шохлари блан ниқобланган танклар, замбараклар, машиналар, аравалар ва бошқа минг-минг хилдаги техника карвони олға қараб зўр тўлқин блан силжир эди. Гўё бутун ўрмонлар ҳам қалқиб сурилмоқда.. Йўл азоби — гўр азоби дегандек, тобора турли машаққатлар тугилар эди. Қуёш ҳароратида терлаб-пишиб, сувсиз чўлларда хансираб йўл юриш, ёки ботқоқлик жойлардан ўтиш, гоҳ кундуз гоҳо кечаси, тинимсиз ёмғур ёққанда, шилта лойларни кечиб, ёхуд оёққа ёпишган ботмон-ботмон лойларни судраб, муздек сувларни кечиб йўл юришга тўғри келади. Эриган мумдай ботқоқларни босиб ўтишга тўғри келганда замбарак ҳам араваларни судраб келаётган отлар қий-чув, ҳайқириқлар остида, чарсиллаб урилган аччиқ қамчинлар зарбида пишқиради, терга ювилиб, тақимлари совун ургандай кўпиради, ниҳоят ис-сиқ танасидан буғ кўтарилиб, гўё бутун ғайрати, тинкаси порланган кетади...

Озиқ-овқат ва ҳарбий анжомлар ортилган машиналар эса, ботқоққа ботар экан, моторлар кучаниб бўкиради, чарх уриб айланган қўшғилдираклар олдидан суқилган шохларни, узун ёғочларни

¹ ПТР — танка отуви қурол.

варда блан орқасига яргитиб ташлар ва занжир тишлари блан лой парчаларини сачратиб тобора чўкар эди...

Бугун кечаси ҳаво айниб, ёмғур тинмай ёғаётган эди. Тақир йўллар ивиб кетди...

3-нчи батарея яна бир ботқоқлик ўрмондан ўтишда жуда оғир вазиятда қолди. Ўрмон ичи тим қоронғи ва уни кесиб ўтиш учун чамаси 200 метр йўл юриш керак эди, бу масофанинг деярлик ярмиси ниҳоятда машаққат туғдиручи ботқоқликдан иборат. Олдинда келаётган замбарак ўртада ботиб қолди. Чарчаб, силласи қурган отлар замбаракни тортиш эмас, ҳатто, тиззасигача ботган ўз оёқларини суғириб ололмас эдилар. Солдатлар елкалари блан замбаракни итаришиб, ҳайқириб, бир-бирига мададлашиб зўр машаққат блан олиб ўтдилар. Ҳали учта замбарак, машина ҳамда аравалар ўтиши керак эди. Батарея командирининг ўринбосари лейтенант Кушнарёв қандай бўлмасин, тез ботқоққа кўприк солишни буюрди. Солдатлар қизгин сур'атда ишга тутиндилар. Ўрмон ичида сурон кўтарилди. Арра товушлари янграб кетди, дарахтлар шарақа-шуриқ қулай бошлади...

Аҳмадали тўда ичида ивирсиб юрди. Ниҳоятда чарчаб толган эди, усти пақирлаб сув қуйгандай жиққа ҳўл, ёғаётган ёмғур тарновдан оққандай, унинг бошидан бўйнига, елкасига оқиб тушар эди. Та'би хира, кўнглини гуё биров гижимлар эди... У бир четга чиқиб ерга ўтираркан қаттиқ уҳ тортди.

— Қандай ла'нати кун бу ...— ўйлади асабийланиб, — тавба, шундай кечада роҳат қилиб уйқи лаззатини суриш ўрнига шунча ташвиш.. қандай жинни одамлар булар..— Аҳмадали ҳўл ва лой ботинкасини ечабошлади, — мана оёғимнинг ҳоли, анжирдек эзилиб шилиниб кетди...

У уйда роҳат блан ўтган онларини қўмсаб, ширин-ширин хаёллар блан мудраб, кўзи уйқига кетди.

Старшина „тезроқ бўлинг йигитлар...“ дея мадад бериб ишни қизитиб юборди. Қўлидаги фонарь ёриги прожектор сингари қоранғилиқни кесиб ўйнаркан, ёғаётган ёмғур доналари ялтираб кўринар эди.

Солдатлар қалин дарахтлар орасида туртиниб-суртаниб, ягна баргли шохларга юзини тирнатиб, ерга тўкилабериб қалин қатлам ҳосил этган чирик шох ва япроқларни оёқлари блан эзиб, қирқилган дарахтларни елкасида кўтариб, ёки шохларни судраб келтирар ва ботқоққа ташлар эдилар...

Терлаб-пяшқириб келаётган Муродбек нимагадир қоқилди, елкасидаги ёғоч лапанглаб кетди.

— Ким бу ётган, — деди таажжуб блан ва елкасидан ёғочни тушириб ерга энкайди, — Аҳмадали сенмисан?

— Ҳа мен, мен...

Муродбек ўласи касал сингари ётган Аҳмадалининг қаддини тиклади.

— Бирон жойинг оғрияптими, нега ётиб олдинг? — Муродбек ҳавотирлик блан сўради.

— Йўқ, ўзим, чарчапман.

— Тур, оғайни, старшина кўрса хафа бўлади. Бизлар блан кўтарганингча ёғоч таши. Хатарда қолсанг ҳам қатордан қолма, дўстим, — деди Муродбек юпатиб.

— Нима кераги бор бу қадар ташвишнинг, барибир шунча ёғоч ботқоқда қолиб кетади, — Аҳмадали жаҳлланиб, зарда қилди.

— Эсингни едингми, қолса бошқа қисмлар ўтадику... — Муродбек Аҳмадалининг жинини тарқатди, икковлашиб ёғочни кўтариб ботқоққа томон юришди...

Кўприк битди. Батарея пича енгиллик блан ўрмондан чиқди. Бироз йўл юриб яна ўрмонга киргач, дам олишга тугилди: солдатлар усти-боши ҳўл ва лой ҳолда жиққа нам ўтлар устига чўзилдилар — шинель ёки плашч-палаткага бурканиб, бошини эса, тўнкага, ёхуд майда-чуйда соладиган қопчасига қўйиб пича мизғиб олдилар...

Тонг отар-отмас тагин йўлга тушдилар — яна йўл азоби — гўр азоби, яна ёмғур қуйилиб турган қоронғи кечалар, лой, сув кечияшлар, даҳшатли ўрмонлар ва яна ботқоқ азоблари...

III

Кун пешиндан оққанда 3-нч батарея мудофаа линиясидан 4 километрча орқада белгиланган КП¹ га — бир ўрмонга келиб ўрнашди. Замбараклар жой-жойига ўрнатилиб, ўт очиш пайтига тайёр туриш тadbирлари кўрилди. Тўпларнинг туядек чўзилган бўйинлари арча шохлари блан ниқобланди...

Ўрта бўйли, маллагина, телефонистлар отделениясининг командири сержант Ростокин ефрейтор Муродбек блан КПдан НП² га алоқа боғлаш учун сим тортиб кетдилар...

Орадан бирор соат ўтгач, Сергей тўдлар олдида юрган лейтенантга доклад қилди:

— Лейтенант ўртоқ Кушнарёв, алоқа боғланди, сизни комбат телефонга чақирапти...

Лейтенант телефон орқали гаплашар экан бироз савол жавобдан сўнг қошларини чимириб, кўзлари ўзоққа тикилгандай қисилиб, диққат блан тинглашидан муҳим топшириқлар олаётгани сезилиб турарди... Трубкани қўйиб ўрнидан тургач, ўзини ростлади, озиқ овқат ортилган арава ёнида ивирсиб юрган старшинани чақирди, ниманидир тушинтирди, буюрди.

— Айтгандек, ўртоқ лейтенант ужин тайёр, улашайми? — сўради, старшина суҳбат охирида.

— Йўқ, аввал чуқурлар қазилсин, овқатни улгирамыз, ҳамма ишлар сарамжон бўлгандан кейин, бўлмаса, қоронғи тушгач, ўрмонда қазилар қийин бўлади.

— Хўп...

Солдатлар замбараклар атрофида ҳамда кўрсатилган бошқа жойларда, йўғон илдишларни узиб, чопиб, терлаб-пишиб, елка-

¹ КП — Команда пункти.

² НП — Кузатиш пункти

бўйи эҳтиёт чуқурлар қазिशди. Уст-бошларини қоқиб-нетиб, мажорка чекишди — ким тўнка устига чуққайиб, ким қулаб ётган дарахтга ўтириб, ким барра ўтлар устига чўзилиб ҳордиқ чиқарди. Сўнг газ ниқобни тартибга солиш, автомат, милтиқларни тозалаш каби ишлар блан машғул бўдилар...

Старшина ҳаммани тўплаб ҳар галгидек қисқача гап уқдириб, йўлга, ҳар эҳтимолга қарши, уч кунлик паёқ улашди. Янги пайтава ҳамда ювилган белъе берди. Йиртилган оёқ кийимларни алмаштирди ва ҳоказо кам-кўстларни тўлдирди.

Энди солдатлар соқол қириш, ювинаш, ёқани янгилаш, тугма тақиш, котелок ювиш каби майда-чуйда ишларга киришган эди. Ефрейтор Андрей шнелининг узилган белбогини тикиб кўйиш вистагида узун бўйини икки букиб Аҳмадалининг ёнига ўтирди.

— Аҳмед, — деди у, узилган тугмасини тақаётган Аҳмадали блан ҳазиллашгиси келиб, — уйингга қайтганда маржангнинг тугмасини ҳам ўзинг тақиб берасанми?

Аҳмадали бирон иш блан қорилиб, хуноб бўлиб ўтирган чоғида савол берилса аччиғи кўзир эди.

— Меники маржа йўқ, — у бошини кўтармай тўнглик блан жавоб берди.

— Йўқ бўлса барибир уйланасанку?

— ...

— Нега индамайсан, бирон яхши кўрган қизинг бордир ахир, ундан хат оласанми?

— Қиз ҳам йўқ.

— Нега? — Андрей таажжуб блан унга қаради, — Мумкин эмас шунча ёш йигитда бўлмаслиги...

Аҳмадали жавоб бермади.

— Диққатроқ кўринасан-а, жўрам, — деди Андрей яна, — дастлаб шунақа бўлади. Майли, хафа бўлма, фронт ҳаётига кўникканингдан кейин очилиб кетасан. Мана, Муродбекни кўрдингми, — Андрей ювинаётган Муродбекка ишора қилиб деди, — у ҳам янги келганда тез тез диққат бўлиб турар эди, кейин ўзини тез унглаб олди. Жуда Хушчақчақ йигит бўлиб қолди. „Немисни қувиб қанча олға сурилсак, шунча завқланаман“, дейди. Мен ундан „Қанча сурилсак ота-онангдан, ўз элингдан шунча узоқлашиб кетасанку?“ деб сўрасам, „Қанча узоқлашсам, элимга шунча тезроқ қайтаман...“ деб жавоб беради.

„Ужинга!“ деган команда буларнинг суҳбатини бузди. Котелоклар тарақлайбошлади. Котелок кўтарган солдатлар ошхона томон оқиб кетди...

Ҳарким таби тортган жойга, кўм-кук майин ўтлар устига, ўтириб зўр иштаҳо блан овқатланабошлади.

Аҳмадали қовоғини осилтирган ҳолда Муродбекнинг ёнига чуққа тушаркан, қўлидаги котелогини зарда блан ерга қўйди. Буришган афтини шўрвага буриб, қопчасидан битта сухари олди. Обмотчасига қистириб қўйган қошиғини олди-да, шўрвани кавлади:

— Мана бунни кўр, бу хумпарларни, — деди тутақиб. Бўйиндан ёпишган қурт каби йўғон кўк томир туртиб чиқди. Шўрвани

гоҳ хўлаб, гоҳ кавлаб тутақар эди, — ла'натилар тузукроқ овқат берса ўлармикан...

Жангчилар овқатланиб бўлганларида кечанинг қора пардаси ўрмонни аста ўрайбошлаган эди.

Аҳмадалининг хулқига ўрганиб қолган Муродбек, ҳечнарсга эшитмагандек, парво қилмай, иштаҳо блан шўрвани ичиб бўлди, ўрнидан сакраб туриб ошхонага борди. Қошиқ ҳам котелогини чайиб яна ўз жойига келиб ўтирди. „Хўш, нималар деб жоврадинг, энди қулоғим сенга“ дегандай Аҳмадалига назар солди. Аҳмадали чайиқсиз котелогини қошиғи блан четга иргитиб ялпайиб ўтирар эди.

— Шўрва жуда ширин бўлибди. — деди Муродбек, — эшитяпсанми, шўрвани ҳамма махтаяпти. Сенга ёқмаганига ҳайронман... Фронтчилик ахир. Ба'зида ундай, ба'зида бундай бўлади. Машаққатсиз уруш бўлмайди... Ботқоқ йўлларда машинанинг юриши қийин эканини ўзинг ҳам кўрдинг, ба'зан озиқ-овқатни ташиб улгурмаслик ҳам бўлади. Агар „НЗ“ни қўлга бермасдан ҳаммасини бугун қайнатиб берса бу ҳам яхши эмас, чунки эртага қаттиқ ҳужум бўлиш афти бор. Шунинг учун нон-пон солинган қопчангни ҳамда котелок блан қошиқни асло йўқотма... Бизлар топшириқни бажариш учун сой-қирларни ошиб, ўтли тўфонлар ичиде изғиб юрганимизда, ба'зан немислар ўровида қолиб, неча кунлаб оч қолардик, „шчавил“ деган сабил қолгур ўтни қайнатиб ича-ича ўтдек кўкариб кетардик. Ўрмонларда дуч келган қайин дарахтининг танасини тилиб, чучмал сувини сўрардик, ёки пўстлогини қайнатиб ер эдик... Урушда учрайдиган ана шундай кунлар ҳали сенинг бошингдан ўтган эмас, дўстим. Майли, ҳеч қисси йўқ, ўрганиб кетасан... — Аҳмадали эса энсаси қотдими, „бу насиҳатингни онангга қил“, дегандек юзини буриб ўтирар эди, — овқат масаласида нуқул жанжал қиласан, — Муродбек чин кўнгилдан куйиниб давом этди, — у кунни бўлса шўрвани оз қўйдинг деб жанжал қилибсан... Ҳали бўлса чуқур қазиш пайтида ўзингни касалга солиб, уйқини урибсан. Тағин овқатдан шикоят қилганинг ортиқча, яхши эмас, дўстим...

Ҳарким узаро гурунглашар, эзиб-эзиб махорка чекишар эди. Шуон қимнингдир оёқ шарпаси эшитилди.

— Йигитлар, деди старшина яқин келиб, — тезроқ дам олишга урининг, бугун тревога бўлиш эҳтимоли бор. Пайтавани алмаштириб оёқ кийим блан ётишга тўғри келади. Ҳаммангиз сочилган ҳолда ётманг! Кечаси уйғотишда қидириб юрмайлик... Тушинарликми, дўстларим?

Неча бор тревога бошидан ўтган солдатлар, тревоганинг қайси соатда, нима учун бўлишини, нима қилиш кераклигини сўраб ўтирмай, бараварига „тушунарлик“ деб жавоб бердилар. Старшина постда туришга ҳамда патрулликка танлаган солдатларни эргаштириб кетди. Қоровул бўйича дежурний уларни ҳуш'ёр бўлишга такрор огоҳлантириб:

— Йигитлар, — деди қат'ий қилиб, — бугун айниқса ҳуш'ёр бўлиш керак. Биз немисларга жуда яқин жойда турибмиз. Янги

кучлар тўпланганини немис албатта сезади, ҳарёққа разведка учун одам юбориши турган гап... Ҳуш'ёр бўлинг йигитлар, ҳуш'ёр...

Дежурний қоровул ҳам патрулларни жой-жойига тақсимлади. Иккинчи сменага боручилар қолган солдатлар блан ухлаш тарадудини қилдилар.

Муродбек кўпинча Андрей блан ётиб ширин суҳбатлар қилишар эди. Бу сафар Андрей постга кетгани учун гаплашиб ётиш истагида Аҳмадалини бирга ётишга кўндирган эди. Аҳмадали янги пайтавасини ўрамоқчи бўлиб ботинкасини ечканда яна тугоқиб кетди.

— Эҳ, бу ла'нати уруш, одамзодни эговлаб ташлайди шекилли, бундай ла'нати ит турмуш қачон тугар экан...

— Ҳа, тагин бирон жойингни қурт чақдимми? — Муродбек хотиржамлик блан сўради.

— Кўрмайсанми ла'натини, бармоқларим шилиниб, гўшт бўлиб кетибди. Тавоним бўлса зирқираб оғрийди...

— Майли, ҳечқиси йўқ, шундай пишамиз, чиниқамиз. Ҳарқандай меҳнатдан кўрқмайдиган бошқача одам бўлиб қайтамиз. Бизлар ҳам рус ва бошқа миллатлар қаторида азиз тупроғимизни душмандан озод қиламиз. Уйга ғалаба блан қайтамиз...

Аҳмадали бирдан чўчиган товуқдек қаҳ-қаҳлаб кулворди. Қаҳ-қаҳа ўрмон ичида худди ҳаммомдагидек жаранглаб кетди. Аҳмадали ҳеч бундай кулмаган эди. Бу заҳарли масҳара кулгиси эди.

— Жинни бўбқопсан, — деди у аччиқ қаҳ-қаҳасига улаб, — ҳали уйга тирик қайтишни ҳам умид қиласанми, ҳа-ҳа-ҳа...

Шу чоғ старшина қичқириб қолди.

— Ким у, ҳалигача ухламаган? Ухланглар йигитлар, дам олингиз, эртага яна йўл юришга тўғри келади.

Ҳамма сув қуйгандек жим бўлди.

— Шундай қилиб...

Муродбек сўзини давом этдирмоқчи бўлган Аҳмадалини жеркиб ташлади:

— Бас энди, эшитдингми, старшина нима деди, бўлди, ухлаймиз...

• * •

Муродбек ярим кечада смена олди. Патруллик қилиб, қоронғи ўрмон ичида айланиб юрарди.

Гоҳ-гоҳда кечанинг салқин шамоли дарахт учларини ялаб ўтади. Аллақайлардан тариллаган автоматларнинг садси ва ботқоққа тушаётган снарядларнинг „гурс-гурс“ овози эшитилиб турарди...

Муродбекнинг кўзи чўғ сингари ёнган. Шох-поҳ қимир этса зўр дикқат блан тикилади, шитир этса қулоғини диккайтиб тинглайди...

Ўрмонда қатлам-қатлам қуруқ чўп-чалон ҳам япроқларни босиб юрганда бировнинг оёқ шарпасини эшитиш қийин. Шунинг учун Муродбек тез-тез тўхтаб атрофни тинглаб олар эди... Бирдан унинг юраги орязқиб кетди, бир жойда қотиб қолди. У шохларнинг шитирлаши блан оёқ шарпасини ажрата олар эди, ҳозир қандайдир шарпани тинглар, кўзи кўрмасада, кўнгли блан

кимларнидир сезиб турар эди. Унинг шубҳаси ошаборди, юраги урабошлади. Қалин шохлар ичига яшириниб автоматини ўт очишга тайёрлаб, тинглашда давом этди...

Ҳақиқатан ҳам 3-4 қора кўзга чалинди, улар оҳиста қадам қўйиб, Муродбек олдидан бирин-кетин ўтдилар, нарироқда тўпланиб шивирлашиб олишгач, яна илгари юришди. Муродбек ҳам уларнинг ортидан силжий бошлади. Ҳалиги одамлар замбарак ўрнашган томонга борар эдилар. Негадир яна тўхтаб қолишди. Ўнг томонда, шохлар орқасида, бировнинг овози эшитилар эди. Муродбек билдики, у — лейтенант — Кушнарёв, ертўлада телефон орқали баланд овоз блан гаплашади...

Нима қилиш керак, фурсат ғанимат? Муродбек дежурнийни чақирай ёки „халт!“ деб қичқирай деса, улар қочиб кўздан йўқолиши ёхуд ўт очиб батареяга шикаст етказиши мумкин.

Муродбек хаёлланиб турмай, тўсатдан ўқдек отилди: „Халт!“ — деб қичқирди. Унинг овози ўрмонда шундай жарангладики, гўё яқингинада алла нарса портлагандай бўлди. Ҳалиги одамлар бирдан тумтарақай бўлиб қочдилар. Муродбек ўт оча уларни измаиз қувиб кетди.

Ўқ овозига офицерлар ертўладан отилиб чиқишди. Дежурний „тревога!“ деб қичқириб жоборди, ухлаб ётган солдатлар ҳам ирғиб оёққа турган эди. Ҳаммаси милтик кўтариб, чўнтак фонарини ёқиб ўрмон ичидан изғий кетдилар...

Муродбек қочган одамларни ўроқчи каби ўқ блан ўрганда ба'зилари ерга йиқилганини кўрди, тирик қолган биттасини тириклай тутишга қарор қилиб қувиб борарди... „Тўхта, отаман!“ дерди немисчалаб. Лекин у орқасига бурилар-бурилмас, шошилиб Муродбекка ўқ узган бўлди. Ўқлар Муродбекнинг қулоқ тагидан визиллаб ўтиб кетди. У чалғитиш учун гоҳ чапга, гоҳ ўнгга шохлар ичига ўзини урар эди. Муродбек унга етиб олгач арслондек ташланди, оғир гавдаси блан уни босиб тушди. Немис ёнидан нимадир олмоқчи бўлди, лекин томоғини ғиппа бўғиб олган қўлларни олиб ташлалмай хириллаб қолди. Шундай бўлса ҳам жон аччиғида бор кучи блан типирлаб Муродбекни устидан қулата олди. Унинг ҳам темирдек қўллари Муродбекнинг томоғига ёпишди. Ҳар иккави хириллаб, типирлашар ва бир бирини остига босиб олар эди. Муродбек ниҳоят ғазаби ошиб, бутун кучини тўплаб, немисни охириги марта остига босиб олди, кўкрагига тиззаси блан урди.

Фонар ёруғини ўйнатиб бир тўда солдатлар келиб қолди. Немисни ўрнидан турғизиб афтига фонар тутиб қарашди: афти қўрқинчли ҳолда эди, ўпкаси оғзига тиқилиб, итдек ҳонсирар эди.

Немиснинг белидаги учта граната, ханжар ва яна аллақандай варсаларни ҳамда ерда ётган автоматини олиб қўйишди ва ўзини полк штабига олиб кетдилар...

IV

Тонг саҳнасининг пардаси аста очилабошлади. Ҳаммаёққа жимжитлик чўккан. Лекин олис-олисда, қарши томонда, бир-

бирига қўйилиб кетган кўм-кўк қуюқ ўрмонлар орқасида, душман ўрнашган окоплардан ба'зида эшитилиб турган эринчак автоматларнинг сичқондек қитирлаган садоси, онда-сонда тўпларнинг қулочлаб улоқтирган снарядлари гуё туника томга тош тушгандек, гумбирлаб сукунатни бузар эди.

Ўрмоннинг юмшоқ мох ўтлари устида плашч-палаткага боши очик ҳолда ўралиб, сомон тиқилган қопдек ётган солдатлар тонгини тоза ҳавосидан қониб-қониб нафас олишар, ширин уйқининг лаззатини сурар эдилар. Лекин тун бўйи қандайдир тараддудда қайнаб, ҳали телефон олдига, ҳали бошқа ёқларга тинмай югурган лейтенант Қушнарёв бошлиқ уч-тўрт чоқли офицер бу лаззатдан бенасиб эди. Улар телефон орқали берилган буйруқларни ёзишар ва бошқа ҳозирликни кўришар, тез-тез соатга қараб яқин қолган зўр синов дақиқасини кутишар эдилар..

Шошиб келаётган старшина тўхтади. Ухлаб ётган солдатларга бирпас тикилиб қолди. Майишган йўғон қошлари юқори кўтарилди, қисилган жиддий кўзлари бўшашиб, хаёлчан ҳолда солдатлар устида ўрмалади.

— Подъё-ём! — Отилган ўқдек, ўрмон ичида янграб кетган бу ўткир жаранг, солдатларнинг қулоғига ток каби урилди. Бундай овозга ўрганган итотли солдатлар, шўнғиб сувни ёриб чиққандай, плашч-палаткани ёриб салчиб-салчиб оёққа турдилар. Бир зумда ювиниб-тараниб ноништа ҳам қилдилар..

Ўрмоннинг душман турган томонига қаратиб ратма-рат қилиб терилган сонсиз катюшалар яшил бризент кўйлагини ечиб ташладилар, замбараклар ҳам яланғочланди. Вазмин бўйинларини кўтариб „хўш, қани менга кўрсатиб қўй!“ дегандай хартумини чўздилар.. Соат 6. Бирдан катюшалар, худди паровоз ортиқча буғини бурқитиб бутун бўшлиқни кучли гурунглатгани каби, даҳшат солиб снаряд пуркаб юбордилар. Минг-минглаб замбараклар ҳам жўр бўлакетди. Гуё бутун олам янграб кетган эди.

Замбараклардан отилган снарядларнинг, ҳавони ёриб учишидан осмон гумбази ваҳима блан ғулдирар эди.. Шу лаҳзада чинидек типтиниқ осмонда турна каби тизилган оғир бомбардимончи аэропланлар гала-гала бўлиб душман устига, тинч оқар сув сянгаря солмоқ блан оқабошлади. Дарахт учларига тегартегмас баландликда изғиган штурмчилар, шиддатли ғувиллаган мотори блан ер юзида бўрон турғизиб оламга ғул-ғула солар, ёв бошига тикка шунғиб ажал уруғини ёғдирар эди.. Патруллик вазифасини адо этаётган қиручи аэропланлар эса, бомбардимончи ҳам штурмчилар атрофида завқ блан парвона бўлар, завқини сиғдиролмай тўнкарилиб, турли мақомда қилиқлар қилиб киши ақлини ҳайратда қолдирар эди..

Муродбек траншеяда, тинмай снаряд ташир экан, сувдан чиққандек терлаб, гимнастёркаси ивиб қорайиб кетган, елкасига траншея лабидан шувиллаб тупроқ тўкилар, юзидан лойқа тер шўргалаб бўйнига оқар, ёки энкайиб кучоқлаб бораётган снарядига томар эди. Муродбек шу йўсинда қизгин ғайрат блан ҳархил юмишларни адо этарди, югуриб-елиб алоқа симини тартибга

солиб, йўлдан ўтаётган танк, машина, арава узиб кетмасин учун, ерга кўмиб ёки дарахт шохларига осиб келарди. Завқи ошиб, каптовдек сакраб-сакраб хизматда юрганида, бир чуқурда буқиб ўтирган, кўзлари чақчайиб афти бўзарган Аҳмадалини кўриб қолди. Муродбекка кўзи тушган Аҳмадали югуриб келиб ёпишди.

— Оғайни бу нима ўзи, нима,—деди шошиб қолган Аҳмадали,— осмон ёрилиб ерга тушдими, қандай бало ўзи?

— Я'ни сичқон инини қаерда сотади дейсанми?—деди Муродбек ҳазиллашиб ва Аҳмадалига далда берди, «юр снаряд ташиймиз» дея бирга олиб кетди.

Қизгин артиллерия отишмаси икки соатча давом этгач аста-секин тинабошлади.

Бошқа қўшилмалар қаторида 3-батарея ҳам шошилинич сур'атда олға қараб кўчиш ҳаракатига тушиб қолди...

Завқли қалблардан кўтарилган қийқириқлар ҳамда ўйин-кулги садоси янграб кетди. Ҳамма қўшилмалар тўғонни бузган сувдек, олға қараб, Ржев шаҳри томон оқиб кетди.

Немислар чекинган эди. Лекин ерда қаршилиқ кўрсатишга имкон бўлмагач, Қизил Армиянинг сур'атини бўғиш, кучини синдириш мақсадида бутун кучини ҳавога кўтарди: турли типдаги бомбардимончи аэропланлар гала-гала бўлишиб, кўкда оқар ва бомбалар тўкар эди. Бомбалар лапанглаб ваҳима блан ҳуштак чалиб тушаркан, ерни ларзага келтириб гумбирлаб, худди катта-катта қайроғочдек, қора тупроқни кўкка кўтариб ташлар, чўғ каби қизгин металл парчалари ёзиллаб қулоқ тагларидан учиб ўтар эди...

Ҳар куни шу аҳвол, немис аэропланлари тонг ёришгандан бошлаб то қош қорайгунча осмондан аримайди, ерда эса, пиёда қўшинлари ҳамон чекинмоқда. Немисларга бир дақиқа ҳам ўнгланиб олишга имкон бермай тинимсиз равишда қувиш керак эди. Қўшинларимизнинг сурилишига немислар ҳаводан баттар халақит берарди... Тўзиб ёки ёниб кетаётган машина ҳам араваларнинг сони, ярадор бўлиб инграб ётган, ўлиб қонига беланиб ётган солдатлар ҳамда тупроқни тўзитиб типирлаб ётган отлар сони борган сари купая борди. Шундай тақдирда аксари қоронғи кечада юришга тўғри келарди. 6 от ўрнига уч-тўрт от блан қолган замбаракларни сувлардан, ботқоқлардан олиб ўтиш яна тунлар бўйи мижжа қоқмаган солдатларнинг зиммасига тушарди.

V

3-нчи батарея тун бўйи йўл юрди. Тонг отарга яқин қолган эди. Катта ботқоқли сойдан ўтишда яна қийинчилик туғилди.

Отларнинг ярмиси ўқ тегиб ўлган, қолган 8 таси икки замбаракни амаллаб судраб кетди. Сойдан ўлиб юриладиган йўл ниҳоятда оғир бўлгани учун яна икки замбаракни вақтинча сойда қолдиришга тўғри келди.

Лейтенант Кушнарёв Муродбекни чақириб буйруқ берди:

— Қўлингга қурол ол, ўқ, граната... ҳаммасини шайла!... То

отлар қайтиб келгунча шу ерда қолиб замбаракларга қорову-
лик қиласан...

— Хўп, ўртоқ лейтенант, буйруғингизни бажараман,—деди
кескин қилиб Муродбек.

Старшина Муродбек ёнида Аҳмадалини ҳам қолдирди...

* * *

Тонг отди. Уфқ тобора чўғ сингари яллуғланар эди. Аҳмад-
али аллақачон ўзини касалликка солиб, ўт устида ёнбошлаб ёт-
ган эди. Муродбек тўплар олдида автомат кўтарган ҳолда юриб
турипти. Тундаги ҳаракатларда қизиган бадани тонгнинг салқин
ҳавосида совиб ушир эди, чунки терлаб ҳул бўлган гимнастёр-
каси баданига муздек тегиб елкасини ачитар эди.

Дам ўтмай олисдан гувиллаган мотор овози эшитилди. Ўткин-
чилар шошилганча қаёққадир ғойиб бўлишди. Муродбек югуриб
сойнинг лабига чиқди, энтикиб йўлга қаради, ҳали отлардан
дарак йўқ эди, у тўплар ёнига келиб хаёлланиб қолди: „қандай
бўлсада тўпларни сақлаш керак...“ У тезда Аҳмадалини турта
бошлади.

— Аҳмадали, тур тезроқ... тур дейман, мунча қотиб қолма-
санг, немис аэроплани учиб юрипти.

Тургиси келмаган Аҳмадали „немис аэроплани“ни эшита ирғиб
ўрнидан тураркан, „қани, қани?“ дегандай осмонга аланглар эди...

Муродбек тўпларни ниқоблаш ташвишига тушди. Ён-атроф-
дан шох-пох излаб кўрди, яқин орада бирор туп дарахт ҳам йўқ
эди. Ниҳоят Аҳмадали нккави йўлда лойга ботиб ётган бирнеча
шоҳларни келтириб тўпларни ниқоблашди.

Гала-гала юнкерслар уларнинг тепасидан сузиб ўтабошлади,
Паст-баланда миссершмидтлар изғиб юрарди. Моторлар ба'зан
ингичка овоз блан ғувиллар, ба'зан осмонни ёриб даҳшат блан
букирар эди...

Аҳмадали чуқурга тушиб жонини ҳовичлаб қолди:

— Ана, ана ҳозир ташлайди,—дер эди кўкка тикилиб,—Му-
родбек ўзингни панага олсангчи...

— Ҳеч қўрқма,—деди Муродбек мийиғида кулиб,—бомбани
тик тепамиздан ташласа, ҳу ачавотга бориб тушади...

Бироздан сўнг олдинги линия томонда гумбирлаган садо ян-
раб, ер зириллаб кетди.

Муродбек жонсарак бўлиб, сойнинг лабига чиқди. Олисдаги
урмон этакларида қора тўфон кўтарилган эди. Муродбек жони
ачиб ўйланди: „Дўстларим нима булди экан, қолган отлардан
ҳам ажралиб қолмасак эди...“

Шу лаҳза иккита миссершмидт сой атрофида аллақайси жой-
ларга тикка шунғиди, ўқ сочиб ерни тўзитиб юборишди. Улар
оч аридай изғир эдилар. Биттаси ер бағирлаб сой устидан учиб
ўтди, иккинчиси эса, сойнинг нақ устида айланишиб қолди.

Муродбек тезда тўплар ёнига ётди. „С. В. Т.“ автоматини ўт
очишга ҳозирлади. Миссер тўсатдан тўплар устига тикка шун-
ғиди. Лекин тўпларни эмас, ботқоқ юзини савалаб ўтди. Айла-

ниб яна бурилди. Муродбек ўзгана ажал блан олишаётгандек ҳис қиларди, ғазаби ошиб кетди, автомат стволини тўғрилаб, шиддат блан тикка келаётган аэропланнинг калхат тумшугини режалай бошлади. Аэроплан тириллатиб ўқ сочиб ерни тилиб ташлади. Муродбек ҳам ўт очди. Лекин „миссер“ кўзни юмиб очгунча ўтиб кетди. Муродбек нафасини ростладв, ниҳоятда ховотирланиб тўпларни синчиклаб кўздан кечирди. Ўқлар тўпларнинг ба'зи жойини тирнаб-ўймалаб кетибди. Ҳарқалай стволга ҳамда мурват ўрнашган нозик жойга тегмапти.

Муродбек ўқ узганига аэроплан ўчакишиди шекилли, яна пайдо бўлди. Муродбек Аҳмадалини эслади: „қани у, нега отмайди ёки унга ўқ тегдими...“ Нариберини қараб чақирди. Аҳмадалидан ун чиқмагач, югуриб тўплар олдига келди. Ғазаби қайнаб кетди, қўллари тирсиллаб гўё куч блан семириб кетган эди. Бирдан қаттиқ ғижиниб аэропланга қарата ўт очди.

Ўткир овоз блан бўкириб, охири даф'а бутун заҳрини сочмоқчи бўлган миссершимидт шаҳтидан қайтиб қолди, қия бурилиб кўкка кўтарилишга тутинди. Муродбек яна ҳам ғайрат блан ўқ узар эди. Ниҳоят аэроплан ерга қараб шох урди, думидан қора тутун бурқиб чиқабошлади. Муродбек қувончдан сачраб кетди, сойдан югуриб чиқиб аэропланни кузатиб турди. Аэроплан тутун аралаш олов байроғини ҳилпиратиб узоқдаги бир ўрмонга лапанглаб тушдию, кўкка ўт блан қора тўфон кўтарилди. Муродбек, секинчи танасига сиғмай шошиб Аҳмадалини излай кетди, қичқириб чақирди. Аҳмадали тўплар турган жойдан анча нарида бир унгури ичидан устини қоқа-қоқа чиқиб келди, рангги оқарган, вужуди қалтирар, лекин зўр бериб илжаяр эди.

— Қани ла'нати, қани,— дер эди у,— кетдими, овози ўчдику?

— Вой сен қип-қизил қуён экансанку, аэропланнинг эпкинига пардек тўзиб кетганингми бу?.. Юр буёққа, бир нарса кўрсатаман,— Муродбек Аҳмадалини қўлидан тортиб судради. Сойдан чиқиб қўли блан олисга ишора қилди,— ҳу ана кўрдингми, мен уриб қулатган газанда ёниятти...

Аҳмадали кўзини бақрайтиб тикилганча қолди...

Муродбек блан Аҳмадали иккави тўпларга сачраган лойларни, ўтирган чангларни артиб тозалай бошлади. Бироздан сўнг потралаган мотор овози эшитилди. Мотоцикл минган йўғон гавдали офицер сойга тушиб улар ёнида тўхтади. Чанг босган фуражкасини бошидан олиб, терлаб кетган юз-бўйнини арта бошлади.

— Салом солдатлар,— деди у.

— Салом, ўртоқ майор,— Муродбек ўзини ростлаб майор олдида ғоз турди.

— Хизмат, ўртоқ майор?

— Аэропланни ким уриб туширди?

— Мен,— Муродбек камтарлик блан деди.

Майор шиғиллаб турган мотоцикл моторини ўчирдида ерга тушди.

— Ростми?— сўради у шошилганча Муродбекка юзма-юз келиб.

— Рост, ўртоқ майор, солдат ҳечқачон ёлғон гапирмайди... Шайтон замбаракларимизни вайрон қилмоқчи эди...

— Дарвоқи' замбараклар нега бу ерда қолдирилган?

— Отлар етишмайди ўртоқ майор, кўпи ўлди, қолган отлар ҳозир қайтиб келиб тўпларни олиб кетади... Бизлар қоровуллик қилаяпмиз...

— Баракалла, баракалла, — майор Муродбекнинг елкасини қоқди, — солдат деган шундай бўлиши керак, қонни ва даркор бўлганда жонни ҳам аямаслик керак... — майор юзи цилилойд блан қопланган, ичида жарита кўриниб турган сумкасидан қоғоз-қалам олди, — энди менга исми — фамилиянгни айт, йигитча...

— Фамилиям Азимов, исмим Муродбек.

— Қайси хўжаликдан?

— 921-нчи артиллерия полкидан, 3-нчи батарея, командирим старший лейтенант Холда.

— Яхши...

Майор ҳаммасини ёзди, яна бир-икки оғиз гаплашиб олгач, қўл сиқишиб хайрлашар экан:

— Ҳуш'ёр бўл, зийрак бўл!.. — деди такорлаб ва матоциклини потирлатиб кетди...

Бу ёқда аэропланларнинг овози ўчган эди. Олис-олисда, — ҳарбий кучларимиз тўпланган томонларда, учиб юрардилар. Кўп ўтмай 7 та от блан Андрей ҳамда битта аравакаш етиб келди. Андрей яна ботқоқ туфайли отларни кеч келтирганини, бомба ёрилганда отлардан яна бири ўлганини, аллакимнинг ярадор бўлганини, немис аэропланини кимдир уриб қулатганини сўзлаб берди. Муродбек ҳам бўлган воқиани батафсил айтди. Андрей жуда хурсанд бўлди...

Тўртовлашиб отларни замбаракларга қўшиб жўнаб қолишди...

VI

Бугун кечаси ҳаммаёқ жимжит. Онда-сонда қандайдир эринчак тўпнинг, худди шиша оғзидан пўкак отилгандай, пўкиллаган овози, битта яримта ўқларнинг кучсиз пақиллаши ҳам эшитилиб турарди... Демак немислар ҳаммаёқни бузиб, ёндириб қочмоқда...

Тезда туришга команда берилди. Дув этиб кўтарилган солдатлар бироз дам олишдан сўнг товони безиллаб қолган оёқларини аввал бир-бир босиб, сўнг кучли тўлқин блан оқиб кетдилар...

Муродбек ҳар замон Аҳмадалидан ҳол сўраб турар, унга тасалли бериб, қўлидан келганча ёрдамни аямас эди. Бу сафар, „ёш боламиди, чарчаб орқада қолмас“ деб ишондимиз, ёки Андрей блан қизгин суҳбатда бораётгани учунми, уни унутган эди. Андрейнинг тунов кун бир разведчик ҳамшаҳари блан учрашгани, унинг қандай қилиб немис офицерини тириклай олиб келгани ҳақида айтаётган ҳикоясини мароқ блан тинглаб борарди. Узоқ юриб ўтилган йўл қисқадек туйилди...

Карвондек чўзилган калонна бирнеча кичик ўрмонларни кесиб ўтгач, чапга бурилиб қуюқ ўрмонга кирганида тонг отабошлаган эди. Кимдир Аҳмадалини йўқлаб қолди. Муродбек безовта

бўлиб қичқириб чақирди. Жавоб бўлмади... „Бир жойда ухлаб қолгандир“ деган хаёлда ахтариб келишни сўраб старшинага мурожаат қилди...

Муродбек жонсарақ бўлиб бирон қиймат нарсасини йўлда тушириб қолдиргандек, орқа томонга чопиб кетди. Лекин келишда гап-сўзга орилиб, зимистон кечада қайси ўрмондан утиб, қайси йўл блан келганига эʼтибор бермаган эди. Энди Аҳмадалининг ухлаб қолган жойини дарров топиш қийин. Ҳаммаёқ ўрмон, ҳаммаёқда танк, машина, арава, уст-бошини чанг бо сган солдатлар... Муродбек гоҳ йўлдан юриб, гоҳ йўлдан тойиб, кўм-кўк майсаларни босиб, ҳаллослаб, тусмол блан борарди. Шабнам босган утлар худди унинг таптамаслигини сўраб ёдворгандай, этиги юзига кўз ёшини тўкар эдилар.

Синчиклаб қарамаган жойи қолмади. Терлаб пишиб кетди. Атрофга ва кўзига кўринган солдатларга қарай бериб кўзлари толди. Пешонаси буришиб, икки қош ўртаси дўнг бўлиб қолди. Аҳмадалидан ном-нишон топмагач, қаттиқ хафа бўлди. Лекин умидини тамом узгиси келмас, назарида худди ҳозир қаердадир пайдо бўлиб қолгудай... Ниҳоят „ёш бола эмаску, ахир топиб олар, нима бўлса ўзидан кўрсин“ деб, кўнглига таскин бериб қайтишга мажбур бўлди.

У хуноби чиқиб батареяга етиб келганида улар яна олға сурйилиш учун шошилиш сурʼатда йўлга тушган эдилар. Аҳмадалининг топилмаганини эшитиб дўстлари хафа бўлишди.

Кун пешиндан оққанда 3-нчи батарея белгиланган нуқтага келиб ўрнашди. Тонготарда бўлажак зўр ҳужумда иштирок этиш учун ҳар галдагидек ҳозирлик кўрилди...

VII

Тонг отганда яʼни Муродбек Аҳмадалини топиш учун старшинага мурожаат қилган пайтда, оғир танклар, оғир замбаракларни судраган „ЧТЗ“ лар ерни зириллатиб ўтаётган йўлдан бирнеча қадам нарида, кўкат устида ухлаб ётган Аҳмадали чўчиб уйғонди, кўзини уқалаб ўзини якка ҳолда кўрди. Унинг ақли дўстларидан, ўзи эса ақлидан адашган эди.

Урнидан туриб атрофга олазарак бўлиб қаради.

— Қандай қилиб мени ғафлат босибди, лаʼнатилар уйғатмабди ҳам...

У энди батареянинг қайси ўрмонда ўрнашганини билмайди — ҳаммаёқ ўрмон, ҳаммаёқда артиллерия, танк, трактор, машина, арава, солдатлар...

Аҳмадалининг иштаҳаси овқат талаб эди. Қаттиқ афсус чека бошлади. Бутун айбни ўзига тўнкаб, сўкиниб, алҳазар ўлир эди. Чунки қуруқ паёғи солинган қопчасини кўтариб юришга оғирсиниб, кечаси старшинанинг аравасига автомат ҳам газниқоби блан бирга ирғитган эди. Мана энди киссасида бир увоқ ҳам нон йўқ.

У „бирон жойда учрашиб қолармиз“ деган хаёлда, гангиган боши оққан томонга юриб кетди...

Қуёш заррин нурини сочабошлади, аста оқиб юрган булутлар галаси тўзгандек титилиб тарқалар ва эриб осмонга сингиб кетар эди. Сангғиб юрган Аҳмадали бир ўрмондан чиқаётганида қаршига тикилиб қолди. Уфуқда пайдо бўлган аэропланлар туркумини қўрқув остида кузатиб турди.

Аҳмадалини ваҳима ўраб олди. Отилиб чиқиб кетгудек ураётган юрагини қўли блан босиб, ўрмон ичига, ўзини панага олди, шохлар орасидан аэропланларни тамоша қилди.

Аэропланлар бомбаларни ёғдириб бўлгач, орқасига қайта бошлаганда Аҳмадали олдинги қўшилмалар томон ўрмалаб кетди...

Боши гангиган Аҳмадали, терга пишиб, анча сангғиб юрди. Ўликлардан сесканарди, ўзининг ҳам бир кунмас-бир кун шу ҳолга тушиб қолишини кўз олдига келтириб, ўзича пичирлар: „наҳотки, мен ҳам шу ла'нати дашти биёбонда — мусофирчиликда оғзимга сув томмай ўлиб кетсам... Оҳ, онамчи, бечора онам сочини битталаб юладику...“ Тинкаси қуриб, ҳорғин кўзларини жовдиратиб, ўзини онадан ажраган етим кўзидек сезиб, хўрлиги келди, ўпкасини босолмай ерга ўтириб хунг-хунг йиғлади. Кўнглини бўшатиб ўпкасини босгач, енгиллашиб йўлини давом этди. Негадир дилида ғазаб ўт олабошлади.

— Йўқ, мен ортиқ чидолмайман, бас энди, бу умидсиз тор дун'ёда ўғурда туйилган дондек янчилишни йстамайман...

У қамчи еган одек илдам йўрғалаб кетди.

VIII

Тонг отар-отмас артиллерия отишмаси янграб кетди.

„К“ қишлоғининг теварагида ин қурган немисларнинг ўт очиб нуқталарини, ДЗОТ иншоотларини қўпориб ташлаш ҳамда пиёдасини олдинги траншеядан қувиб чиқариш блан ўз пиёдаларимизга йўл очиб бериш вазифаси 3-батареянинг зиммасига тушган эди... Артиллериянинг тинмай снаряд ёғдиришига қарамай, немислар ҳам тош бўрон ўйнагандек—жавобан жаҳл блан „ванюша“ ҳамда „скрипач“ деб аталмиш минамётлардан, одамдек катта-катта снарядларни ёғдираб эди. Тўпларнинг гумбирлаши ва немис отган снарядларнинг ғарқиллаб ёрилиши ваҳимадор бир сурон ташкил этди.

Снаряд бўронининг қизғин пайтида 3-батареяга НП дан берилаётган команда овози бирдан ўчиб қолди. Телефонист солдат бор овози блан:

— Линия, линия узилди,— деб қичқирди.

Сержант Ростокин тез ва кескин қилиб: „ефрейтор Азимов, қизил аскар Иванов, тезда линияга!“ деб буйруқ берди.

Азимов Муродбек терга чўмиб, траншеяда снаряд ташимокда эди. „Есть“ дея чақмоқдек отилиб траншеядан чиқди, автомат ҳам газ ниқобини елкасига илиб, ёғочга ўралган сим калавани қўлига ола чопар экан, йўлида Ивачовни ҳам олиб кетди. Улар линия кесиб ўтган сойликка тушиб кўздан йўқолдилар...

Линия бўйлаб чопиб-елиб анча метр узоқлашган Муродбек

блан Ивановнинг яқин атрофида снарядлар потирлаб ёрилар эди. Немислар худди уларни пойлаб отаётгандек, снарядлар яқин-яқинда портлай бошлагач Муродбек Ивановга „ёт, ёт дейман!“ деб қичқираркан, ўзини таппа ерга ташлади. Бир чуқурни мўлжаллаб беш-ўн қадам кечикиб ётмоқчи бўлган Ивановнинг нақ ёнида снаряд ёрилди. Ерга ёпишиб, бошини қучоқлаб олган Муродбек, физиллаб учиб ўтган парчаларнинг ғувиллашини ҳам эшитди, устига шувиллаб кесак аралаш тупроқ тўкилди. Дукиллаб тепаётган юрагини чангаллаб, сапчиб ўрнидан турди-да, Иванов томон югурди, юмалаб ётган тешик каскани кўриб, кўзлари ҳаяжон блан чарақлаб кетди. Иванов сассиқ порох ҳиди буриқсиб турган варонка лабида, устига куйиб кетган қора тупроқ сочилган ҳолда ётарди. Бошининг ярмиси қулсқ аралаш учиб кетган, танаси қонга беланган...

Муродбек ниҳоят линиянинг узилган жойига етди. Дарров ўзи олиб келган сим блан узилган линияни улади. Аммо линиянинг тўла-тўкис уланганига кўнгли бовар қилмади: „балки нарироқда яна узилгандир“ — у охиригача текшириб келишга қарор қилди. Бирнеча қадам босгач яна пириллаб учаётган снарядлар ёрила бошлади. Муродбек чуқурлиққа ўзини чаққонлик блан отардики, худди ёрилган снаряд ичидан сачраб чиққандек кўринар эди. Немис эса бу эпчилни кўриб тургандай баттар снаряд ёғдириб ўчакишарди... Муродбек бир чуқур ичига яширинди. Линиядан ховотир олиб каскаси остидан мўралайбошлади. Бирдан бир-икки снаряд линиянинг устида ёрилиб, сим учларини тупроқ блан улоқтириб ташлади. Муродбек ғувиллаб учаётган снаряд парчаларига парво қилмай чуқурдан отилиб чиқди, эмак-лаб бориб узилган симни учидан судрайётганда. Шу лаҳзада ўнг сонига қандайдир чўғ ёпишиб куйдирётгандай бўлди. Қизғин ғайратда э'тибор қилмади. Лекин оёғи уюшиб, жонсиз бўлиб қолди. Бошини ердан кўтармай ўнг қўли блан сонини пайпаслар экан юраги шув этди, юзини буриб қонга бўялган қўлига қараб қўйди. „Наҳотки симни улай олмасам...“ У ғамгин кўзини линияга тикканча қолди. Шунда унинг миясига бир фикр яшиндай урилди: „Қўлимдаги сим — армиянинг томири, шу томирдан буйруқ, я'ни қон оқиб боради. Томир ўз вақтида ишлаб турса, қон ўз вақтида оқиб турса, шунча ғалаба тез қўлга кириши мумкин...“ — Муродбек шуни ўйларкан унда ички бир куч пайдо бўлдики, бутун умидсизликни емириб ташлади.

— Йўқ! — ғазабли садо унинг қалбидан отилиб чиқди, — йўқ! Чекинмайман, мен шу томирни улашим керак, албатта. Бу — менинг муқаддас бурчим, бу блан мен ватанимни, халқимни ёдан озод этишда ўз ҳиссамни қўшган бўламан... Бунинг учун майли, менинг қоним оқса оқсин, аммо бу томирдан оқмасин... — у кучли ғазаб блан ўтдек ловиллаб яна эмаклай бошлади. Қони блан ерга из солиб сурилар экан, ярагинг безиллаб оғриши, дармоннинг қуриши ғайратни тобора сусайтирар эди. Сонидан қайнаб чиқаётган қон булоғини беркитиш учун панжаси блан чангаллаб олди. Чап қўлидаги сим учини, ғижиниб тишлари орасига маҳкам

қистирди. Ва бир қўли блан эмаклашда давом этди. Томоғи қуриб-қақраб, оғзидан бор тупукни тўплаб ютиниб борарди... Симнинг улоқтириб ташланган нариги учига яқинлашиб қолганда снряд ёрилиши яна авжга чиқди. Муродбек ҳеч ҳайиқмади. Кучли ғазаб блан танаси баттар алангаланар эди. Кўз олдида чанг солаётган ўлимдан юзини терс ўгирмай балки у блан ўчакишгандай ҳамон олдинга сурилиб борарди. Бирдан каскаси „зинг“ этди. Вужуди зирқираб кетди... Немислар гўё уни уриб қулатдик, деб кўнгли тўлди шекилли, снрядларнинг портлаши тинабошлади... Муродбек гангиган, қонга беланган бошини энгаштириб, ўзини биларбилмас яна сурилди. Ниҳоят нурсиз ҳорғин кўзлари кўрди шекилли, чап қўлини чўзиб ерни пайпаслар экан, симнинг учи панжасига илинди. Энди иккала сим учини бойлашга тутинди. Лекин симнинг қаттиқ пўлат толалари бир-бирига бойланиш учун куч талаб қиларди. Мажоли қуриган Муродбек кўзларини чирт юмиб олди. Жала ёмғирда қолиб бошидан сув оққан сингари яраланган бошидан оқаётган қон юзини ювиб кетган эди. У бор кучини тўплаб, гижиниб сим учларини бир-бирига чалмаштириб ушлаганча юзини ерга қўйиб ётаркан, жўр бўлган тўпларнинг таниш гумбири қулоғига чалинди.

Шу аснода кимдир Муродбекнинг қўлидан симни юлиб олиб апил тапил бойлади-да, қонга ботиб ётган гавдасини қучоқлаб кўтарди. Шаллайган гавдани бағрига босиб, титраган ва шошиб қолган қўллари киссадан олган пакетни тезда йиртиб очдида бинт блан унинг бошини ўрайбошлади.

— Муродбек, дўстим, Муродбек, оч кўзингни, мен Андрейман... — деди у ранги бўздек оқарган ҳолда титроқ овоз блан.

Муродбекдан ун чиқмади. Андрейнинг олазарак кўзлари Муродбекнинг қонга беланган оёғига тушди, қонга шалаббо бўлган шимини ечиб сонини ҳам бойлаб қўйди. Сўнгра шошилиш ҳолда белидаги сувдонини ечиб олди, апир-шапир очдида Муродбекнинг оғзига сув қуябошлади... Муродбекка жон кирди, чақалоқ каби тамшанди. Кўзи аста қийғоч очилди. Андрей севинчидан чалпиниб кетди.

— Муродбек, дўстим, қўрқма, сен тириксан, ҳозир олиб кетаман, — тушундингми?..

Муродбек уни эшитмагандек, қийғоч очилган кўзларини Андрейга қадаганча қолди.

— Муродбек, гапир дўстим, мени танимаяпсанми?.. — Андрей жавоб кутиб унга тикилиб турди. Киприкларида ёш зарралари йилтиради.

Шу онда орқадан кимдир „нима гап?“ дея келиб қолди. Икковлашиб Муродбекни плашч-палаткага ўрашди ва кўтариб олиб кетдилар.

IX

Муродбек ярадор бўлган кунга ўтар кечаси Аҳмадали бир ўрмонга кириб пусиб ётди. Тонг отди. Азонда совқотиб уйғонди. Кўнгли ғаш бўлса ҳам иштаҳаси карнай эди.

Яна кун бўйи тентираб, паст-баландни ошиб оёқлари толди. Очлик ва йўл юриш азоби уни кемирар эди... Тизза бўйи чуқурларда сизиб тўпланган лойқа сувлардан ичиб қақраган томоғини ҳўллаб қўяр эди...

У ҳозир олдинги марраларда авжи тўполон жойларда юрарди, немис аэропланлари тик тепада давра олиб, худди тинч оқар сув юзидаги чўпчаландек сузиб юрганда, окоп ичида чалқанчасига ётиб уларни кузатар эди... Ба'зан урушдан олдинги ҳузур-ҳалавот блан ўтган кунларини қўмсар, чуқур-чуқур хаёлга ботиб хўрлиги келар, „бундай ла'нати ит турмуш кимга керак, нима учун? Нима азоб менга“ деб ғазабланар эди...

Оч қорни тобора қуриб-қовжираб кетаётгандек туюларди. Ҳозир бирон иссиқ овқат ичгиси келди... Бир чуқурда пачақлашиб, қонига беланиб, тупроққа булғаниб ётган немиснинг белидан котелогини ечиб олди. Товуқ титгандек хароби чиққан, ташландиқ бир полиздан қолган-қутган майда-чуйда картошкаларни териб котелогини тўлдирди.

Ёғоч уйларни ялаб-кемириб, сўниб қолган гулхонларнинг кўрига котелогини қўйиб, ўлиб-тирилиб, тузсиз — бошқасиз картошкани пиширди. Афти-ангори кул гарди ва куя блан бўялди. Киртайиб ичига ботган кўзларини жовдиратиб четга чиқиб ўтирди-да, кир босган касов қўллари блан картошкани тозалаб, пуфлаб-суфлаб зўр иштаҳо блан еябошлаганда, қаршида кимдир пайдо бўлди:

— О-о Аҳмед, Аҳмед, сенмисан, қаёққа йўқолдинг?.. — дея зўр қувонч блан унга ташланди... Бу Андрей эди. Аҳмадалини батареяга олиб кетди.

X

Иванов ўлиб, Муродбек ярадор бўлиб, дўстлари анча қайғириб юрдилар. Ертўлада, ўрмонда, гулхон атрофида ўтиришларда, траншеяда, овқат маҳалида, хуллас ҳарқачон уларнинг фазилатидан сўз очилиб эслаб қўяр эдилар...

Яна қирғинли жанглар блан, сур-сур, ур-йиқитлар блан немисларни қувиб кунлар ўтаборди...

Кузнинг дастлабки кунлари. Қуёш гоҳ изғирин заҳрини кесиб ёқимли нур тўқар, гоҳ булут пардасига бурканиб олар, ёмғир жалалаб ерни шилталаб ташлар эди...

Адабини еган немис силласи қуриб, сув қуйгандай жимиб қолди.

Мудофаа ҳолатида қолган 3-нчи батарея Ржев шаҳридан жуда ҳам узоқмас жойда — Днепр бўйида кичик бир ўрмон ичига жойлашди. Солдатлар ўрмондаги арча дарахтларини кесиб, иссиқ ва мустаҳкам ертўлалар қуриб олдилар. Дам олиш ва машғулот кунлари бошланди...

Муродбек чамаси икки ой деганда тузалиб, ўз полкига — 3-нчи батареяга қайтиб келди. Худди бир оиланинг қадирдон а'зоси узоқ сафардан қайтиб келгандай бўлди. Ҳамма у блан қучоқлашиб, ўпишиб кўришди, ҳол-аҳвол сўрашди. Ўртоқлари у кетиб қаттиқ

қайғирганлари, ҳар доим, ҳатто бугун ҳам уни ёдга олганлари ҳақида қизишиб гапирар эдилар. Андрей Аҳмадалининг қандай топилганини сўзлаб берди... Шуонда кимдир ертўла эшигини очиб Муродбекни старшина чақирганини билдирди...

Старшина Муродбекнинг тўзган кийими бўлса янгиси блан алмаштирди, кам-кўстини тўғрилади. Ҳаммомга бориб ювиниб келишни тайинлади ..

Эртасига батарея командири старший лейтенант Холда НП дан келиб қолди. Батарея аҳволини кўриб текшириб, тартибга доир ба'зи топшириқлар бериб бўлгач, Муродбекни олдига чақиртирди. Муродбек ўзини ростлаб ертўлага кирди. Старший лейтенант уни жуда самимият блан қарши олди, қўл сиқишиб кўришди, ёнига ўтқазди. Унинг саломатлиги ҳам санбатда кечирган кунлари ҳақида, ўзининг унга ўз полкига қайтиб келишини тайинлаб ёзган хатини олган-олмагани ҳақида сўрай кетди. Муродбек шотиброқ қолган эди. Сўнг ўзини тутиб дона-дона гапирабошлади. Шу пайт бир солдат эшикни очиб рухсат олиб кирди-да, тоза оқ котелок тўла чойни ва қоғозга ўралган нарсани қўйиб чиқиб кетди... Старший лейтенант, балиқ консервасининг оғзини очди. Нон блан баҳам кўришди. Сўнг нонга сарёғ суртиб қанд блан чой ичабошладилар. Шу йўсин турли мавзуларда суҳбат қилиб кетди. Муродбек гап орасида бошидаги яра ўрни тиртиқ бўлиб қолганига афсусланар экан, старший лейтенант „ҳечқиси йўқ, тиртиқ бўлса ҳам бош бўлсин...“ деб юпатар эди.

Орадан бир ҳафта ўтгач батарея командири старший лейтенант Холда кутилмаган вақтда Муродбекни мукофот блан қутлади ва унинг ефрейторликдан сержантликка кўтарилганини билдирди...

Кўп ўтмай полкдаги бутун қисмлар тўпланди. Узун саф тортган солдатлар полк командирининг ютуқлар, йўл қўйилган хатолар ҳамда олдинда турган вазифалар ҳақидаги сўзларини мароқ блан тингладилар. Полк командири ҳужум пайтларида топшириқларни фаоллик блан адо этиб маҳорат кўрсатган солдатларни юксак мукофотлар блан тақдирлаб, орден ва медалъларни ўз қўли блан топширди...

Бошқалар қаторида Муродбекнинг ҳам кўкрагида „Қизил Юлдуз“ ордени ва медаль ярқираар эди.

Яна бир ҳафта ўтар-ўтмас, актив алоқачиларни мукофотлаш бўлди. Сержант Муродбек ҳам тантана блан „Отличный связист“ значогини кўкрагига тақиб олди. Бундан ташқари старший лейтенант Муродбекни чақириб, аэроплани уриб туширгани учун уни олий мукофотга лойиқ топилди, Москвага — СССР Олий Советига ма'лумот юборилгани тўғрисида гапирди.

XI

Бир куни старший сержант Ростокин Муродбекни олдига чақириб, ертўлада ширин суҳбат қилишди.

— Энди, дўстим Муродбек, — деди Ростокин, — сен старший лейтенантнинг буйруғига биноан менинг ўринбосарим ҳисоблана-

сан. Батарейа бизларга ишонади, яна бўлажак ҳужумларда батарея алоқасини ўз вақтида та'мин этишимиз керак... Сен эртага кузатиш пунктига борасан, ёниягга Андрейни, Сергейни, Аҳмадни оласан, ўзинг бошлиқ сифатида бўлиб, Андрей блан дежурлик қиласан. Алоқа узилганда симни улаш ҳамда кечаси қоровуллик қилиш вазифасини эса Сергей блан Аҳмед адо этади...

Шу тўғрида Ростокин Муродбек блан анча суҳбатлашиб ўтирди, Муродбек ҳам алоқа сифатини янада яхшилаш борасида ўз фикрларини баён этди...

Кузатиш пункти немисларнинг олдинги линиясидан чамаси 500 метр берига жойлашган. Бу ернинг шароити жуда нозик — ертўладан чиқиш, кечаси эса ҳатто папирос чекиш ҳам мумкин эмас...

Муродбек Андрей блан батарея командири яшайдиган ертўлада телефон олдида галма-гал дежурлик қилишар эди. Сергей блан Аҳмадали кечдан-кеч ертўлаларга қоровуллик қилишар ва мабодо алоқа узилиб қолгудай бўлса, линияни улаб келишар эди...

Ҳафталар ўтган сайин Аҳмадалининг хулқи кундан-кунга ўзгарар эди. Жуда ғамгин, жуда сўлгин бўлиб қолди, нуқул ўйлар эди, ёрилиб дардини ҳечкимга айтмас эди. Муродбек унинг ҳар қадамига разм солабошлади. „Биров уни ранжитдими, ё уйдан нохуш хабар олдимми...“ деб ўйласа, қиёфаси бу ма'нони англамайди...

Бугун кечаси ертўлада батарея командири старший лейтенант Холда, дивизион командири капитан Андреев, полк штабининг начальниги Шорохов ва яна алакимлар ўртага харита ёзиб муҳим масала устида мулоҳаза қилишар эдилар...

Муродбек дежурликни Андрейга топшириб, ухлаш учун қўшни ертўлага кирди. Ертўланинг ичи зах, тўртгала бурчаги қоп-қоронғи, фақат қаршидаги деволнинг ўртасида ўйиб қилинган кичкина токчада керосин қуйилган консерва банкаси, я'ни жин чироқ милтиллаб турипти ва қора қуяси блан токча ичини бўяр эди.

Похол тўшалган супада шинелига бурканиб Аҳмадали ухлаб ётарди. Муродбек ечиниб бўлгач, супага ёнбошлар экан Аҳмадалига қараб кеча Андрейнинг у тўғрида гапирган сўзларини эслади: „...Мен ертўлага кирсам Аҳмадали қандайдир хатни уқиб ўтирган экан, мени кўрасолиб хатни чўнтагига яширди, тушундингми, а'зойи бузук эди, мен уни гапга солдим, унча жавоб бермади. Энди сен ҳам яхшилаб сўраб кўр, балки уйдан нохуш хат олгандир... Уни юпатишимиз, руҳини кўтаришимиз керак...“ Муродбек ўйлаб қолди: „Кимга хат келса ҳамма билар эди, Аҳмадали қачон хат олган экан, ёки у кунни батареяга продукта учун борганида олганмикан...“ Муродбек бошини кўтариб, ниҳоятда тинч ухлаётган Аҳмадалининг афтига тикилиб олгач, унинг шинелидаг кассасига аста қўлини тикди, бармоқлари қандайдир қоғозни илиб чиқди, ҳали очиб ўқишга улгурганича йўқ эдики, Андрей ҳовлиқиб кириб қолди:

— Муродбек дўстим, тезда отлан, комбат чақиряпти...

Муродбек ирғиб ўрнидан турдида кийинабошлади.

— Тинчликми узи?

— Билмадим, бирон жойга иш блан юборса керак.

Муродбек автомат ҳам газ ниқобини елкасига осиб, Андрей иккови чиқиб кетишди.

Старший лейтенант Муродбекка қандайдир муҳим пакетни бериб, ниҳоятда тезлик блан қўшни батареянинг кузатиш пунктига элтишни топширди...

Ташқари қоп-қоронғи, яқин-яқинда автоматлар тириллар эди, немислар тез-тез мушак отиб ҳаммаёқни ёритиб юборар эди. Муродбек гоҳ сойда, гоҳ траншея ичида юриб бориб пакетни тегишли жойга топширди. Чамаси ярим соатдан кейин қайтиб келди, топшириқни бажаргани ҳақида старший лейтенантга доклад қилиб, ертўладан чиқди-да пича тўхтаб қолди, негадир постда қоровул йўқ эди. Муродбек „балки Сергей Аҳмадалини смена олишга уйғотиш учун киргандир“ леган хаёл блан қўшни ертўлага кирди. Броқ ухлаб ётган Сергейни кўрди. Муродбекнинг кўнглига бир фикр келиб, юраги ҳовлиқиб Сергейни уйғотди:

— Сергей, нега постда ҳечким йўқ, Аҳмадали қани?

— Постда ҳечким йўқ? — Сергей сакраб туриб ҳаяжон блан сўради, — сен пакетни олиб кетганинда мен постни унга топширган эдим-ку...

Муродбек шошилиб ёнидан бояги қоғозни олди, бу қоғоз ўтган куни немислар ташлаган варақа эди:

„Рус офицер ва солдатлар!

Бекорга қон тўкмангиз... Бизга асирликка тушингиз...

Ўтиш вақтда пропуск: „найза ерга қадалсин...“

Муродбек: „Ҳаҳа, масала буёқда экан...“ деб қичқириб юборди. У тезда автоматини қўлига олиб, ертўладан югуриб чиқар экан, „йўқ, асло мумкин эмас, бунга мен чидолмайман...“ деб ғазабланар эди. Сергей унинг ортидан чиқиб таажжуб блан „Муродбек, сенга нима бўлди, ўзи нима гап?“ деганича қолди...

Муродбек ўнқир-чўнқирларни ошиб, „у албатта пана жойдан юради“ деган хаёл блан ўнг томондаги ўрмончага кириб кетди. Ўрмоннинг нариги қирғоғида мулофаа линияси ва ундан сал нарида немислар ўрнашган эди. Муродбек қоронғи ўрмон ичида туртиниб-суртиниб, ғазаби ошиб, ёрарди. У гўё чуқур сувнинг тубига чўкиб алланарса ахтарар эди, ахтарган нарсаси чангалига илинса эзиб-янчиб ташлагиси келар эди...

Бирдан Муродбекнинг қаршисида шоклар шитирлагандай ва кўзига қандайдир қора чалингандай бўлди, унинг юраги дукиллаб кетди, кўринган қора олдига югуриб келдида „Аҳмад сенми-сан?“ — деб юборди...

— Ҳа мен, мен, ким бу? — Аҳмадали чўчиб тушди ва шошиб қолди...

Муродбек уни топганига ишонмагандай, яқин келиб қўллари блан унинг елкасини пайпаслар эди.

— Аҳмадали, ноҳотки бу сен... Қандай шайтон урди сени? Қани айтчи, қаёққа борияпсан?..

— Мен... Мен... вой Муродбек бу сенми-сан, қаёқдан пайдо бўл-

динг, осмондан тушдингми?.. Мен ўзим шундай... — Аҳмадали ясама кулги блан жиддиятни ҳазилга айлантирмоқчи бўлди.

— Тўхта, Аҳмадали, инсон боласи бўлсанг ростини айт, бу нима қилиқ?

— Чиндан ҳам азиз юртингни тарк этмоқчимисан? Ота-онангга, ёру-дўстларингга, эл-юртга мен нима деб жавоб бераман?..

Бу саволлар Аҳмадалининг кўксига миҳдай қоқилди, унинг нафаси ичига чўкди, индамай ғамгин ҳолатда қолди, энди ҳарқандай қилиб оқланишга илож қолмади. Жавоб кутган Муродбек сабри тугаб, худди аэропландан сакрамоққа ҳозирлангандай, юраги шошиб тепабошлади, ғазаби алангаланиб, вужуди титрар эди. Ўзини куч блан босиб Аҳмадалига охири даф а савол берди:

— Шундай қилиб, кўнглим ўшаёқни истайди дегин?

— Ҳа, худди шундай... — деди Аҳмадали чўрт кесиб.

— Ундай бўлса хайр, — деди Муродбек хомуш ҳолда.

Унинг хомуш қолганини кўриб Аҳмадалининг кўнглига бир ғам келди шекилли:

— Истасанг юр мен блан, — деди ва жавоб кутмай бурилиб йўлини давом этмоқчи бўлди. Муродбек сапчиб, ўнг кўлидаги ханжарни унинг биқинига ботирди, чап кўли блан оғзига чанг солди. Аҳмадалининг «иҳ» деган нафаси маҳкам юмилган оғзида гўё яхлаб қолди...

XII

Сергей офицерлар ўтирган ертўлага кириб, Муродбекнинг ўша ҳолда қаёққадир ғойиб бўлганини хабар этди. Ҳамма таажжубда қолди. Кўп ўтмай тонг отабошлади. Старший лейтенант Андрейн Муродбекдан хабар олиш учун юбормоқчи бўлганида, Муродбекнинг ўзи кириб келди. Муродбек ғамгин ҳолда оҳиста стулга ўтирди. Старший лейтенант Муродбекка юзма-юз келиб унинг икки елкасидан ушлади.

— Ўзи нима гап, Муродбек? — сўради у ҳаяжон блан.

— Мана, олиб келдим, — дея Муродбек ўрнидан турди ва старший лейтенантга Аҳмадалининг қизиласкарлик билети блан немис варақасини узатди.

Старший лейтенант ҳайрон бўлди:

— Нима гап?

— Ўзбекнинг закони шунақа, — деди Муродбек кескин овозини жаранглатиб, — ўзбекнинг эгилган бошини душман кўрмаслиги керак!

1947 йил

А. АЛИМУҲАМЕДОВ

„УСТА ҒИЁС“ ҲАҚИДА БА’ЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Дўмбираминг пардалари содда,
Қониқмаса дўстларим ҳақли...

Ёш шоиримиз Мирмуҳсин ўзининг поэмасини мана шу икки сатр блан тамомлайди. Бу сатрлар шоирнинг адабий усули, гўзалликни фаҳм қилиш қондаси ва бу ҳақдаги унинг тушунчасидир. Бу сатрларда шоир ўз ижодини та’риф қилади ва услубининг хусусияти шу „соддалик“ эканини айтади. Бундан ташқари бу икки сатрда шоир асл гўзаллик тамтароқли, дабдабали сўзларда бўлмай, соддаликда эканига ишора қилиб ўтади.

То шу кунга қадар адабиётимизнинг энг кўп ўсган жанри поэзия, деб да’во қилиб келамиз. Бу фикр тўғрими? Тўғри! Фақат бир томонлама тўғри, я’ни ше’рнинг кўплиги, проза асарларнинг камлиги жиҳатидангина тўғри. Ёш шоирларимизнинг кўпчилиги ҳали чинакам шоир даражасига етган эмаслар. Уларнинг ше’рларида мадҳиябозлик, қасидачилик жуда катта ўрин тутади. Аксар ше’рларда давримизда қилинаётган буюк ишларнинг содда ва оддий тасвирини кўрмайсиз. Социалистик қурилишимизнинг қаҳрамонлари бу ше’рларда эски жангномаларнинг қаҳрамонлари — Гурўғлилар, Рустам-Достонлар тарзида та’риф ва тавсиф қилинади. Янги кишилар ҳақида ёзилган ше’рларда мазмун чуқурлиги, бадий гўзаллик, содда иборалар воситаси блан кучли образлар яратиш кўринмайди. Да’войимизнинг иботи учун кўпдан-кўп „ше’рлар тўплами“ни титкилиб ўтирмасдан „Шарқ Юлдузи“ журналида „Уста Ғиёс“ поэмаси блан бирга босилган бир-икки шоирларнинг ше’рларидан мисол келтирамиз.

Шоир М. Бобоев Ўзбекистон комсомолларининг XI қурултойи муносабати блан ёзган „Ёшларга“ ше’рида ёш комсомолларни мана бундай тавсиф қилади:

* Мирмуҳсин, „Уста Ғиёс“ — „Шарқ Юлдузи“ сон 1, 2—3, 1947 йил.

Ёруғ юлдузларсиз, йигитлар, қизлар,
Ғолиб ватанимнинг тиниқ кўкида,
Толи' маш'алини кўтарган сизлар,
Кишиликнинг шу муаззам юртида

.....
.....
.....

Ҳамма ерда борсиз — қаторингиз зич,
Моторлар, дастгоҳлар айланар ювош
Денгизлар, дар'ёлар, тоғлар эрта-кеч,
Еш иродангизга қуйи эгар бош.

Ҳар ишда забардаст, жасорат сизда,
Енгиб ҳар тўсиқни бардам ва илғор.
Тўлқинлар, буронлар ҳайиқар сиздан
Чўққи ошган изингизда зафар бор.

(„Шарқ Юлдузи“, с. 1)

М. Бобоевнинг бу ше'рида ҳам бошқа бирмунча ше'рларида
бўлгани каби қуруқ суханбозлик кўп.

Агар бу хил ше'рлар аҳ'ён-аҳ'ёнда учраб қолатурган бир ҳодиса
бўлганида ортиқча ранжимас эдик. Броқ бундай тамтароқли ше'р-
лар ва бу хилда услуб алла маҳаллардан бери бирқанча шоирлар-
нинг ше'рларини сугориб келади:

Мен совет кишиси, менинг руҳимда,
Минг атом бомбасин куч-қуввати бор.
Рейхстаг томида турган туғимда,
Маҳорат, шижоат, ақлим барқарор

(Шухрат, „Шарқ Юлдузи“, с. 2—3)

Яна бир мисол:

Музаффар китобда сенинг ҳиссанг бор,
Асрлар тугамас порлоқ қиссанг бор.
Сен учун жон садқа! Не истасанг бор,
Ўртоқ генерал!

.....
.....

Жангларда тобланинг гўёки пўлот,
Суворов сингари қолди яхши от,
Сен Карпат тоғида ёздинг кенг қанот,
Ўртоқ генерал!

(Евғин Мирза, „Шарқ Юлдузи“, с. 2—3)

Шоир Саид Назар „Меҳнат дафтаринг“ деган ше'рида, Саида Зуннунова „Пахтакорларга“ деган ше'рида колхоз далаларининг сддий ва содда меҳнат аҳлларини шунчалик дабдабалар блан, шунчалик муболағадор тавсифлар блан тасвир қиладиларки, бу ше'рлар ўша кишиларнинг қўлига тушиб қолгундек бўлса, улар бу асарларни ўзларига аталиб ёзилганлигини тан олмасликлари турган гап, ҳатто бундай ше'рлар содда ва камтар колхозчилари-мизни хижолатга солиб қўйишига ҳам шубҳа қилмаймиз.

Мана бу ше'рларда оддий совет кишиларининг қиёфаси, уларнинг инсоний ишлари, колхоз далаларидаги сон-саноксиз меҳнат аҳлларини тарихда мисли кўрилмаган ботирлик ва қаҳрамонликларга чорлаган уларнинг ҳисларини соддагина қилиб ўқучининг онгига тез сингадирган оддий сўзлар блан тасвир қилишни кўрмаймиз. Поэзиянинг асосий хусусияти бўлган „муқаддас соддалик“ қадрини бизнинг ёш шоирларимиз унча яхши билмайдилар, улар оддий сўзларнинг кучини менсимасдан баландпарвоз сўзлардан кўпроқ завқ оладилар. Эсдан чиқармаслик керакки, совет кишиси арзонбаҳо ташқи безакларга муҳтож эмас, жимжимадор сўзлар блан тўлган муҳокамаларга унинг зорлиги ҳам йўқ. Унинг ҳаёти ва қилаётган буюк ишларининг ҳаммаси соддалик ва камтарлик блан тўлиб тошган, шу сабабли бу ҳаётни адабиётда ҳам шунингдек соддалик блан тасвир қилмоқ лозим. Броқ „адабиётчиларимиз совет кишисини тасвир қилмоқчи бўлиб қўлларига қалам олганларида, бу кишига ҳали ҳам... юзаки, пала-партиш ва ҳатто лоқайдлик, бепарволик блан қарайдилар, уни қуруқ ва сун'ий махтов блан тасвир қиладилар, аммо совет кишиси аслида қандай бўлса, шундай тасвир қилишни билмайдилар“ (М. Горький).

Бу хилдаги ше'рлар адабиётимизнинг кўрки, унинг ютуғи эмас, балки нуқсонидир. Бу ше'рлар ўқучининг завқини хитлаштиради, ҳавсаласини пир қилади, унинг адабиётга бўлган ҳавасини сўндиради, энг ўткир пропаганда қуролимиз бўлган адабиётни бебурд қилади. Бундай ше'рларни ўқиган одам шу ше'рни ёзган шоирга қарата „отангга раҳмат, қўлинг дард кўрмасин!“ демайди, балки оғирроқ бирон гап айтади. Яна Буюк Горькийнинг сўзи блан айтганда, давримизнинг қаҳрамонлари беҳад, беҳисоб умр ва куч-қувват бадалига тушган ютуқларни юзаки ва нимранг ҳолда кўрсатилишига асло бепарво қараб туролмайдилар!

Ёш оғайниларимизни ранжитиб қўйишдан чўчиб ўтирмасдан барала айтишимиз керакки, ёш шоирларимиз Улуғ Ватан уруши сабақларидан керакли хулосаларни ҳали чиқаргунларича йўқ. Ер юзида бўлиб ўтган энг даҳшатли фалокатлардан бири бўлган бу урушда совет халқининг топган ғалабаси буюк социалистик тузмнинг капитализм устидан қилган тарихий ғалабаси бўлди. Бу урушда ўзбек халқи ҳам юртимизнинг бошқа халқлари қаторида катта жонбозлик кўрсатди. Урушнинг ўзи, урушдаги ғалабалар йўлида мамлакат ичида қилинган ишлар халқимизнинг руҳида, тушунчасида, умуман ҳаётида катта из қолдирди. Бу ўзгаришларнинг бутун мазмунини, келгуси бўғинларга қолдиратурган та'сирини ва бутун қийматини бир адабий шаклга, бадий қолипга

қолган асар ҳали туғилганича йўқ. „Звезда“ ва „Ленинград“ журналлари ҳақида партиямиз Марказкоми чиқарган қарор ва ўртоқ Ждановнинг шу муносабат билан қилган доклади баъзи шоир ва ёзучиларимизни жиддий меҳнат томонига буриб юборган бўлса ҳам кўп қалам аҳллари ҳозирча расмона ижодий ҳаракатга келтирилганича йўқ. Хўш, бу нуқсонларимизнинг сабаби қаерда? Дурустроқ ёзишни эплай олмаймизми? Йўқ, эплай оламиз. Фақат дуруст ёзишга кунт қилмаймиз. Шошма-шошарлик билан иш кўра-миз. Турмушни чуқур ўрганишга, мураккаб давримизни чуқур фаҳм қилишга уринмаймиз. Эртаги куннинг олдида ўзимизни мас’улиятли ҳис қилиш тушунчаси бизда ниҳоятда заиф... Бизга „киши руҳининг инженерлари“ деб қарай турган ўқучиларимизга манзур бўладиган асар ёзишга астойдил киришганимиз йўқ.

Бу сўзлар билан биз зинҳор-зинҳор ёш оғайнилариимизни хафа қилмоқчи, уларнинг кўнглини оғритмоқчи эмасмиз. Йўқ, асло! Биз фақат шуни истаймизки, давримизда ёзиладиган ҳарбир мисра’ замондошимиз бўлган буюк инсоннинг номига муносиб бўлсин, зероки авлодимиз айтсинки, икки олам ўртасидаги курашнинг кескин замонида, бу кураш социализм фойдасига ҳал бўлаётган даврда, инсониятни ёруғлиққа бошлаб бораётганлар орасида, қалами ништардек ўткир азамат шоирлар ҳам бор экан!

Ёш шоирларимизнинг ижодидаги бу хилда жиддий камчиликларнинг асосий сабаби то шу кунга қадар бизда чинакам илмий танқиднинг йўқлигидир. Адабиётимизда бирон жиддий камчилик юз бериб қолгундек бўлса, дарҳол унинг олдини олиб, шоир ва ёзучиларимизни тўғри йўлга солиб юборадиган, ё бўлмаса адабиётимиздаги ҳарбир катта-кичик ютуқни тақдирлаб яхши асарларни омма ичига ёйишга ёрдамлашадиган дурустроқ танқид йўқ. Адабий ҳаётимиздаги анча-мунча ҳодисалар матбуотда ҳечқандай из қолдирмасдан ном-нишонсиз ўтиб кетади. Г. Ф. Александровнинг „Ғарбий Европа фалсафаси тарихи“ номли китоби юзасидан уюштирилган дискуссияда ўртоқ Жданов сўзга чиқиб, фалсафа соҳасидаги камчиликларимизни бевосита илмий танқиднинг йўқлиги билан боғлади. „Ижодий мунозара, танқид ва ўз-ўзини танқиднинг йўқлиги илмий-фалсафий ишларимизнинг аҳволига жуда ёмон таъсир қилмасдан қолмади“. Ўртоқ Ждановнинг бу сўзи адабий ҳаётимиздаги камчиликларни ҳам бекама-кўст таърифлайди. Бас, шундай бўлгач бутун эътиборни большевикчасига жиддий илмий танқидни кучайтиришга қаратишимиз керак. Чунки танқид ва ўз-ўзини танқид ёлғиз адабиёт ишидагина эмас, балки ўртоқ Ждановнинг айтишича, бутун совет тузумининг тараққиёт қонуни бўлиши керак. „Бизнинг совет жамиятида... пастдан юқорига қараб тараққий қилиш танқид ва ўз-ўзини танқид шаклида боради. Бу нарса тараққиётимизни ҳаракатга келтирадиган чинакам куч, партиянинг қўлидаги энг кучли қуролдир. Бу нарса шубҳасиз олдинга қараб ҳаракат қилишнинг янги тури, тараққиётнинг янги хили, янги диалектик қонуниятдир“.

Камчиликларимиз ҳақида бунчалик узоқ тўхташимизнинг асосий боиси шу кеча-кундуздаги адабий ҳаракатимизда „Уста Ғиёс“

поэмасининг қанчалик ўрин олишини аниқлашдир. Ана шу нуқтаи назардан поэмани таҳлил қилганимизда унинг аҳамияти дарҳол кўзга ташланади.

„Уста Ғиёс“ поэмасининг энг катта хусусияти унинг соддалигидир. Бу соддалик асарнинг бадиий қийматини пасайтирадиган сохта соддалаштириш бўлмай, балки асарнинг ҳуснига ҳусн қўшадиган бадиий соддаликдир. Соддалик даст аввал тилда, сўнгра асарнинг тузилишида, қаҳрамонларнинг тавсифида, табиат манзараларининг тасвирида яққол кўринади. Мирмуҳсин бутун воқиаларни тўғри тасвир этишга уринади, уларни бўямайди, яъни асарнинг бошидан то охирига қадар шоир блан бирга ҳаракат қилган унинг бирдан-бир ҳамроҳи — ҳақиқий ҳаёт, оддий тирикчилик оддий одамнинг қилган оддий ишларидир.

Асарнинг энг катта фазилати ва ўқучини қувонтирадиган томони, унинг замона мавзуида ёзилишидир. Шоир ўз асарида колхоз ҳаётини ва оддий бир колхоз аъзосининг қилган ишларини тасвир қилади, воқияни беришда шоир ҳечқандай фавқулоддаликка интилмайди. Унинг танлаган колхозининг ўзи ҳам кўп колхозларга ўхшаган ўрта миёна бир колхоз, қаҳрамони эса шоирларимизнинг асарларида тез-тез учраб турадиган забардаст кишилар, яғрини кенг полвонлар, қуюнлар, бўронлар, изғиринлар блан олишадиган йўлборсдек йигитлар бўлмасдан ўқучига таниш колхоз далаларининг минглаб оддий кишиларидан фарқ қилмайдиган ўрта миёна бир одам:

Пахталиги қисқа, қавима,
Мўйловига қиров инмиш — оқ
Қавима шим, айилдек камар,
Камарида бир газлик пичоқ.

У, бугдойранг, қотма, ўрта бўй...
Ортиқ ери: бир малла мўйлаб.
Лекин, унга ўхшаш одамлар кўп,
Ўхшашларни кўрганман кўплаб.

„Бешиксўпоқ“ бошида сочининг,
Қорасидан кўпроқдир оқи.
Сертомир ва қадоқ бармогида,
Эгри ўсар икки тирноғи.

Ғадир-будир, дағал қўлининг
Териси ҳам қотган, худди чарм.
Лекин келишади, қовишади —
Шу дағал қўл игна чатса ҳам.

Ўйнаб чиққан бўйин томирлари...
Бу қарилик белгиси андак,
Манглайида қават-қават ажин;
Захматларни тахлаб қўйилгандак...

Сиртдан қараганда ҳечқандай ортиқча фазилатларга эга бўлмаган оддийгина бир одамни Мирмуҳсин ўзининг қаҳрамони қилиб олади. Бу унинг камчилиги эмас, балки ютуғидир. Чунки шоир яхши билади ва чуқур ишонадики, одамнинг „яхши“ хислатлари ёлғиз унинг зоҳири блан эмас, балки унинг ақли ва чуқур юрак дардлари блан белгиланади. Уста Ғиёс худди ана шундай одам. Унинг юрак дарди, колхозга бўлган муҳаббати, ягона орзуси — колхознинг тикланишидир. Бу орзу, бу муҳаббат ҳам айрича, ғайри табиий, ғайри инсоний орзу ва муҳаббат эмас, балки энг оддий, энг содда инсоний муҳаббатдир. Уста Ғиёснинг колхоз мулки учун жон куйдириши, колхозни кўтариш йўлида фидо-корлик кўрсатиши тўғрисидаги сатрларни ўқиганингизда бу сатрларнинг ростлигига, сатрлар орасидаги ҳарбир сўзнинг шоирнинг юрак-юрагидан чиққан самимий сўзлар эканлигига ишонмасдан иложингиз қолмайди. Чунки Уста Ғиёс асарнинг бирор ерида „колхоз мулкининг муқаддаслиги“ тўғрисида ва'зхонлик қилмайди. Унинг ҳарбир сўзи, ҳарбир ҳаракати ўзига ярашган, меҳнатда суяги қотган кишиларга муносиб содда сўзлардан ва оддий инсоний ҳаракатлардан четга чиқмайди:

Тешавойдек нотик эмасман,
Қани топиб-топиб гапирсам...
Лекин
Қурултойда айтилган гап—гапдир
Ярашмайди қуруқ кўпирсам...
Шу паллага етдик меҳнат блан,
Ҳукумат ҳам бошни силади.
Қийналмадик демайман, мана —
Ўртоқ Юсупов ҳам билади.
Юз центнер! деб лоф урмайман,
Кимга керак бундай қуруқ ва'да.
Қирқ центнер бераман гектаридан
Сўз бераман шундай деб, ҳа-да...

Бу сўзлар нақадар содда, нақадар самимий!.

Уста Ғиёсларнинг табиатидати жозибанинг бутун кучи уларнинг сўзидаги мана шу хилдаги соддаликдадир. Улар жимжимадор ҳашаматли сўзларни, сохта кўпиришларни билмайдилар. Уларнинг оғзидан чиққан бир калима, оддийгина сўз дун'ё-дун'ё ма'ноларни ифода қилади. Уста Ғиёс колхозчилар қурултойининг ҳашаматли мажлиси минбаридан туриб партиянинг колхоз ишлари устидан қилган раҳбарлиги ва ҳукуматнинг берган ёрдамлари тўғрисида узундан-узоқ нутқ сўзлаб ўтирмасдан:

Ҳукумат ҳам бошни силади
Қийналмадик демайман, мана —
Ўртоқ Юсупов ҳам билади.

деб, партия ва ҳукуматга бўлган ўзининг миннатдорчилигини

бетакаллуф айтилган мана шу икки оғиз сўз блан билдиради. Содда юракдан чиққан бу содда гаплар, шу мақсад юзасидан айтилиши мумкин бўлган ҳарқандай мадҳиянинг кучини босиб кетади.

Уста Ғиёснинг табиатини, унинг аҳвол-руҳиясини тасвир қилганда шоир чегарадан сира чиқмайди. Қаҳрамоннинг ботирлиги ва жасоратини бўртдириб кўрсатиш, ғайратига таҳсин ўқиш мақсадида унинг „буюк ишлари“га отаб куйлар тўқимайди. У ҳар қадамда Уста Ғиёсларга хос бўлган соддалик ва камтарликни қайта-қайта такрорлаб боради. Уста Ғиёс ўз колхозининг ҳалол жафокаши, энг биринчи жонкуяри, Уста Ғиёс туфайли колхознинг иши ривож топади, ҳосили ошади. Лекин Уста Ғиёснинг дили шунчалик тозаки, колхознинг ютуқларини у фақат ёлғиз ўзининг номи блан боғламайди. Бу ютуқларни ўзига ўхшаган ҳамроҳлари блан барава ра баҳам кўради:

Хўп азамат барака тоқкур,
Шулар менга қанот, дўст — ёр.
Якка отнинг чанги чиқса ҳам
Довғи чиқмас, деган мақол бор...

Наригиси Зеби,
Терим пайти —
Фарғонада бўлмайди тенги
Хув анави, Мамарасул - чўтир,
У колхозга киргандир янги...

Биздан кўра пешқадамлар бор,
Қанча ёзса арзийди, ука.
Ҳали эрта, улар шундай туриб,
Бизни ёзиш газетга нега?

Мирмуҳсин ўзининг поэмасида асарнинг бош қаҳрамони Уста Ғиёсни ўқучининг хаёлида нақш қолдирадиган, ўқучининг эсидан сра чиқмайдиган, ўзига хос фазилатларга эга бўлган жонли бир образ сифатида бериш блан бирга, асарнинг бошқа қаҳрамонларидан уни алоҳида айриб қўймайди. Шоир бадий тасвирда барча қаҳрамонларга бир текисда қарайди, уларнинг бирини иккинчисидан кам ёки ортиқ кўрмайди. Албатта қаҳрамонларнинг ҳаммаси бир хилдаги одамлар эмас, ҳарқайсисининг ўз сиймоси бор, шоир уларнинг ҳарбирида бир фазилат топади. Колхозда яхши ишлаб вом чиқарган ва шу туфайли Москвага кетаётган бир аёлли мана бундай та'рифлайди:

Семиз Ойша хола келарди.
Нафаси тиқилиб, ҳаллослар...
— Тезроқ юринг! Жувон чақирар.
Ойша хола бўлса куларди...

.....
.....
Енги блан артар даҳаниши,
Еш боладек пишиллар, терлар...

.....
.....
Тер оқарди Ойша холанинг —
Манглайдан, бақбақасидан.

Хотин-халач тинмай чувиллар...
Кампир ташлар оғзига носдан
Оёғида амиркон маҳси,
Мурсак кийган у қора лосдан.
Орқасида бухори чўлпи,
Бошга солмиш оқ докарўмол...
Дала бўлса қизир тандир каби,
Сезилмасди гир этган шамол.

Кўп шоирларнинг асарларидаги колхоз далаларининг қаҳрамонлари кўпинча „меҳнат севар қиз жувонлар“, „кучга тўлган йигит-яланглар“ бўлади. Бундай шеърларни ўқиганда колхоз қишлоғидагиларнинг гўё ҳаммаси шу йўсундаги одамлар экан, деган тасаввур қолади. Жисмоний „заифлиги“, кексалиги туфайли баъзи ёш шоирларимизга „ёқмаган“ кишиларни Мирмуҳсин ўзининг қаҳрамони қилиб қолади. Ахир, социалистик меҳнатнинг хусусияти ҳам шунда эмасми?!... Бу меҳнат фақат „йигит-яланглар“ники эмас, балки колхоз қишлоғининг жамики табақалари — ёш-қари, ҳаммасининг меҳнатидир!..

Мирмуҳсин иккинчи даража қаҳрамонларни ёлғиз ташқи қиёфа ва умумий тавсиф жиҳатидан бош қаҳрамон Уста Ғиёсдан ажратиб кўрсатмасдан, уларнинг сўзларини ҳам қаҳрамоннинг тавсифига хизмат қилдиради, яъни унинг ҳарбир қаҳрамони фақат ўзининг табиатиға, касби-корига муносиб тил блан гапиради. Мана шу Ойша хола йўл устидан ўтиб кетаётганда ғўза ичидан юрган Уста Ғиёс блан ҳол-аҳвол сўрашади:

Йўл четида, ғўза ичидан,
Уста Ғиёс туриб сўради:
— Омонмисиз... йўл бўлсин, янга?
Носни ташлаб кампир қаради;
— Масков кетаяпман, меҳмонга...

Уста Ғиёс

Дам олинглар, чой қилиб берай?

Кампир

Бо-о-о, ош қилиб, тўхтаталмайсиз!

Мана бу: „Масков кетаяпман, меҳмонга...“ деган оддий сўз ва чўзиб айтилган „Бо-о-о“ товуши Ойша холанинг тавсифини жуда тўғри беради ва унинг жонли қиёфасини ўқучининг кўзига кўрсатиб юборгандай бўлади. Бумисолда пойтахтимиз ша'нига қуруқ мадҳиялар ўқилмаса ҳам, Москванинг қадри-қийматини даб-дабали сўзлар блан махтанилмаса ҳам, бу оддий гаплар буюк шаҳарга нисбатан ўқучининг юрагида сақланган муҳаббатни кўз-гагиб юборади. Бу сатрлар ҳарбир совет кишисининг тилак-орзуларини яққол ифода қилади ва муҳташам шаҳарни ғалабаларимиз илҳомчиси даражасига кўтаради.

Шоир ҳатто одамлар тўдасидаги ўткинчи кишиларнинг ҳам, фақат уларнинг номини айтиш блан равшан портретини чизиб кетади:

Ориф лайлак четдан ўз ерига,
Қайтиб келиб ўтирди яна
Зухур-фасон ўтиб қолди: ғарч-ғурч
Чой қоғоздек шилдираб, ана!

Мирмуҳсиннинг қаҳрамонлари ҳамиша „яхшилиқ“ка да'ват қилучи, „олижаноб“ идеялар учун курашучи, ҳарбир одамда бўладиган „шахсий“ истак ва орзулардан маҳрум бўлган „қуруқ“ одамлар бўлмасдан, балки уларнинг ҳаммаси ҳақиқий ҳаётдаги одамлар сингарини „майда-чуйда“ ихтирослардан ҳоли бўлмаган кишилардир. Уларнинг табиатида бўлсин, қилган ишларида бўлсин, айтган гапларида, кўнгил орзуларида бўлсин — ҳаммаси мана шу „одамлик“дан четда эмас. Мирмуҳсин ўзининг „яхши“ қаҳрамонларини ёлғиз ижобий томондангина кўрсатмасдан, уларнинг „заиф“ томонларини ҳам кўрсатади. Чунончи колхоз а'золарининг мажлисида раис Уста Ғиёсни ҳосилот советига раис қилиб тайинланганини ё'лон қилганида, президиум ҳай'атида ўтирган Уста ўзига разм солиб бирқадар „ғурурланиб“ кетади:

Чапак кўтарилди, гуриллади,
Уста қарар кўзи қамашар.
Мундоғ разм солса, тўрга чиқса,
Устага ҳам стол ярашар!

Уста Ғиёснинг „камчиликларини фош қилиш“ асарининг яна бирмунча ўринларида учрайди. Бу „камчилик“ айниқса Уста Ғиёснинг сўзида жуда кўп йўлиқади. Кўп шоирларимизнинг асарларида Уста Ғиёсга ўхшаган колхоз жон куйрлари, колхоз „отаконлари“нинг гапларида „ва'э-насиҳат“ ва „ҳикматли“ сўзлар кўп бўлади. Бу жиҳатдан Уста Ғиёс бошқа асарлардаги „Корчаллонлар“га ўхшамайди. У кези келганда насиҳат қилади, кези келганда ширин гапиради, кези келганда ачиниб сўзлайди, кези келганда сўкиб гапиради.

— Ҳой Болтабой, нега қамчилайсан!
От ували ургур гўрсўхта!

Сен ўзингни керак савалаш!
Қўлинггни торт, ноинсоф, тухтал!

— Ўша сенга отни топширганни...
Уравер! Чунки колхозникида,
Ҳали кучинг шунга етдими!
Кучинг ошиб қолибти жуда?!

Бу сўзлар Уста Гиёснинг „оғзи шалоқ“ бир киши эканини кўрсатмайди, бил'акс, унинг бутун ҳусни, турмушнинг жонли вакили эканлиги мана шу сўзларда берилган. Бу сўзлар Уста Гиёсдаги чуқур „одамийлик“нинг мағизидир. У ҳарқандай „олий муаммо“ ҳақида гапирмасин, ҳечқачон ўзининг сўзларини нодир калималар ва сиёсий иборалар блан бўямасдан, ҳардоим айтилиб юриладиган оддий сўзларда ифода қилади. Қаҳрамонларни ихтирослар „бандаси“ тарзида та'рифлаш, я'ни қаҳрамонларда тирик одамга хос бўлган „яхшилик“ ва „ёмонлик“ларини топа билиш Мирмуҳсиннинг асосий ютуғидир!

„Уста Гиёс“ поэмасида табиат манзаралари тасвири жуда катта ўрин тутади (ҳатто кўп боблар тўғридан-тўғри фасллар номи блан оталгандир — „кузак“, „қиш“, „саратон“), шоир табиат манзараларини тасвир қилганда ўз завқларига ўзи мафтун бўлиб хаёл жиловини қўйиб юбормайди — тасвирда ўзини ниҳоятда эҳтиёт қилади. „Қирмизи лолалар“нинг ҳуснини кўриб „маст“ бўлмайди; „хушнавоз булбуллар“нинг сайрашини эшитиб завқларга тўлиб-тошмайди; қаҳрли қишдан зорланиб, унга қарши ғазабларини тўкиб солмайди; кўклам қизининг ҳуснига шайдо бўлиб кокилларини тарамайди, атлас ва шойи кўйлақларига отаб қўшиқлар тўқимайди; уфуқларга ёнбошлаган мағрур тоғлар ва тоғларга бошини қўйган ҳаётбахш қуёшни кўриб кўзлари қамашмайди... Табиат манзаралари нақадар дилбар ёки, аксинча, нақадар „совуқ“ бўлмасин, шоир уларни тўғри тасвир этишга уринади. Кўринишларга ориқча либос кийгазмайди, муболағадор сўзлар блан бўямайди, я'ни бу бобда ҳам унинг ягона ҳамроҳи яна ўша соддалик, чин бадийликдир:

Бўғотларда қиров ялтирар,
Далаларга ястанмиш туман.
Худди қишдек, одам қалтирар...
Бобо тоғда қор олмассимон.

Ўрик барги тилларанг олмиш,
Дарахтларни саваларди куз.
Хонадонда азим ёнғоқлар —
Сой бўйида қайрағочлар баргсиз...

Учишади зоғчалар қағ-қағ...
Чирқиллайди саҳархез чумчуқ.

Қизалоқлар хазон супирар,
Талашиб, тортишиб, чечан...
Хув ана, Нур ота азонлаб,
Ўз томига босмоқда пичан.

Ўркач-ўркач пахса деворлар,
Пасту-баланд томлар, мўрилар...
Хув... қўриққа пода ёйилди.
Ма'рашади қўйлар, қўзилар.

Уйғнади колхоз қишлоғи,
Дакан хўроз қичқирган боя.
Мўрилардан тутун бурқади,
Ёнар эди ҳўл ғузая.

Мана бу сатрларда кеч кузакнинг манзараси жуда яхши берилди. Бу сатрларнинг ҳарбиридан ўқучига ма'лум бўлган оддий қишлоқ ҳаётининг ҳиди келиб туради. Бу ерда биронта фавқулодда тасвир. „завқ-шавқ блан“ тўлган иборалар йўқ.

Табиат манзараларининг моҳир устаси И. А. Тургенев шундай бир мисолни айтган эди: „Қиш кунининг тонг отар пайтини тасвирламоқ учун битта кичкина чизиқ кифоя қилади. Агар сиз оғир-оғир қанот қоқиб қор устидан кўтарилган қарғаларнинг оёғидан тушиб қолган қор учқунларини айтсангиз, қишнинг тўла манзараси ҳосил бўлади“.

Мирмуҳсин табиат манзараларини тасвир қилишда соддаликдан ташқари, кўпроқ деталларга, характерли чизиқларга ёпишади. Кўп ўринларда совуқ қишнинг „совуқлиги“, иссиқ ёзнинг „иссиқлиги“ ҳақида қуруқ гапириб қўяқолмасдан, бу совуқлик ёки иссиқликдан ҳосил бўлган манзараларни бадий образларда турли-туман воситалар орқали кўрсатади:

Ана, томорқада бир тўп товуқ.
Ҳонсирашар, томоғи лиқ-лиқ.
Зовурларда бақа қуриллар,
Сувлар илиқ.
Ҳовуз, кўлмакларда —
Бижир-бижир ўйнар итбалиқ.
Ёнғоқ соясида ёнбошлаб ётар,
Аппон чолнинг кўппаги, ана!
Ҳаллослайди, тили бир қарич...
Жаҳл блан жунларини тишлар,
Талар эди итпашша, кана...

Бу мисолларда саратоннинг иссиқлиги ҳақида бир оғиз гап айтилмаган бўлса ҳам, келтирилган деталларнинг характерли бўлиши бу манзарани ўқучининг хаёлида яққол гавдалантиради.

Мирмуҳсиннинг бирмунча ёш шоирларимиздан ажраладиган яна бир муҳим фазилати шундаки, у ҳечқачон табиат манзараларидан

киройи „манзара“ туфайли, ўқучини ҳайратда қолдириш, ўзининг „ҳунарини“ кўрсатиш ниятида, айтгани гап топаолмаган кезларида воқиянинг бўш қолган ерларини тўлдириш учун, шоирнинг ўзи ҳам ёза-ёза обдан чарчагандан кейин „илҳом бахш“ табиат тўшағида бироз ёнбошлаб олиб, янги куч, янги ғайрат блан яна қалам тебратиш мақсадида фойдаланмайди. „Уста Ғиёс“ повмасидаги табиат манзаралари асарнинг бутун воқияси блан маҳкам боғланган, табиат манзаралари қаҳрамонларнинг руҳий ҳолларига кўмаклашадирган бир восита ва улар яшаган бир муҳитдир.

„Ишқ-муҳаббат“ мавзу'ида ёзилган ше'рлар оз эмас. Бу „жозибалик“ мавзу'га Мирмуҳсин ҳам оз-моз қўл тегизиб ўтади („Ичкунёв“). Шоиримиз ўз маҳбубасининг жамолини шу мавзу'да ше'р ёзиб юрган ба'зи шоирларимиз сингари босмақолиб тавсифлар блан мақтаб кўкларга кўтармайди, унинг „тиги мужгонлари“, „сарв қоматлари“, „лаби хандонлари“, „мўрча миёнлари“, „камон қошлари“, „сунбул сочлари“ ва „шахло кузлари“нинг шайдоси бўлиб фиғон чекмайди; ма'шуқани паризодларга, Ширин ва Лайлоларга ўхшатмайди. Мирмуҳсиннинг қаҳрамонлари ўртасидаги „ошиқ-ма'шуқлик“ муносабатлари ниҳоятда оддий ва ниҳоятда содда инсоний муносабатлардан бўлак нарса эмас. Шоирнинг „ишқ-муҳаббат“ масаласига „оз-моз қўл тегизиб кетгани“ шунчаликки, у ҳатто ўз „маҳбуба“сининг „ҳусни-жамоли“ ҳақида бир оғиз ҳам гапирмайди. Тўғриси яитганда бу боб асарнинг асосий мавзу'и ҳам эмас; автор бу бобдан бош қаҳрамон Уста Ғиёснинг табиатини чуқурроқ очиш мақсадида фойдаланади, халос. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, икки ёшнинг бир-бирини севиб қолгани ҳақида авторнинг ўзи бевосита гапирмасдан бу ҳақдаги мулоҳазаларни оддий колхозчи Уста Ғиёс ва колхоз раиси Йўлчи-войларнинг муҳокамасига ташлаб қўяди. Бу ҳақда раис мана бундай дейди:

Чораси йўқ, аввал тушунинг
Инсон ахир ўтмайди-ку тоқ
„Тили битта“ экан,
Зебингиз —
Кўнгил берган экан, қизталоқ...

Ҳазил-мутоиб ва блан рост, аския блан панд аралашган бу содда гаплар воқияга ҳақиқат сувини буркиб юборади ва „ишқ-муҳаббат“ни ҳиссиёт оламида оддий ҳаёт даражасига олиб тушади.

Мирмуҳсин ўз асарида „севги туфайли“ севгини куйламайди. Поэмада севги „тўқликқа шўхлик“ эмас, иш блан, тирикчилик ҳаракати блан чанбарчаёт боғлангандир. Севги масаласини бу тарзда ешиш бадий адабиётнинг анчагина хатарлик соҳили бўлган тенденциячиликка олиб бориб қўйиши мумкин. Бундай кезларда ёзувчининг „ижтимоий“ мақсадлари бамисоли воқияга осиб қўйилган пасангига, ёки воқия „баданидаги“ сўгалга ўхшаб қолади. Шоир бу хатардан қўтилиш учун севгини меҳнат

нинг мағизига сингдириб юборади. Меҳнатга пайванд қилинган муҳаббат тўғрисида ортиқча дабдабали сўзлар айтмасдан, бу ҳодисаларни содда сўзлар билан бир-бирига боғлаб воқияни бўлиб турган чин ҳодисага айлантиради.

Асарнинг композицияси ҳам анча содда. Воқияни тасвирлашга киришишдан олдин шоир узундан-узоқ дебеча ясамайди, поэзиямизда бирқадар ўрнашиб қолган ушуллар йўлидан бориб асарнинг бошланишиданоқ воқиаларни табиат манзаралари билан омукта қилмайди, қаҳрамонларнинг қиёфаси ва табиати тўғрисида битмас-туганмас таъриф ва тавсифлар юритиб ўтирмайди. Шоир асарнинг бошланишиданоқ воқиянинг „грибонидан“ ушлаб ўқучини тўсатдан қайнаган колхоз ҳаётининг ичига олиб киради.

Қош қорайгач барча йиғилди;
Мактаб, ферма, ҳамма хонадон...
Келмайдиган отбоқар ҳам келди —

Темирчилар устахонадан
Шипга осиг қирқинчи лампа,
Идорада барча эди жам;
Келган эди Эшмат — тракторчи,
Келган эди Аппон ака ҳам...

Президиумда раис, Ҳосилот
Ва Райкомдан келган бир жувон
Стол ёқасида ўтирарди,
Колхоз саркотиби Ойимхон.

Жой тор эди. Ана, туриб қолган,
Тўғон чолнинг қурур тинкаси.
Гоҳо, бирдан гапга қовиштирмас —
Чақалоқнинг инга-ингаси...

Уй ичи дим, тутун...
Тракторчи —
Ҳадеб чекар эди томоки.
Энг бурчакка ўтириб, тинмай —
Йўталарди Аппон амаки.

Бу сатрларда ҳархил расмиятлардан холи бўлган колхоз мажлисини қанчалик тўғри берилганлигини изоҳлаб ўтиришга ҳечқандай эҳтиёж бўлмаса керак.

Мирмуҳсиннинг тил соҳасида ҳам бирталай ютуқлари бор. Бу ютуқлар даставвал тилнинг соддалигидан келиб чиқади. Эмоцияни кучайтириш мақсадида шоир „чиройлик“ ўхшатишларни, „қич-қириқ“ сифатловчи сўзларни, беўхшов муболағаларни кўп ишлатмайди. Бирхил шоирлар қўпинча шеърнинг ташқи ялтироқлигига эътибор қиладилар, унинг мазмуни эса ниҳоятда саёз, ичи пўк

бўлади. Чунончи шоир Туроб Туланинг „Ғанишернинг шухрати“ ше’рида* „ваҳимали“ муболағалар ҳаддан ташқари кўп ишлатилади:

Ғанишернинг кетмонига кўмаклашди сув, қуёш,
Унинг ҳарби ҳам зарбига тоғлар келтирди имон.
Йўлдошлари чумолидай тинчимайин қўшди бош,
Баҳору ёз, тўкин куз ҳам ўрмалади корвон,
Тенг келолмас меҳнатига дар’ёларнинг мавжи ҳам,
Қора қишнинг изғирини, баҳор ва куз жаласи.
Тенглашолмас сур’атиға бўронларнинг авжи ҳам,
Мирзаҷўлнинг шамоли ҳам, қуюнларнинг галаси.

Бу ше’рда аниқ бир кишининг қиёфаси, унинг қилган ишларининг тасвири кўринмайди — буларнинг ҳаммаси ўринсиз муболағаларнинг орасида кўмилиб кетган.

Мирмуҳсин ше’рининг ташқи безагига ма’нони қурбон қилмайди, ҳарбир фикрнинг аниқ ва равшан бўлишига интилади, сўзларни тежаб ишлатишга ва қисқа ибораларнинг ичига мумкин қадар кўпроқ ма’но жойлашга уринади, сатрлар орасидаги ҳарбир мақсаднинг мухтасар бўлишига тиришади. Мирмуҳсиннинг усулидаги энг яхши хусусияти шундаки, у ҳечқачон тилда оригиналикка интилмайди, бошқалардан ажралишни ўз олдига мақсад ҳам қилиб қўймайди. Унинг оригиналлиги воқиага тўплатўғри, холис қарашидан, ҳар-бир нарсани об’ектив ҳолда тўғри тасвир этишга уринишидан ва буларнинг ҳаммасини содда услубда беғараз тасвир қилишидан келиб чиқади.

Шоир воқиаларга об’ектив назар блан қарайди, деган сўздан, бу воқиаларга нисбатан унинг ўзида шахсий муносабат йўқ, деган хулоса келиб чиқмайди. Авторнинг ўз лозими ичидаги воқиаларга бўлган муносабати асарнинг ҳарбир сатрида сезилиб туради. Шоир сатрлар орасидан ўқучининг башарасига бақрайиб туриб „бу ерда мен борман, бу гапларнинг ҳаммаси меннинг миямдан чиққан, билиб қўй!“ демайди. У ўзининг башарасини мумкин қадар сатрлар орқасига яширишга уринади. Ўзининг суб’ектив мақсадларини воқиаларнинг ичига сингдириб юборишга тиришади — ўқучи авторнинг нафасини сезади, лекин башарасини кўрмайди.

Асарнинг реалистик кучи ҳам асосан мана шундадир!

Шу пайтга қадар асарнинг яхши томонлари, шоирнинг ютуқлари ҳақида гапирдик.

„Уста Ғиёс“ поэмаси Мирмуҳсиннинг биринчи йирик асаридир* Шу сабабли бу асар бирмунча жиддий камчиликлардан холи эмас.

Шоирнинг энг катта хатоси тасвир қилган воқиасининг ичига етарлик даражада чуқур кира олмаслигида, колхоз тузумининг қонунларини чуқур фаҳм қилаолмаслигидадир. Ма’лумки, колхозларимизнинг уруш йилларида қилган хизматлари, фронтга берган

* „Шарқ Юлдузи“ сон 1 — 2, 1946 йил.

Ўрдамларни санаб тамом қилиб бўлмайди. Ўртоқ Сталиннинг сўзи билан айтганда, урушда енгиб чиқишимизнинг асосий сабабларидан биттаси қишлоқ хўжалигимизнинг коллектив меҳнат асосига қурилганлиги ва колхозчилар оммасининг фидокорлик билан ишлашлари бўлди. Колхозларимиз халқимизнинг ғалабасига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар. Масалага мана шу томондан қараганда, асарнинг ба'зи ўринларига асло қўшниб бўлмайди. Асарни ўқиб чиқиб, унинг ичидаги қазҳрамонларни яна бир карра ҳаёлдан ўтказганда, улар якки тоифа одамларга бўлиниб кетадилар. Бир тоифага раис бошлиқ колхознинг ҳамма а'золари киради, иккинчи тоифани ёлғиз Уста Ғиёснинг ўзи ташкил қилади. Биринчи тоифанинг кишилари колхозда қўл учида ишлайдилар, кўплари оғир ишга чидалмасдан колхозни ташлаб қочиб кетишган:

Звенондан Турди, Ашурлар,
Асакага қочишиб кетди!
„Бу тўқойга эссиз шунча меҳнат,
Эссиз ўтган умримиз“ депти.

Ба'зилар колхоздан шунчалик безор бўлганки, ҳатто қайтиб колхозга қадам босмасликка қасам ҳам ичади:

Ҳавсалам ҳам пир бўлди. Қурвон —
Ҳосилотга ўхшаса ўлсин.
Кейин дедим: „Энди колхозингни,
Наҳ, елкамнинг чуқури кўрсин!

Туф, деганман. Қайтиб олмайман
Қолганини пешснамдан кўрдим...

А'золар ўртасида колхоз мулкига жон куйдириш ҳисси сра сезилмайди. Колхоз отини урабериб ишдан чиқарган аравакаш Болтавойни Уста Ғиёс кейиб турганда, Аппон чол сўзга ара ташади ва Болтавойнинг ёнини олиб Уста Ғиёсга қарши бундай дейди:

— Сенга нима! Аравакаш ҳам —
Жавобгар ҳам Болтавой экан?
Ё, раислик да'во қиласанми?
Етар дейман битта каттакон!

Подадан ҳам бизда қўйчивон кўп.
Оҳ-ҳо, буни дўқини қара!
Ҳа, червонинг куйиптими? Мунча..
Колхозники бу от — арава!?”

Колхоз раиси Йўлчивой унча-мунчага тебранмайдиган, бирқадар ношуд, анчагина лапашанг, колхозга раҳбарлик қилишга номуносиб бир одамга ўхшаб қолган:

Уста, — деди Раис —
Гангиб қолдим,
Қайдан бошлай билмайман ишни.
Тўғри ишнинг калаваси бузуқ,
Тополмайман ишнинг бошини.

Бу одам шунчалар беғамки, колхозда бўлаётган катта-катта камчиликларни ҳам кўрмайди. Бир маҳаллар „Ҳиротга борса чарчамайдиган“ тўриқ от қоқ суяк бўлиб, ўлар ҳолатга етибдики, колхоз раиси билмайди:

Ия жонвор, бизнинг тўриқми?
Суяк бўлиб қопти, қоққа...

.....

Тўғри, отлигига минг пушаймон
Ўлсин агар ўхшаса отга
Эҳ-ҳеее...
Аввал қандай эди тўриқ,
Чарчамасди борса Ҳиротга...

Бутун бошлик бир колхознинг раҳбари ўз ақли билан иш қилолмайдиган, иродаси бўш бир одам сифатида тасвир қилинади. Уста Фиёс унга „ақл ўргатиб“ мана бундай дейди:

Уруш дейсиз, одам йўқ дейсиз
От-улов йўқ... яна ва яна...
Бу сўзингиз бетсизларга ёқар,
„Бешаримларга арпа баҳона“
Ишларимиз доим улда-жўлда,
Ҳинди кавишидек пойма-пой.
Колхоз издан чиқди чамамда,
Кўзингизни очинг, Йўлчивой!
Бир синчиклаб, бундоқ қарамайсиз
Нега бундай, ўзи нима гап?
Нега бундай онкўрлик қиламиз,
Сабаб нима?
Ё тавба,
Ажаб?

Мана шу Йўлчивой бир маҳал бориб пешонаси тошга теккандан кейин кўзи очилиб раҳбарлик ишларини ўз қўлига олишга қасд қилади. Шунда ҳам унинг раҳбарлик „усули“ ниҳоятда қўпол „дағдағабозликдан“ нарига ўтмайди:

Шунча вақт ра'й қилиб келдим,
Хуб, тутганим бўлсин барчасин
Энди, кимки бешармлик қилса,
Учқурғондан кўрсин ачасин!

Социалистик хўжаликда меҳнатга да'ват қилиш, шубҳасиз, бу хилда дағал „пўписа“ йўли блан қал қилинмайди. Социалистик меҳнатнинг ниҳоятда ўткир тарбиявий роли бор. Бу меҳнат одамларнинг онгидан эски дунёнинг салқитларини чиқариб ташлашга кўмаклашиши лозим. Бинобарин юқоридаги тахлитда „ачасини Учқўрғондан кўрсатиш“ блан дағдаға қилинса социалистик меҳнатнинг бутун тарбиявий ва ма'навий моҳиятига ҳалал етказган бўламмиз. Колхоз раҳбарларини бу хилда беғам, бешуд ва қўпол қилиб тасвирлаш шубҳасиз Мирмуҳсиннинг энг катта хатосидир.

Социалистик меҳнат орқасида етишган кишиларнинг юксак бадий образларини яратиш адабиётимизнинг энг олдинги вазифаларидан бўлиши лозим. Колхозимизга раҳбарлик қилаётган кишилар орасида бундайларни сон-саноксиз топиш мумкин. Наники, Мирмуҳсин шундай кишиларни тополмаган?. Тўғри, колхоз раҳбарлари орасида Мирмуҳсиннинг раисига ўхшаган одамлар йўқ эмас, бор; лекин характерли эмас. Колхозларимизнинг раҳбарлари шоиримиз тасвир этган кишига ўхшаганларида қишлоқ хўжалигимизда эришган бу кунги ютуқларга, шубҳасиз, эришмаган бўлар эдик. Ёзучининг вазифаси ах'ён-ах'ёнда учрайдиган битта-яримта тасодифий ҳодисаларга ва ўткинчи воқияларга ёпишиш эмас, балки қолипга тушган, турмушда тиниб қат'ий бир тус олган характерли воқияларга ёпишиш ва уларни юксак бадий образ даражасига кўтариш ҳамда шу хилда характерли образларнинг бирмунчасидан ягона социал тип яратишдир. „Таниш бир дўкандорни, амалдорни, ишчини тасвир қилиш блан ёзучи фақат бир кишининг бирқадар муваффақиятли фотнграфиясини беради, бу нарса социал — тарбиявий аҳамияти бўлмаган бир фотография бўлиб қолади, халос. Бу нарса инсон ва турмуш ҳақидаги бизнинг тушунчамизни кенгайтириш учун ҳечнарса бермайди.

Агар ёзучи йигирма, эллик ва юзта дўкандор, амалдор, ишчининг ҳарбиридан энг характерли синфий белгиларни, одатларни, имо-ишораларни, ҳавас ва кайфиятларни, гапнинг оҳангини илиб олиб шуларнинг ҳаммасини битта дўкандор, битта амалдор ва битта ишчининг қиёфасида берса — шу йўл блан ёзучи тип яратади — мана бу нарса сан'ат ҳисобланади“ (М. Горький).

Бас, Мирмуҳсин буюк Горькийнинг маслаҳати йўлидан борганда, тасодифий бир ҳодисани олиб, ундан бадий образ яратишга уринмасдан, колхоз тузуми даврида етишган ва бирмунча йиллар давомида муайян бир қолипга тушган сон-саноксиз янги кишиларнинг образини бадий шаклга солиб, улардан тўлақонли социал тип яратган булар эди. Ана шундай қилганда бу типларнинг ижтимоий қиймати ва тарбиявий роли давримизнинг талабига муносиб булар эди. Ахир, социалистик реализмнинг асл моҳияти ҳам шунда эмасми?!

Мана бу камчиликларнинг ҳаммаси ёлғиз ижодий тажрибасизлик орқасида юз берган камчиликлардир. Кўпчилик ёш шоирлар қўлларига қалам олиб замонавий мавзуда бирон каттароқ асар ёзишга киришганларида асарнинг драматик томонини та'минлаш

мақсадида турли-туман „зиддиятлар“ ўйлаб чиқарганларидек, Мирмуҳсин ҳам ўзининг бош қаҳрамони Уста Гиёс образини мумкин қадар бўртдириб кўрсатиш ниятида асарнинг бўлак қаҳрамонларини бош қаҳрамоннинг манфаатига қурбон қилади. Натижада Уста Гиёс колхознинг ягона жонқуяри, „золарнинг маслаҳатгўйи, ҳар ишнинг чечан қаҳромони бўлиб қолади. Қолган кишилар эса, шоир истамагани ҳолда, бош қаҳрамоннинг кўланкасида қолиб „салбий“ образларга айланиб кетадилар. Бу сохта зиддиятлар ёлғиз Уста Гиёснинг фойдасига қаратилганлиги очиқдан-очиқ кўриниб туради. Автор Уста Гиёснинг ёрдами билан „йўл адашканларни“, „ғафлатда қолганларни“ тўғри йўлга солиб юборгандан кейин, бу кишиларнинг ортиқ салбий кишилар бўлиб ҳаракат қилишларига шоирнинг муҳтожлиги қолмайди—улар энди „яхши“ кишилар бўлиб кетадилар. Хуллас, Уста Гиёснинг ғалабасини таъминлаш ниятида автор холисанилло ишлаб юрган „яхши“ одамларни вақтинча „ёмон“ одамларга айлантириб қўяди.

Мана бу камчиликларнинг ҳаммаси турмуш тажрибаларининг камлиги, воқияни чуқур фаҳм қилмаслик ва ижодий юзакилик орқасида юз берган камчиликлардир.

Ёзучи ўз қаҳрамонларини воқиянинг орқасида тартиб билан баравар қўйиши, уларнинг ҳарбирига бир текисда қараши керак. Бир қаҳрамоннинг манфаати учун иккинчи қаҳрамонни ўринсиз қурбон қилиш бадий асарга нуқсон келтиради.

Социалистик меҳнатни нотўғри англаш асарнинг яна бир-икки ўринларида учрайди. Ёзучимиз Абдулла Қаҳҳор ўзининг „Хотинлар“ ҳикоясида совет тузumi даврида етишган ва уруш йилларида анча камол топган ўзбек аёлларининг меҳнат соҳасидаги ажойиб ишлари ва бу ишларнинг „ички қонунлари“ ҳақида гапириб мана бундай дейди:

„Эндилекда... бу хотинлардан ҳечбири қилаётган ишига, касби-корига сабаб тирикчилик деб қарамайди. Буларда қандайдир бир ички дард бор. Шундай ички дард, кундалик тирикчиликдан юксакроқ бир сабаб бўлмаса ҳечқандай қонун, ҳечқандай шахсий манфаат буларни бу хилда ишлашга мажбур қилолмайди“.

Мана бу сўзларда совет кишиларининг асосий хусусиятлари, уларнинг меҳнатга бўлган муносабатларидаги „сир“лари, янги одамларни ботирлик ва қаҳрамонликларга чорлаган уларнинг „юрак дардлари“ тўғри берилади. Дарҳақиқат, ҳаётнинг турли-туман жабҳаларида ҳормай чарчамай ишлаётган совет кишилари ўзларининг ишларига „касби кор“, „сабаб тирикчилик“ деб қараганларида халқимизнинг уруш вақтидаги азоб-уқубатларга бардош қилиб мунчалик азаматликлар кўрсатишининг „маънавий“ сабаби номаълум қоларди. Совет кишиларининг юракларида ҳарқандай шахсий манфаатдан, ҳарқандай хусусий роҳат орзуларидан юқори турадиган „қандайдир бир ички дард бор“. Бу дард совет кишиларининг ватанга бўлган битмас-туганмас муҳаббатлари совет тузумининг бирдан-бир чинакам ҳаққоний бир тузум эканлигига шак-шубҳасиз ишонишлари ва шу тузумнинг ғалабаси ва истиқболли учун жонларини аямасликларидир!.. Мамлакатимизни томир-

томиридан ўзгартган катта янгиликлар билан бирга, бизнинг ўзимиз ҳам ўзгардик, ўсдик. Совет кишиларининг бу янги хислат ва фазилятларини кўрсатмоқ... совет ёзучисининг вазифасидир" (А. Жданов). Совет кишиларининг хусусий мулкчилик асосига қурилган жамиятда яшайдиган кишилардан фарқ қиладиган муҳим нуқталарининг бири юксак ма'навийётдир. Худбинлик, манфаат-парастлик, ёлғиз ўзини билиш, нафс қули бўлиш совет кишиларининг табиатидан йўқолиб кетаётган ва йўқолиши лозим бўлган ёмон хислатлардандир. Масалага мана шу томондан қараганда Уста Гийёсдек бир одамнинг ажойиб ишларини, «х'ён-ах'ёнда бўлса ҳам, «куз ишлаган одам топади, қиши блаи егани палов...» каби сўзлар билан тасвирлаш бундай кишиларнинг ша'нига сра тўғри келмайди. Наҳотки, ватанимиз жон бериб жон олиб турган бир пайтда халқимизнинг илғор кишилари ўзларининг шахсий манфаатларини, бемаслак, беғоя кишилар сингари ўзларининг хусусий тинчликларини ўйлаган бўлсалар, ноҳотки, улар қилган меҳнатлари бадалига қиши билан «ёғлик патир», «ёғлик палов» ейиши хаёл қилган бўлсалар!.. Йўқ, мамлакат қил устида турган бир замонда тош келса кемириб, сув келса шимириб, қишнинг совуғига, саратоннинг иссиғига бардош бериб ишлаган совет кишиларининг бу хилда юзаки ва сохта та'рифлар билан тасвирласак, уларни камситиб қўямиз.

Ба'зи шоирларимиз бу соҳада ортиқ тиришқоқлик кўрсатадилар:

Колхоз даласида Қўлдош тер тўкар:
 Терлар танга бўлиб кирар киссага,
 Тез дамда бадавлат, бой бўлган Қўлдош
 Куч-қуввати ошди уч-тўрт қиссага"¹

Юқорида келтирилган мисоллар билан колхозларимизнинг бадавлат турмуши ва кохозчиликимизнинг тўқ ҳаётини адабиётда тасвир этилмасин. деган хулоса чиқмайди. Бадавлат колхоз ҳаётини тасвир этиш совет адабиётининг асосий вазифаларидан бўлиши керак. Брок бу тасвирида осивательчилик ва мешчанлик ботқоғига ботиб қолмаслик лозим. Совет адабиётининг асосий вазифаларидан биттаси давримизнинг кишилари онгидан эски дунёнинг салқитларини чиқариб ташлашга ёрдамлашишдир. Шу сабабли «давлатмандлик» масаласига, «тўқ турмуш» масаласига социалистик мазмунни сингдириш, бу тушунчани умум давлат фаровонлиги тарзида англаш лозим бўлади.

Асарнинг боғланишида ва таркибида ҳам бирмунча ғўрлик сезилади. Поэманинг айрим бўлаклари бир-бирлари билан пухта боғланган эмас, айрим боблар ҳавода муаллақ осилиб турганга ўхшайди, ҳатто ба'зи қисмларни асардан бутунлай чиқариб ташланса ҳам воқиянинг боришига сра халал етмайди. Бирхил воқиялар охирига қадар ешилмасдан, чўлтоқ қилиб ярим йўлда таш-

¹ Ж. Шарибий — «Барқ уриб кулади лаззатли турмуш», «Шарқ Юлдузи» сон 4—5, 1946 йил.

лаб кетилган. Чунончи колхоздан қочиб кетган Ашурнинг колхозга қайтиш ниятида бола чақаси блан аравага тушиб йўлга чиққанлиги ҳақида гапириб, воқияни шу блан тамом қилинади. Ашур колхозга қайтиб келгандан кейин нима иш қилди, — ҳамон эски „ўжарлиги“ни давом этдирдими, ёки Уста Фиёс сингари ҳалол бир кишига айландими — булар ҳаммаси ўқучига номаълум бўлиб қолади. Умуман айтганда „салбий“ қаҳрамонларнинг „ижобий“ қаҳрамонларга айланиш йўлидаги уларнинг руҳий ҳолатлари, бу „ўзгариш“нинг диалектик қонунилари ва ички сабаблари кўрсатилмайди. Поэманинг тузилишидаги бу камчиликнинг асосий сабаби яна ўша Уста Фиёс образига ортиқча этибор берилишидандир. Колхоз турмушидан олинган айрим воқиалар бош қаҳрамон Уста Фиёс табиатининг бирон томонини очишга кўрсатган ёрдами жиҳатидангина шоирни қизиқтиради. Шу сабабли поэманинг ўзи ҳам ялписига олинганда, умуман колхоз тўғрисида ёзилган асардан кўра колхознинг битта илғор кишиси тўғрисида ёзилган асарга кўпроқ ўхшаб кетади.

„Уста Фиёс“ поэмасининг соддалигини то шу маҳалга қадар ҳар мақомда айрича мақтаб келдик. Броқ бу соддалик асарнинг давомида бир текисда бормайди. Баъзи ўринларда шеър ва унинг ичидаги маъно ҳаддан ташқари соддалашиб прозаизм даражасига тушиб кетади, яъни назмлигини йўқотиб оддий насрга айланиб қолади, шеърятдан йироқ, завқни қўзғотмайдиган оддий гаплардан назм чизилади. Чунончи биз, чуқур ички ҳиссиёт, майин лирик туйғулар блан тўлган:

Чатқолдаги олмассимон қор.
Чўққиларда ўйнаган шунқор.
Хандон писта, ёнғоқзор тоғлар,
Тизза бўйи кўм-кўк ўтлоқлар,
Тоғдан оқиб тушган шалола,
Адирдаги қип-қизил лола
Танти эрлар, меҳнат севарлар,
Қариялар, сулуз чеварлар,
Денгиз каби беҳад пахтазор,
Водийдаги яна неки бор,
Бари, бари, бари бусбутун.
Юрагимни этганди мафтун.

каби ажойиб шеърлар блан бир қаторда шеърлик башараси бўлмаган мана бундай қуруқ сатрларни ҳам учратамиз:

Бир қиш куни,
Ашур эрталаб,
Тўрт ғилдирак аравани қўшди.
Ташиб чиқди бор-йўғини унга,
Хотин, бола-чақаси ҳам тушди.
Бир чаккага Уста ҳам ўтирди,
Отиб олди Ашур тутган носдан.

Бир силтади тизгинни:

„Ҳа-чу!“

Ғилдираклар кўчди бехосдан.

Бу ше'рда қофия ҳам йўқ („қўшди“, „тушди“, „ўтирди“ сўзлари қофия бўлмайди, „носдан“ блан „бехосдан“ — яхши қофия, лекин шоир „нос“ сўзини шунчалар кўп ишлатадики, ўқучи унинг яхшилигини ҳам сезмайди). Ўлчов ҳам йўқ, вазн ҳам йўқ, ҳатто дурустроқ ма но ҳам йўқ. Ше'рдаги сўзларнинг биронтаси шоирнинг ижод таҳлилидан, ақл ва фаҳм муҳофазасидан ўтган эмас, шоир ўз миясидаги тайёр гапларни суриштирмасдан сатрларга тераберганлиги аниқ сезилиб турибди.

Бундай сатрларни поэмада анчагина топиш мумкин. Яхши асарда учрайдиган бу хилда қуруқ гаплар бамисоли янгигина тикилган кийимга солинган ямоққа ўхшаб қолади — асарнинг қийматини пасайтиради, ҳуснига доғ солади.

Соддаликка ортиқ даражала берилиш ше'рларнинг ўлчовига айниқса ёмон та'сир этган. Шоир поэманинг ҳаммасини тўққиз ҳижолик бармоқ вазнида ёзмоқчи бўлади. Бу ўлчов ўзининг ихчамлиги, раванлиги блан поэманинг характериға жуда мос тушган. Броқ шоир танлаган андозасини асарнинг охириға қадар бузмасдан оборолмайди. Кўп ўринларда тўққиз ҳижолик сатрлар блан бир қаторда ўн ҳижолик сатрлар ва аҳ'ён-аҳ'ёнда, ўн бир ҳижолик сатрлар ҳам учраб қолади:

Борки сен блан мен, қочиб кетдик... (10)

Шунинг блан колхоз тамомми? (9)

Йўқ Ашурвой! Эҳтимол учгадирсан — (11)

Иғвосига бирор ёмоннинг (9)

Кўп ўринларда шоир керак бўлмаган ерда ше'рларни парчалаб, сатрларни чўлтоқ қилиб қўяди:

Ана, текис пахта майдонлари,

Қатор тутлар,

Қўрғонлар,

Зовурлар...

Гув-гув учар сонсиз асал ари,

Колхоз тегирмони гувиллар,

Сатрлар ўртасидаги бу хилда ўлчов пойма-пойлиги ше'рнинг раванлигини, оҳанг силлиқлигини бузади. Бундай ше'рлар қулоққа жуда дағал эшитилади, бинобарин, ўқучининг завқини бўшаштириб қўяди. Бу да'войимиз блан шоирнинг олдиға, ше'рларнинг ҳамма сатрлари бир ўлчовда бўлсин, деган талабни қўймоқчи эмасмиз. Классик адабиётнинг асосий талабларидан бўлган бу қоидаға шак-шубҳасиз эргашишнинг ҳечқандай зарурлиги йўқ. Совет адабиётида бир банд ше'р ичидаги сатрларнинг турлича ўлчовларда ёзилганлиғига ҳарқанча мисол келтириш мум-

кин, лекин шуни эсдан чиқариш керак эмаски, ше'рнинг қулоққа ёқиши ҳам унинг муҳим шартларидандир. Қулоқнинг „кунглига“ ёқиш учун ҳарбир ше'р аввало равон бўлиши, оҳангдор бўлиши шарт. Аммо ше'рнинг равон ва оҳангдор бўлиши учун сатрларнинг бир ўлчовда ёзилиши шарт эмас. Ше'рни ёқимли қилиш сан'ати ниҳоятда оғир ва мураккаб бир ҳунардир. Бунинг учун ёлғиз ҳижоларнинг баравар бўлиши кифоя қилмайди. Ше'рнинг равон бўлиши учун унинг ичилаги ҳарбир сўз, ҳатто ҳарбир ҳарф бамисоли мусиқа нотасидаги товушлар сингари ўз ўрнида туриши лозим. Я'ни равонлик, оҳангдорлик, даставвал ше'рнинг мағизига сингдирилиши керак. Мана шу „ички оҳангни“ мусиқага сола билган шоир, сатрларнинг пойма-пой бўлишига қарамай, жуда юксак равонликка эришади. Да'войимизнинг исботи учун мисол ахтариб узоққа бориб юрмасдан Мирмуҳсиннинг ўз поэмасидаги ше'рлардан бир-икки банд келтириб қўяқоламиз:

- | | | |
|------------------------------------|-----|-------|
| 1. От ҳаллослар, отнинг бурнидан — | (9) | |
| 2. Чиқар эди бир самовар буг. | (9) | |
| 3. Жониворни хўб терлатарди; | (9) | |
| 4. Юк, | (1) | } (9) |
| 5. Қатқалоқ, | (3) | |
| 6. Қаҳратон совуқ... | (5) | |

Олти сатрдан иборат бўлган бу ше'рнинг биринчи уч йўли 9 ҳижодан, тўртинчиси — 1, бешинчиси — 3 ва олтинчиси — 5 ҳижодан иборатдир. Ҳақиқатда бу ше'р олти йўл эмас, тўрт йўл — уни мана бундай ёзилса ҳам бўлади.

- | | |
|------------------------------------|-----|
| 1. От ҳаллослар, отнинг бурнидан — | (9) |
| 2. Чиқар эди бир самовар буг. | (9) |
| 3. Жониворни хўб терлатарди; | (9) |
| 4. Юк, қатқалоқ, қаҳратон совуқ... | (9) |

Бу ше'рни тўрт йўлга терганда ҳам унинг равонлиги йўқолмас эди. Билакс, ҳижолар бараварлашиб, ўлчов талабларига тўлароқ жавоб берилган бўлар эди. Охирги сатрни парчалаб, уч йўлга териш блан, бу йўлларнинг ҳархил бўлишига қарамай, шоир ўз ше'рига яна ҳам равон ички бир оҳанг беради, я'ни кейинги уч йўлни (4, 5, 6) тўхтаб-тўхтаб, пауза блан ўқилиши юкнинг оғирлиги, йўлнинг қийинлиги, совуқнинг қаттиқлигини алоҳида қеъд қилиб ўтади. Бу мисолда биз Мирмуҳсиннинг усталигини кўрсак, олдингиларида унинг заифлигини кўрамиз. Афсуски, поэмада олдинги икки банд ше'р сингари пухта ишланмаган сатрлар анчегина учрайди. Мана шулар поэманинг ҳуснига бузадиган оғир муҳим бадий камчиликлардир. Агар Мирмуҳсин ше'рларнинг ўлчови устида қунт блан ишласа, ижоди ўсиш йўлида яна бир пағана юқори кўтарилишига ҳечқандай шубҳа қилмаймиз.

Манзараларни тасвир қилганда шоирнинг бепарволиги орқасида ба'зи „кичкина“ деталь хатоликлари ҳам ўтиб кетади:

Узун-узун тераклар жимжит,
Ариқларда қотмиш эди сув.
Қорни тўзон киби учириб,
Совуқ шамол еларди ғув-ғув...

Бу сатрларда шоир қишнинг изғирин шамолини тасвир қилмоқчи бўлади. Мана шундай изғиринда „узун-узун тераклар (нинг) „жимжит“ туришига тушиналмадик, ё теракларга шамол тегмайди, ё бўлмаса, тегса ҳам, тераклар шамолни писанд қилмайди!.

Яна мисол:

Поэманинг „Уста Ғиёс ва Мухбир“ бобида мана шундай сатрларни ўқиймиз:

Ғўза ичра қизлар қўшиқ куйлар,
Бийрон-бийрон айтади Ёқут.
Ана, Хушрўйбиби бошида,
Қурти учун олиб келар тут.

Томокидек қалин ғўза барги,
Кўм-кўк,
Текис,
Була ҳарбири,
Пахтазорга бошлаб кирди Уста,
Савол берар қишлоқ мухбири.

М у х б и р

Ёмон эмас ғўзангиз, қаранг —
Кўсагини қийиндир саваш?

Бу мисолда йилнинг икки фасли бир-бири билан аралаштириб юборилган: ма'лумки қурт тутиш вақти эрта кўкламдан бошланиб, ёз бошларида пилла йиғиштириб олинади. Қурт тутиш пайтида ғўза бир-икки чопиқдан чиқиб энди-энди битта-яримта гуллай бошлаган бўлади, модомики шундай экан, шоиримиз ғўзанинг „кўсагини санаб қийналиб“ ўтирмаса ҳам бўлар эди!.

Мана бу хилда хатоларни асарнинг тилида ҳам учратиш мумкин. Поэманинг ўзини умуман олганда шоирнинг тил устида қунт билан анчагина жиддий ишлаганини кўрсатса ҳам, бирхил ўринларда ба'зи сўзларни нотўғри ишлатилганлигини ҳам йулиқтира-миз:

Севган ёрим қўлига қилич бердим,
У айлади эл ёвин майдонда хор.

„Хор“ сўзи тилимизда „увол“ сўзига яқин бир ма'нода ишлатилиб, ёлғиз азиз нарсаларга нисбатан қўлланади (илмингни хор қилма, ота-онангни хор қилма, нонни хор қилма ва ҳоказолар). Бу сўз душманни та'рифлаш учун сра тўғри келмайди: душ-

манни хор қилинмайди, душманни ер блан яксон қилинади, тор-
мор қилинади!..

Яна бир мисол:

Бу... *Ғаламус* бедонагни ташла!

Бедона учун нотўғри сифат—бедона „Ғаламус“ бўлмайди, фа-
қат одам ғаламус бўлиши мумкин.

Тагин бир мисол:

Олов ёнар устахонада
Ёш бир йигит тортарди босқон
Аравасоз Расул ака ҳадеб,
Гурсиллатиб урарди сандон.

Бу ерда устахона асбобларини бир-бири блан аралаштириб
юборилган: темирчиларнинг тилида икки қўл блан уриладиган
катта болгани „босқон“ дейилади. Шоир айтмоқчи бўлган асбоб-
ни босқон эмас, дам деб юритилади. Охири сатрдаги „сандон“
сўзи ҳам нотўғри ишлатилган — „сандон“ деб кундага ўрнатиб
қўйилган пулат тўнкага айтилади. Сандон блан ҳеч нарсани урил-
майди, аксинча ясаладиган асбобни сандон устига қўйиб болга
ёки босқон блан урилади. Тилимизга бу хилда юзаки ва мас-
улиятсиз қараш қал.м аҳллари учун гуноҳгина эмас, балки жино-
ятдир. Модомики ёзучининг асосий қуроли тил экан, ёзучу унга
чуқур эҳтиром ва ҳурмат блан қарамоғи, ҳарбир сўзни ўйлаб тўғри
ишлатмоғи лозим.

Поэмадаги ўринсиз қайтариш ва такрорлашлар ҳақида ҳам бир-
икки сғиз гапириб ўтишга тўғри келади. Маълумки бадиий ада-
биётда айрим сўзларни, айрим ҳолатларни, айрим кўринишлар ва
қаҳрамоннинг айрим ички ва ташқи хусусиятларини такрорлаб бо-
риш катта роль ўйнайди. Маълум хилларни қайтариш воситаси
блан ёзучи қаҳрамоннинг руҳий ҳолатида юз берган ўзгаришларни
ўқучининг зиҳнига сингдириб боради, ёки асарнинг хотимасида
ешилиши лозим бўлган бирон воқиага ўқучини тайёрлаб боради,
ё бўлмаса қаҳрамоннинг қиёфасидаги бирон белгини ёки сўзидаги
характерли бирон иборани қайта-қайта такрорлаш блан ўқучининг
тасавурида қаҳрамоннинг жонли образини яратади. Лев Толстой
ўзининг гениаль асари „Уруш ва тинчлик“ да князь Андрейнинг
хотини княгина Болконскаянинг калта лаби ва лавининг устидаги
сезилар-сезилмас қора тукни бир печа ўринда қайтаради ва шу
қайта-қайта такрорлаш воситаси блан ўқучининг тасавурида қаҳ-
рамоннинг сра эсдан чиқмайдиган равшан қиёфасини яратади.

„Уста Фиёс“ поэмасидаги қайтариқларнинг остида кўп маҳал
ҳечқандай ижодий мақсад кўринмайди. Бутунлай эҳтиёж бўлма-
гани ҳолда шакл ҳам маъно жиҳатидан бир-бировидан фарқ қил-
майдиган шеърни шоир уч-тўрт ўринда қайта-қайта такрорлайди
(„Қиш“ бобига қаралсин).

Баъзи ўринларда бир хил воқиа учун ишлатилган тасвир усул-
ларини сал-пал ўзгартиб шу хилда иккинчи воқиага ёдиштириб

қўя қолади. Чунончи асарнинг бошланишидаги колхоз мажлиси блан асарнинг охиридаги мажлис ўртасида ше'рнинг тузилиши жихатидан деярлик ҳечқандай фарқ йўқ— ҳар яққала мажлиснинг тасвири ҳам „қош қорайгач барча йиғилди“, „раис гапирди“, „Уста Ғиёс сўз айтди“ блан тамом бўлади. Ўқучи мана бу хилда ўринсиз қайтаришларни кўрар экан шоирнинг муҳофаза кучига ва фантазиясини ўткирлигига шубҳаланиб қарайди ва асарнинг ўзи ҳам умуман олганда зўр-зўракайлик блан пуфляб қомпайтирилган бир нарсага ўхшаб қолади.

Поэманинг бошқа камчиликлари тўғрисида гапириб ўтирмаймиз. Асарнинг яхши томонлари блан бирга унинг камчиликларини ба'зи ўртоқларимиз (*Асқад Мухтор, Шароф Рашид*) ўз вақтида матбуотда кўрсатиб ўтишди.

„Уста Ғиёс“ поэмаси янги кишининг қиёфасини кўрсатиш бобида шоирнинг биринчи қадамидир. Бу асарда ҳозирча каттакоп психологик лавҳалар, кучли социал проблемалар, йирик бадий тасвирлар, умумлашган социал типлар кўринмайди. „Ҳар тўкусда бир айб“ дегандек, Мирмуҳсинни ҳамоя остига олиб, „оқлаб“ кетмоқчи эмасмиз. Йўқ, чинакам бадий асар тўкус бўлиши, айбсиз бўлиши шарт!

Мирмуҳсиннинг катта фазилати ва ўқучини қувонтирадиган томони унинг жур'атидадир. Янги кишининг қиёфасини тасвир қилишдаги қийинчиликлардан чўчиб ўтирмасдан ишга дадил киришида ва замонамиз етиштирган янги сифатли одамни оддий ва содда тасвирларда беришидадир.

МУНДАРИЖА

Бет

ФАФУР ФУЛОМ. Янги йил ше'ри	3
ШАЙХОЗДА. Украинчага. Ше'р	6
А. МУХТОР. Қозон университети. Ше'р	7
ОРИФ ЮНУС. Лениннинг келиши	9
С. ҚАЛАНДАР. Биз Уралда. Повестлар	14
В. Н. СОСЮРА. Икки Ше'р.	24
К. СИМОНОВ. Рус масаласи. Пьеса	26
ЗУЛФИЯ. Салом. Ше'р	78
Ж. ШАРИФИЙ. Дашт бағрини ёраб утар паровоз. Ше'р	79

ЁШЛАР САҲИФАСИ

Қ. ХИКМАТ. Уч ше'р	82
САИДА ЗУННУНОВА. Қолхозда биринчи кун. Ше'р	83
К. МУҲАММЕДОВ. Муродбек. Ҳикоя.	84

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

А. АЛИМУҲАМЕДОВ. „Уста Ғиёс“ поэмаси ҳақида ба'зи мулоҳазалар 107

РЕДКОЛЛЕГИЯ: *Оббек* (мас'ул муҳаррир), *Ғафур Фулом*, *Яшиқ*, *Уйғун*, *Абдулла Қаҳҳор*, *Шайхзода*, *Ж. Шарифий*, *М. Ашрафий*, *Сами* *Абдуллаев*. Мас'ул секретарь: *Ма'руф Ҳаким*.

На узбекском языке

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

№ 1

Орган Союза Советских Писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кыял Узбекистан“

Ташкент—1948

• „Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:
Тошкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 33-881.

Босишга рухсат этилди 17/11-1948 й. Р 01718. Қозғоз формати 60x92/16. Босма листи 8,25.
Бир листда 47000 ҳарф. Тиражи 6000. Ияд. № 211. Баҳоси 5 сум.

Тошкент, „Кыял Узбекистан“ ва „Правда Востока“ нашриёти босмаханаси. Зилзи 48.



5 c.

